

74
Б-45

АБДУЛЛАЖОН БЕГМАТОВ
ДИЛРОМ АНВАРОВА

МАЪНАВИЙ
ТАРБИЯ

ТОШКЕНТ

44.200
75-45

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш кўмитаси


Абдуллажон Бегматов
Дилором Анварова

Маънавий тарбия
(услубий кўлланма)

172



«Akademiya»
Тошкент-2013



УЎК: 370;370.179

КБК: 74.200.51

Б45

Абдуллажон Бегматов, Дилором Анварова. Маънавий тарбия.
Услубий қўлланма. ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқару-
ви академияси. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси
- Т.: Akademiya 2012. -127 б

УЎК: 370;370.179

ISBN 978-9943-368-78-1

КБК: 74.200.51

87.7

Услубий қўлланмада маънавий тарбиянинг моҳияти, шакллари
ва йўналишлари тўғрисида сўз юритилади. Муаллифлар маънавий
тарбия бўйича мамлакатимизда ва хорижда тўпланган тажрибани умум-
лаштириш ва шу йўналишдаги тарбиявий иш самарадорлигини оши-
риш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган. Қўлланма
миллий гоё, маънавият, тарбия йўналишлари бўйича мутахассислар,
педагоглар, талабалар ва шу масалаларга қизиқувчи барча китобхон-
лар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-368-78-1 © «Akademiya» нашриёти . Тошкент, 2013

Кириш

Мустақил Ўзбекистонда ўз тарихи, маънавияти, маданий-маърифий кадриятларини англашга янгича ёндашиш жараёнида қўлга киритилган ютуқларга Республикамиз Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилди. Бу концепция миллатимизнинг ўзига хос урф одатлари, анъаналари, кадриятлари, менталитети ҳамда мамлакатимиз тараққиёт даражаларини қатъий ҳисобга олиши билан “ўзбек модели”ни ўзида акс эттирган.

Ўзбекистон собиқ Шўролар тоталитаризми шароитида 70 йилдан ортиқроқ яшагани боис, унинг сарқитларини тугатиб, демократик жамият қуриш томон қадам қўйиш жуда мураккаб масала эди. Чунки тоталитаризм, нафақат, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётга, шунингдек, маънавий-маърифий ҳаётга, инсонларнинг дунёқарашига ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун ҳам демократик жамият қуришнинг “ўзбек модели”да жамиятни тубдан ўзгартиришга хизмат қилувчи асосий таянч манба сифатида янги маънавият ва дунёқарашни шакллантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ эмасликларини, маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати эканини қайта-қайта таъкидлаб келади. Шунинг учун маънавиятнинг ривожлантириш, мамлакатда амалга оширилаётган бар-

ча ишларда унга таяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида”, 1996 йил 9 сентябрда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори ва 1998 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги махсус Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатларга биноан барча олий ўқув юртларида “Маънавият ва маърифат асослари” махсус курсини ўқитиш жорий этилди ва унинг дастлабки ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, бир қатор илмий-оммабоп мақолалар ҳамда рисоалар чоп этилди. Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, “Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат”¹ лигини таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбида жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатларга ўрин қолмайди, унинг ўрнида ёшларимиз онгида ватанпарварлик, яратувчанлик туйғулари юксак даражага кўтарилади, ўзаро муносабатларда самимийлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, эътиқод, имон, масъулият каби ижобий фа-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 23-бет.

зилатлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас бойлиги даражасида яна ҳам мустаҳкам ўрин олиб бораверади. Мана шу ҳолатлар маънавий тарбия нақадар дозарб аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов асарларида маънавиятнинг мазмун-моҳияти очиб берилиши баробарида, маънавий тарбиянинг нақадар зарурлиги ва асосий функциялари ҳам кўрсатиб берилган: “Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нима-ларга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий.

Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.”² Мамлакатимиз раҳбари томонидан истиқлол йиллари Ўзбекистонда олиб борилган маънавият соҳасидаги ислохотлар теран идрок этилиб, 2008 йилда «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли рисола яратилди. Мазкур рисола Республикамызда «Маънавият асослари»ни ўрганиш, ёшларни маънавий тарбиялашда ўзига хос босқич бўлиб, янги бир даврни бошлаб берди. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли рисоласи, бошқа нутқ ва маърузаларида маънавият масалаларига оид фикрларига таяниб, маънавият ва маънавий тарбиянинг турли қирраларини ёритиш ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

² Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 115-116- бетлар.

I боб. Маънавият тузилмаси ва маънавий тарбия

Маънавий тарбия самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири маънавиятнинг тузилмаси тўғрисидаги тасаввурни аниқлаштириб олишдир. Маънавият тузилмасини пухта ўрганмасдан туриб маънавий тарбияга киришиш нишонни аниқ билмай туриб ўқ отишга ўхшайди. Табиийки, бундай ҳолда ўқ, бизнинг мисолимизда эса, маънавий тарбияга йўналтирилган тадбирлар бекорга сарф қилинади.

Маънавият мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг асосий таркибий қисмлари Президент И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида тавсифлаб берилган. Мазкур китобда олға сурилган ғоялар, концепциялар ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислари учун маънавият тузилмасидаги элементларнинг ўрни, ўзаро боғлиқлиги ва яхлит тизимга бирикиш таъмоийларини тадқиқ қилиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бир чиқиш доирасида маънавият тузилмасидаги элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, тизимдаги ўрни ва бошқаларни ёритиш у ёқда турсин, уларнинг номларини санаб ўтиш ҳам қийин. Шунинг учун биз шу тузилманинг шаклланишида пойдевор вазифасини бажарадиган таркибий қисмларнинг фақат асосийларини тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, маънавиятни шакллантирадиган унсурлар бир нечта бўлиб, уларни ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, психологик ва антропологик турларга бўлиш мумкин. Бу унсурлар орасида

асосийларидан бири муҳаббатдир. Инсондаги энг олий фазилатларнинг шаклланиши муҳаббат билан боғлиқ. Инсонга муҳаббат, Ватанга муҳаббат, онага муҳаббат, ёрга муҳаббат, фарзандга муҳаббат, касбга муҳаббат, санъатга муҳаббат – буларнинг бари муҳаббатнинг кўринишлари.

“Муҳаббат” тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Тор маънода ишлатилганда, бу сўз халққа муҳаббат, Ватанга муҳаббат, ёрга муҳаббат, касбга муҳаббат кабиларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ифодалайди. Кенг маънода ишлатилганда эса, бу сўз ана шу муносабатларнинг барчасида мавжуд бўлган хусусиятларни ўзида жамлайди.

“Муҳаббат” арабча сўз бўлиб, “севиш” ва “севилиш” маъноларини англатади. “Муҳаббат” тушунчаси – маънавий, ахлоқшунослик, руҳшунослик, санъатшунослик ва педагогика фанларига алоқадор тушунча. Муҳаббатни фақат ишқ, севиш, ёқтириш, яхши кўриш маъносигагина талқин қилиш унчалик тўғри бўлмайди. Турли халқлар мифологиясида эзгулик йўлидаги жасорат ва қаҳрамонлик манбаи муҳаббатдир, деган дунё қараш ётади. Қадимги ҳинд ва юнон фалсафасида муҳаббат самовий ҳодиса деб тавсифланган. Муҳаббат диний дунёқарашда ўзига хос тарзда талқин этилади. Христианликда душманни ҳам севиш, шу йўл билан инсонлар орасидаги бегоналикка барҳам бериш ақидаси илгари сурилган. Халоскор Исони севган киши бошқаларни ҳам сева олади.

Исломда Аллоҳга, иймонли кишиларга муҳаббат ғояси устувор ғоялардан ҳисобланади. Ислом анъаналари ўзида кўпгина умумбашарий қадриятларни бирлаштиргани учун инсоннинг Аллоҳга ва бошқа инсонларга муҳаббатини унинг моҳияти билан боғлаб тавсифлайди. Алишер Навоий наздида муҳаббат ҳар қандай ғараздан холи меҳр кўрсатиш ва фидоийликдир. Муҳаббат – ўрта асрлар фалсафасида билиш жараё-

нининг ибтидоси ва шартидир. Масалан, Авлиё Августиннинг фикрича, инсон қанчалик севса, дунёни ва ўзини шунчалик кўпроқ била боради. Муҳаббат буюм ва инсонларни тўлароқ англаб олишга йўл очади.

Муҳаббатсиз маънавият бўлиши мумкин эмас. Чунки маънавиятнинг таркибига кирувчи унсурлар: қадриятлар, ахлоқ, санъат, дин ва бошқаларнинг бари муҳаббатга таянади. Айтайлик, ахлоқ яхшилик пойдевори га қурилади. Яхшилик эса одамларга, халққа муҳаббат туфайли вужудга келади. Санъат эса атрофдаги воқеликка — табиатга, жамиятга муҳаббат туфайли йўрғакланади. Дин эса илоҳга муҳаббатни тақозо этади.

Инсон моҳияти, унинг маънавиятини мукамал ўрғаниш натижасида муҳаббатни фалсафий тушунишнинг янги қирралари очилмоқда. Муҳаббатни тўла ва чуқур билиш эса маънавиятнинг шаклланиши ва юксакликларга кўтарилиш омилиларини батафсил англаш имконини беради.

Маънавиятнинг тузилмасини ўрганар эканмиз, унинг таркибида эътиқод, виждон, ирода, қадрият каби ҳодисалар мавжудлигини кўрамиз. Маънавиятнинг мазкур таркибий қисмлари на уларнинг маънавият таркибида тугган ўрни мамлакатимиз олимлари томонидан муайян даражада ёритилди. Айни пайтда, олимларимиз эътиборидан четда қолаётган жиҳатлардан бири маънавият таркибида муҳаббат эгаллайдиган ўриндир. Бизнинг кўзатувларимиз ва тадқиқотларимиз муҳаббат маънавиятнинг пойдеворини ташкил қилади, дейиш учун асос бўла олади.

Инсониятни ҳайвонот дунёсидан маънавият ажратиб туради. Инсон билан бошқа жонзотлар ўртасида бундан бошқа тафовутлар ҳам кўп. Лекин ўша тафовутларнинг асосийси — инсонда маънавиятнинг мавжудлигидир.

Инсон ўзини муҳаббат орқали намоён қилади. Муҳаббат бўлмаса, инсон актёр ёки шоир, ўқитувчи ёки ишчи, наққош ёки косиб бўла олмайди. Албатта, ҳаёт-

да муҳаббатсиз актёрлар, наққошлар, косиблар ҳам учраб туради. Лекин муҳаббатсиз том маънодаги косиб ҳам, ўқитувчи ҳам, наққош ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўз касбига меҳр қўймаган актёрлар, наққошлар, косиблар эса том маънодаги актёр, наққош ва косиб бўла олмайди. Улар нари борса, оддий тирикчилик учун фаолият юритаётган ҳунарманд бўлиш мумкин.

Муҳаббат одамларни ўзаро ҳамкорликка, дўстликка чорлайди. Жамиятда муҳаббат устувор бўлганда бар қарорлик, осойишталик, тинчлик ҳукм суради. Нафрат кучайганда, одамлар ўртасида ихтилофлар, жанжаллар, халқлар ўртасида эса урушлар келиб чиқади. Жанжаллар ва урушлар муҳаббатнинг муқобили бўлган нафратнинг ҳосиласидир.

XX аср давомида иккита жаҳон уруши, ўнлаб, юзлаб фуқаролик урушлари, минтақавий урушлар келиб чиқди. Бу хунрезликлар фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, бошқаларга муҳаббат билан эмас, нафрат билан қарайдиган одамлар, гуруҳлар ҳокимият тепасига келиб қолгани натижасидир. Иккинчи жаҳон урушига Гитлер ва унинг галаси Германияда ҳокимиятни қўлга олиши сабаб бўлди. Бу гала эътиқод қиладиган қадрият – фашизм фақат ўз ирқини севиб, бошқа барча инсониятга нафрат билан қарашни тарғиб этарди.

Муҳаббат ўрнини нафрат эгаллай бошлаганда ва бу туйғу муҳаббатдан устувор бўлганида инсон ўзининг инсонийлигини йўқота бошлайди. Унда ғайриинсоний, ҳайвонларга хос агрессивлик кучаяди.

Жамиятдаги ҳодисаларнинг кўпчилиги: адабиёт, муסיқа, дин ёки фалсафа – буларнинг бари муҳаббат туйғули ва инсонларда муҳаббат туйғусини уйғотиш ва баркамол қилиш учун яратилган.

Маънавиятнинг негизини Ватанга, халққа, инсониятга, табиатга бўлган муносабат ташкил этар экан, бу муносабатларни шакллантиришда адабиёт ва санъат жуда катта роль ўйнайди. Чунки, адабиётнинг ҳам, бош

қа санъат турларининг ҳам асосий мақсади инсоннинг Ватанга, халққа, инсониятга, табиатга муҳаббатини бадиий буюқларда ифодалашдир. Адабиёт ва санъат инсонлар ўртасидаги муҳаббат туйғули ва шу муҳаббатни куйлаш учун дунёга келди. Энди ана шу муҳаббат адабиёт ва санъатнинг абадий мавзуси бўлиб қолди.

Адабиёт ва санъатнинг муҳаббатни ифодалашдаги ўзига хослик шундаки, уларда муайян инсоннинг, муайян шахснинг муҳаббати ифодаланади. Лекин муҳаббатнинг шундай қирралари ҳам борки, уни алоҳида бир шахснинг туйғуси орқали ифодалаб бўлмайди.

Ҳар бир тарихий даврда муҳаббат ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Бу хусусиятларни бир ёки бир неча образлар орқали ифодалаш мумкин эмас. Бундай хусусиятларни англаш учун тарих, маданиятшунослик, фалсафа, ахлоқшунослик каби фанларнинг ёрдами керак бўлади.

Муҳаббат фақат инсонга хос хусусиятдир. Ҳайвонлар ўртасида ҳам муҳаббатга ўхшаш туйғу бор. Масалан, оққушлар ва бошқа бир қатор парранда ва даррандалар ўз жуфтлари билан умрбод оила курадилар. Лекин бу туйғуни муҳаббат деб бўлмайди. Бу — муайян шароитда яшаётган, муайян турнинг атроф-муҳит тақозоси билан вужудга келган инстинктдир. Ҳайвонларда онг йўқ. Уларда рефлекслар ва инстинктлардан иборат онг ости мавжуд холос.

Инсон эса онг ва онг остига эга бўлиб, унинг муҳаббати ҳам онг билан, ҳам онг ости билан боғлиқ.

Муҳаббат юксак туйғудир. Унинг юксаклиги, аввало шундаки, у нафрат, ҳасад, рашк сингари туйғулардан кейин пайдо бўлган. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаган ва жамоавий никоҳ муносабатларида бўлган ибтидоий одамларда муҳаббат туйғуси йўқ эди. Рашкка ўхшаш туйғу ҳайвонларда ҳам мавжуд. Макиёнлар олдида гердайиб юрган хўроз бошқа хўрозни ўзининг “маъшуқалари” яқинига йўлатмайди. Шунга ўхшаш туйғуни бошқа ҳай-

вонларда ҳам учратиш мумкин. Аммо уларнинг бирортасида муҳаббат туйғуси йўқ.

Муҳаббатсиз ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, мардлик, жасорат сингари ўнлаб ижобий фазилатлар бўлиши мумкин эмас. Чунки ватанпарварлик инсоннинг Ватанга, халқпарварлик эса — халққа муҳаббатини ифодалайди. Мардлик ва жасорат сингари сифатлар эса Ватанга, халққа, ёрға муҳаббат натижаси, уларни ҳимоя қилиш эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Шундай экан, муҳаббат маънавиятнинг энг асосий устунларидан бири, дейиш мумкин. Буни чуқурроқ аниқлаб етиш учун маънавият таркибида муҳаббат йўқ, деб фарз қилиш кифоя. Маънавият таркибидан муҳаббатнинг чиқиши юқорида санаб ўтилган ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, жасурлик сингари кўплаб сифатларнинг йўқ бўлишига, демак, маънавиятнинг ҳам йўқолишига олиб келади.

Бағрикенглик

Муҳаббат маънавият тузилмасидаги асосий унсурлардан бири бўлса, бағрикенглик маънавиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Муҳаббат билан бағрикенглик ўртасида яқин алоқа мавжуд. Инсонпарварлик, яъни инсонларга муҳаббат бағрикенгликнинг асосини ташкил қилади. Гуманизм, яъни инсонларга муҳаббат уларнинг барига — дини, ирқи, дунёқарashi, урф-одатлари ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, ҳурмат билан қарашга ундайди.

Бағрикенглик жамиятдаги барқарорликни ва ижтимоий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимизнинг маънавий асослари, жумладан, бағрикенглик ҳақида Президент И.А.Каримов шундай ёзади: “Биз халқимизнинг ақл-идроқи, мустаҳкам иродаси, бағрикенглиги ва

инсонпарварлигига таянган ҳолда, бу борада амалга оширган бир қатор ишлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда”³

Бағрикенгликнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини тўла англаш учун унинг шаклланиш тарихига бир назар ташлаш керак. Бағрикенгликнинг келиб чиқиши ва турмуш тамойилига айланиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Фарб олимлари, хусусан, англиялик олимлар, XVI –XIX асрларда дунёдаги кўп мамлакатларни забт этганларидан кейин, англосакслар бир ҳудудда бир неча дин, бир неча миллат, бир неча ирқ вакиллари биргаликда яшашлари учун бағрикенглик назариясини яратганлар ва тарғиб қилганлар, дейишади. Бир қарашда, бу фикр мантиқийдек кўринса ҳам, аслида у тарихий ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди.

Англосакслар дунёни забт эта бошлаганларидан анча аввал ҳам бир ҳудудда бир неча миллат, дин ва ирқ вакиллари яшаган. Улар ҳар доим ҳам аҳилликда яшаган, дейиш қийин. Лекин зарурат уларни бир ҳудудда яшашга мажбур қилган. Аввало, урушлар туфайли давлатларнинг бири иккинчисини босиб олиши оқибатида турли миллат, дин ва ирқ вакиллари бир ҳудудда жамланган. Қулдорлик тузуми даврида турли миллат ва дин вакилларининг бир ҳудудда тўпланиши урушлар туфайли юз берган. Зўрлик оқибатида, бир миллат ёки давлатнинг иккинчисини босиб олиши оқибатида вужудга келган бундай кўп миллатлилиқ ва кўп динлик ва улар ўртасидаги бағрикенглик ва “иноқ”ликнинг узоқ давом этиши мумкин эмасди. Бу даврда қанча кўп босқинчилик уруши юз берса, шунчалик кўп исёнлар ҳам бўлган.

Ўрта асрларга келиб манзара бироз ўзгарди. Қулдорлик даврида ишлаб чиқариш кучлари ривожлани-

³ Ислом Каримов. Юксак маънавият - энгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 82-83 бетлар.

ши паст даражада экани, жамиятда натурал хўжалик устувор бўлгани сабабли ички савдога эҳтиёж кам, ташқи савдога эҳтиёж эса деярли йўқ эди. Ўрта асрларга келиб ҳунармандчиликнинг ривожланиши ички ва ташқи савдо ривожланишига туртки берди. Ташқи савдонинг ривожланиши эса, бошқа мамлакатлар, миллатлар, динлар билан танишиш ва уларга нисбатан бағрикенг бўлиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Бундай эҳтиёжни бошқа мамлакатдан мол келтириб сотаётган савдогар ҳам, бу молга зарурати бўлган харидор ҳам сезар эди. Лекин бу эҳтиёж савдогар учун ҳам, харидор учун ҳам ташқи омиллар таъсирида келиб чиққан эди.

Бағрикенгликнинг шаклланишига турли миллат ва элат вакиллари табиий жиҳатдан қандай шароитда ёнма-ён турмуш кечириши ҳам сабаб бўлган. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов шундай ёзади: “Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари — дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чул ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими гоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади.”⁴

Янги ва энг янги даврда юз берган илмий ва техник инқилоблар саноатнинг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келди. XX асрнинг сўнги чораги ва XXI аср бошларида юз бераётган глобаллашув жараёни эса, бу жараёнларни янада тезлаштириб юборди. Бу дегани, бағрикенгликка бўлган эҳтиёж мутаносиб тарзда кучайди, деганидир.

Бағрикенгликнинг илмий ва кундалик тасаввур сифатидаги тадрижи, унинг жамият ҳаётидаги муҳим та-

⁴ Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 9-бет.

мойилга айланиши тарихига ташланган қисқа бир на-
зар, мазкур ҳодисанинг тадрижи нақадар мураккаб
кечганидан гувоҳлик берди. Алоҳида индивид ҳаётида
ҳам бағрикенгликнинг шаклланиши худди шундай, эҳти-
мол, ундан ҳам мураккаб тарзда кечади.

Мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқув-
чиларида бағрикенглик чегаралари жуда кенг бўлади.
Бу ёшда болалар, айниқса, мактабгача ёшдаги бола-
лар, деярли ҳамма нарсани қабул қилади ва ўзлашти-
ради. Уларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларни ўзлаш-
тиришини пахтанинг намни ўзига тортишига қиёслаш
мумкин. Болалар маълум миқдордаги меъёрлар, анъа-
налар ва қоидаларни ўзлаштирач, уларда муайян дунё
қараш, қадриятлар шаклланади ва улар энди ўзлари
кузатаётган воқеа-ҳодисаларга танлов асосида ёндаша
бошлайди.

Танлов эса баҳолашни тақозо этади. Баҳо эса, ижоб-
бий ёки салбий бўлиши мумкин. Баҳолаш асосида бола
атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий му-
носабат билдира бошлайди. Айни шу даврда, яъни бо-
лаликдан ўсмирликка ўтиш даврида ўзини намоён қилиш
эҳтиёжи кучли бўлгани сабабли салбий баҳолаш ҳам,
ижобий баҳолаш ҳам кўпинча радикал хусусиятга эга
бўлади. Бу ёшдаги болалар дунёни кўпроқ оқ ва қора
рангга қабул қилишади. Оралиқдаги ранглар эса, улар-
нинг эътиборини унчалик тортмайди. Мабодо, тортган
тақдирда ҳам, бу ҳодисалар паст рейтингга эга бўлади.

Катта ёшдаги одамлар кўпчилигининг ҳаёт тажри-
баси вазминликка, кескин баҳолардан эҳтиёт бўлишга
ўргатган бўлади. Ўсмирда эса, ҳали бу тажриба йўқ ва
айтиш мумкинки, болалик ва ўсмирлик чегарасида ўзга-
лар билан келишмовчилик юқори чўққисига етади.

Жамият турли ижтимоий тизимлардан ташкил то-
пади. Шундай тизимлар жумласига: ишлаб чиқариш
tizими, таълим тизими, соғлиқни сақлаш тизими, ил-
мий муассасалар тизими, муҳофаа тизими ва бошқа-

ларни киритиш мумкин. Бу тизимларнинг ҳар бирида бағрикенглик ўзига хос функцияларни бажаради. Тизимлардан бирида бағрикенгликнинг роли каттароқ бўлса, бошқасида кичикроқ. Масалан, хизмат кўрсатиш тизимида бағрикенглик жуда муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада ишлаётган ва ишламоқчи бўлаётганлар учун бағрикенглик энг муҳим сифатлардан ҳисобланади. Бағрикенг бўлмаган одам бу соҳада узоқ ишлай олмайди. Бу соҳа вакили ўзининг идеаллари, тасаввурларини бир чеккага суриб, мижозларнинг идеаллари ва талаблари билан ҳисоблашиши, максимал даражада мулоийм бўлиши керак. Мулоиймлиқ бағрикенгликнинг намоён бўлиш шаклидир. Бу тизим вакили ўзига ёққан одамга хизмат кўрсатса-ю, ёқмаганига хизмат кўрсатмаса, бундан беъмани ва кулгили ҳолат бўлмайди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор бағрикенгликдан қанча йироқ бўлса, унинг банкротликка учраши шунча яқин бўлади.

Максимал даражада бағрикенг бўлиш тиббиёт ходимларидан ҳам талаб этилади. Жарроҳ ўзида нима учундир яхши таассурот қолдирган беморни операция қилса-ю, ёқмаган беморни операция қилмаса, у Гиппократ қасамини бузишдан ташқари, ўз обрўсини ҳам, тизимнинг обрўсини ҳам тушириб қўяди.

Келтирилган мисоллар маънавиятнинг муҳим қирраларидан бири бўлган бағрикенглик, Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобларида айтилганидек, маънавиятни иқтисод билан боғлайдиган қирралардан биридир. Бағрикенглик йўқ бўлган юрт, оила ёки жамиятни фикран кўз олдимизга келтирсак, уларда тинимсиз жанжаллар, урушлар, низолар юз беришига ишонч ҳосил қиламиз. Маънавиятнинг жамиятдаги барқарорликни таъминлаш функцияси муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган қирраларидан бири бағрикенглик эканига ишончимиз комил бўлади.

Мардлик

Мардлик – инсон маънавиятига хос бўлган ахлоқий сифат. Мардлик муҳаббат ва эътиқод сингари маънавийтнинг асосларидан бирини ташкил қилади. Мардликни маънавийтнинг асосларидан бири, дейишимизга сабаб шуки, у ҳалоллик, ростгўйлик, фидойилик, жасорат, ватанпарварлик сингари маънавий фазилатларнинг негизини ташкил қилади. Гап шундаки, мардлик бўлмаса, инсон ҳалол ҳам, ростгўй ҳам, фидойи ҳам, ватанпарвар ҳам бўла олмайди. Инсон мард бўлмаса, у жасорат ҳам кўрсата олмайди.

“Маънавият” изоҳли луғатида мардликка қуйидагича таъриф берилади:” 1.инсоннинг маънавий хислати, номардликнинг зидди, ор-номус, виждон ва садоқатни, шахснинг олижаноблигини ифодалайдиган; 2) мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракатни англатувчи тушунча.”⁵ Луғатда келтирилган таърифларнинг ҳар иккисига ҳам қўшилиш қийин. Таърифнинг биринчи вариантыда мардлик ўзининг зидди – номардлик орқали таърифланмоқда. Нарса-ҳодисанинг моҳиятини унинг зидди орқали ифодалаш номақбул усул. Унинг ёрдамида моҳиятга етиб бўлмайди. Масалан, оқ – қоранинг зидди, деган таърифда “оқ” ҳақида жуда кам маълумот келтирилган. Номардликнинг зидди фақат мардлик эмас, жасорат, фидойилик кабилар ҳам бўлиши мумкин. Лекин жасорат – номардликнинг зидди, ёки фидойилик – номардликнинг зидди, деган таърифларда ҳам жасорат ва фидойиликнинг моҳияти тўғрисида жуда кам маълумот берилган. Мантиқ илмида қабул қилинган тамо йилга кўра нарса-ҳодисанинг моҳияти инкор қилувчи ёки ўша ҳодисанинг зидди орқали тўла ифодаланмайди. Луғатда келтирилган таърифнинг иккинчи вариантыда мардлик – мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракатни англатувчи тушунча, деб изоҳланади. Мардлик – мард

⁵ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 281-бет.

кишилар иши, деб таърифлаш, юмшоқроқ қилиб айтганда, тавтология, лўндароқ қилиб айтсак, сафсата.


Инсон ҳалол бўлиш учун ҳаромга қарши курашиши, нопокликдан узоқроқ бўлиши, керак бўлганда ўз хоҳиш-истакларига қарши бориши керак бўлади. Буларнинг бари мардликни талаб қилади. Ёки бўлмаса, номард одам фидойи бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Маънавий сифатларнинг аксарияти мардлик асосида шаклланиган учун бу тушунчага қадимдан катта эътибор берилган. Аристотель таърифига кўра, мардлик шахснинг олий мақсадлар йўлида ўлимдан ҳам кўрқмаслиги, ўзини фидо қила билишини англатади. Аристотель “Қимки яхшилик йўлида хавф-хатарга онгли равишда қарши бора олса, у мард инсондир”, деган эди.

Хавф-хатар ва урушлар кўплаб содир бўлган қадимги давр ва ўрта асрларда мардлик, асосан, эркакларга хос сифат ҳисобланган. Чунки урушларда, асосан, эркаклар иштирок этган. Мардлик, асосан, жангчиларнинг урушда кўрсатган қахрамонликлари, хатти-ҳаракатларига бериладиган баҳони ифодалаган.

“Мард” сўзи этимологиясига кўра форсча сўз бўлиб, ўзбек тилида у “эркак” деган маънони билдиради. Мардлик сўзининг негизи эркак маъносини ифодалаши бу сифат барча эркакларга хослигини англатмагани сингари, у, аёллар бу сифатга эга бўла олмаслигини ҳам билдирмайди. Тарихимизда Тўмарис сингари мард аёллар бўлиши билан бирга, номард эркаклар ҳам учраб турган. Тўмарисдан ташқари, бошқа кўплаб аёллар ҳам мардлик намунасини кўрсатишган. Масалан, Бобурнинг бувиси Эсон Давлат бегим ана шундай мард аёллардан бўлган.

Бобурнинг улкан давлат арбоби, моҳир лашкарбози, хассос шоир ва ажойиб инсон бўлиб етишишида оилавий табиянинг роли катта бўлган. Бобурнинг отаси – Умар Шайх мирзо Амир Темур авлодидан эди: Ушбу сулола дунёга бир неча йирик давлат арбоблари ва



ажойиб саркардаларни етиштириб берган. Бу сулола вакилларидаги жасорат, мардлик, маҳорат, тезкорлик, саҳоват сингари фазилатлар Бобурда ҳам мужассам бўлган эди.

Бобурнинг она томон уруғларида ҳам ноёб фазилат эгалари кўп бўлган. Масалан, Қутлуғ Нигорхонимнинг онаси Эсон Давлатбегим садоқат ва жасорат намуналарини кўрсатган. Эсон Давлат бегимнинг эри, Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси Юнусхон Султон Абу Саид мирзо вафотидан кейин Мовароуннаҳрга келади. Бу пайтда, Хирот ва Хуросонда ҳокимият Султон Хусайн Мирзо қўлига, Самарқанд ҳокимияти Султон Аҳмад Мирзога, Ҳисор, Қундуз ва Бадахшон ҳокимияти Султон Маҳмуд Мирзога, Андижон ва Фарғона ҳокимияти Умар Шайх Мирзо қўлига ўтган эди. У даврда Тошкентни Самарқанд ҳукмдорининг ноиби бошқарар эди. Юнусхон Тошкентга келганда, Шайх Жамол Самарқанд ҳокимининг Тошкентдаги ноиби эди. У ноиб бўлса ҳам ўзини мустақил тутар, Самарқанд ҳукмдорига бўйсунитгани унчалик истамас эди.

Юнусхоннинг Тошкентга келиш сабаби, кўшни Мўғулистон даштларида қалмоқлар ҳукмронлик қилаётгани ва аввалроқ улардан Юнусхон мағлубиятга учраганида эди. Ўзининг Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо ва Умаршайх Мирзолар билан яқин муносабатларига ишониб, у огоҳлантиришсиз Тошкентга кириб келади. Унинг қўл остидаги мўғуллардан бир нечтаси махфий равишда олдинроқ Тошкентга одам юбориб, Шайх Жамол харни Юнусхонга қарши гиж-гижлаб қўйишган эди. Шайх Жамол хар гўёки уни кутиб олиш учун пешвоз чиққандай бўлиб, шаҳардан ташқарига чиқади. Фитна уюштирган мўғулларнинг буйруғи билан Юнусхоннинг атрофидаги мулозимлари шу пайтда уни ташлаб кетишади. Шайх Жамол хар хонга яқинлашганда, у ёлғиз қолган эди. Хоннинг туғи ёнига кирганда ҳам Шайх Жамол оддан тушмайди ва одамларига Юнусхонни ҳибсга

олиш тўғрисида буйруқ беради ва Юнусхон зиндонга ташланади. У зиндонда бир йил умрини ўтказди.

Юнусхон зиндонга ташланган пайтда, унинг қизи Меҳри Нигор хоним Султон Аҳмад Мирзога, Қутлуг Нигор хоним Умаршайх Мирзога узатилган эди. Шу икки маликанинг онаси, ўзи ҳам малика бўлган Эсон Давлатбегим эри Юнусхон билан Шайх Жамол қўлига тушади. Шайх Жамол уни ўзининг яқинларидан бўлган Хўжа Калон исмли шахсга совға қилади. Хўжа Калонга Эсон Давлатбегим уни қабул қилишга рози эканини айтишади. Бундан хурсанд бўлган Хўжа Калон кечқурун унинг ҳузурига келади.

Хўжа Калон ичкарига кирганда, унинг мулозимлари ҳовли ташқарисида қолишади. Эсон Давлатбегим ўзининг канизларига Хўжа Калон ичкари киргандан кейин дарвозани дамбалаб қўйишни буюрган эди. Канизлар Хўжа Калон киргандан кейин дарвозани маҳкам беркитишганини билгач, Эсон Давлатбегим бир неча хизматкорлари билан Хўжа Калонга ташланади ва уни пичоқ уриб ўлдиради. Эрталаб мурдани деразадан ташқарига ташлашади. Буни кўрган одамлар Шайх Жамолга бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб беришади. Шайх Жамол воқеа тафсилотларини аниқлаш учун Эсон Давлатбегим ҳузурига яқин мулозимларидан бирини юборади. Эсон Давлатбегим унга шундай жавоб беради: “Мен Султон Юнусхоннинг шаръий хотиниман, Шайх Жамол эса мени бошқа одамга совға қилиб юборди. Бу шариатга ва мусулмончиликка тўғри келмайди. Шайх Жамол мени ўлдириши учун бу одамни ўлдирдим”. Шайх Жамол бу жавобни эшитиб, Эсон Давлатбегимнинг садоқатига ва жасоратига қойил қолади, офарин ва тасаннолар айтиб, эрининг ҳузурига юборади.

Юнусхон асирликда бир йил ўтказгандан кейин, Амир Каримберди Дуғлатнинг жияни Амир Абдулқуддус Шайх Жамолни ўлдириб, бошини кесади ва Юнусхоннинг олдига олиб келади.

Тахтга ўтирган Юнусхон Мўғулистон даштларини қалмоқлардан озод қилади. Унинг куёви Умар Шайх Мирзо билан ўрталарида жуда яқин алоқа ўрнатилади. Юнусхон куёвининг пойтахти Андижонга бир неча марта келиб, бир-икки ойлаб меҳмон бўлади. Умаршайх Мирзо ҳам Мўғулистонга қайнотаси хузурига бир-икки марта бориб, ойлаб меҳмон бўлган.

Бобурнинг нафақат отаси Умаршайх Мирзонинг ажодлари, балки онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг она томонидан ажодлари орасида ҳам қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатган аёллар бўлган.

Янги даврга келиб, Фарбда қаҳрамонликнинг қадри пасайиб кетди. Бундай ҳолат урушларнинг камайиши ва саноатлашувнинг бошланиши билан боғлиқ эди. Саноатлашув мардларни четга суриб майдонга тадбиркорлар ва бизнесменларни олиб чиқди. Саноат руҳи ҳарбий руҳдан устун кела бошлади. Шунинг учун ўша даврнинг кўзга кўринган файласуфлари асарларида мардлик унчалик қадрланмайди. Масалан, Спиноза мардликни ижобий сифатларнинг энг охирига қўяди. Бундай ҳолат мардликни фақат ҳарбий ҳаракатлар билан боғлаб изоҳлашнинг оқибати эди.

Аслида – мардлик фақат жанггу жадалларда эмас, тинч ривожланиш даврида ҳам намоён бўлади. Юқорида айтилганидай, тинчлик даврида ҳам ҳалол, ростгўй, ватанпарвар бўлиш каби қатор фазилатларни эгаллаш учун, аввало, мард бўлиш талаб этилади. Мамлакат тараққиётида тинч ривожланиш даври мардлар туганини англатмайди. Кўпинча, шундай вазиятлар юз берадики, улардан ёруғ юз билан чиқиш учун мард бўлиш тақозо этилади.

Урушлар даври бўладими, тинч ривожланиш даври бўладими, мамлакатда мард ўғлонлар ва фозила қизлар етарли бўлмаса, мамлакат инқирозга юз тутати. XVI аср ўрталаридан XIX аср охиригача Мовароуннаҳрда иқтисодий, сиёсий тушқунлик даври бўлди.

Бу даврда мамлакатимизда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари алломалар, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Бобур сингари саркардалар, Алишер Навоий сингари оташнафас шоирлар етишиб чиқмади. Уларнинг бари учун умумий хусусият мардлик эди. Бир томондан, бундай ҳол тушқунлик натижаси бўлса, иккинчи томондан, тушқунликнинг ўзи алломалар, саркардаларнинг етишиб чиқмагани сабаби эди.

Мардликнинг кўриниши бўлган жасорат, жумладан, маънавий жасорат тўғрисида Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ажойиб мисоллар бор: “Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайт да ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Фуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат хисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади.”⁶

Президентимиз ана шундай маънавий жасорат кўрсатган мард шахслар қаторига халқимизнинг суюкли шоираси Зулфия, таниқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддиновларни ҳам киритади. Шу мисоллардан маълум бўладики, мардлик ва жасорат намуналарини тинч даврда ҳам кўрсатиш мумкин.

⁶ Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 166-бет.

Шахс маънавияти

Шахсни маънавий жиҳатдан тарбиялашга киришишдан олдин шахс маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Жамият ва шахс маънавияти ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Турли шахсларнинг маънавияти жамият маънавиятини турли даражада акс эттириши мумкин. Баъзи шахслар маънавиятининг чуқурлиги ва миқ ёси жамият маънавиятига жуда яқин келади. Бошқа бир шахслар маънавияти эса жамият маънавиятини жуда юзаки, саёз ва тор доирада акс эттириши мумкин. Шахсни, айниқса, ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашга киришишдан аввал уларнинг маънавияти қай даражада шаклланганини аниқлаб олиш зарур бўлади. Шахс маънавиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш “даража” ва “мезон” тушунчаларининг маъно ва мазмунини аниқлаб олишни тақозо этади. “Мезон” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, бирор нарса-ҳодисани таснифлаш ёки баҳолаш учун асос бўладиган белгини ифодалайди. Мезон шундай бир белгики, унга қараб ўзимиз ўрганмоқчи бўлган нарса-ҳодиса тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин бўлади. “Мезон” сўзининг ўзбек тилидаги синоними “ўлчов” сўзи бўлиши мумкин.

Мезон ва мезонлар йиғиндиси ўрганилаётган нарса-ҳодисани унинг идеал модели билан қиёслаш имконини беради. Мезон куйидаги функцияларни бажаради: белгиланган мақсадни рўёбга чиқиш даражасини аниқлаш; белгиланган мақсаднинг амалга ошиш даражасини баҳолаш; ўрганилаётган нарса-ҳодисанинг идеал моделига мос келиши ёки ундан оғиш даражасини ташхислаш; режалаштириш.

“Даража” сўзи нарса-ҳодисалар ривожланишидаги босқичларни ифодалайди ва улар эришган босқични бошқа шунга ўхшаш нарса-ҳодисалар ривожланиши билан қиёслаш имконини беради.

Шахс маънавияти таркибидаги энг муҳим элементлардан бири ахлоқий эҳтиёжлар ва ахлоқий қадриятлар ҳисобланади. Шунинг учун шахс маънавияти даражасини ташхислаш учун унинг ахлоқий эҳтиёжлари ва қадриятларини ўрганиш зарур. Шахснинг ахлоқий ривожланишини ўрганишга икки хил ёндашув мавжуд. Улардан биринчиси – интеллектуал ёндашув. Бу ёндашувга кўра, шахсни, хусусан, ёшларни ахлоқий тарбиялашда уларда ахлоқий категориялар, ахлоқий қадриятлар тўғрисида тушунча ва тасаввурларни шакллантириш, уларда ахлоқ тўғрисида маърузалар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи ёндашувни хулқ-атвор ёндашуви деб аташ мумкин ва унга кўра, ёшларда ахлоқий кўникмалар ва одатларни шакллантириш, уларнинг ахлоқий тажрибасини бойитиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Ҳар икки ёндашув ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда ахлоқий тарбия учун асос бўлолмайди. Уларнинг ҳар иккисида ҳам бир ёқламалик мавжуд.

Маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлигини ошириш учун назарий манбаларни ўрганиш билан бир қаторда, амалиётда тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ҳам зарур.

Ахлоқ ва ахлоқий тарбия назариясига кўра, ахлоқий онг уч асосий таркибий қисмдан иборат бўлади. Улардан биринчиси – меъёрий компонент бўлиб, у ўз ичига ахлоқ тўғрисидаги билимлар, тушунчалар, тимсоллар, гоёларни қамраб олади. Бу компонентда, шунингдек, шахс шаъни ва ижтимоий ахлоқ қоидалари ҳам ифодаланади. Иккинчи компонент – баҳолаш компоненти бўлиб, ахлоқий ҳодисаларни, баҳолаш мезонларини, ўзгаларни ва ўзини баҳолаш тамойилларини ифодалайди. Учинчи компонент – тартибга солиш компоненти бўлиб, ахлоқий туйғулар, муносабатлар, эътиқодлар сингари шахс хулқ-атворига жиддий таъсир ўтказувчи ва уни тартибга солувчи ҳодисаларни ифо-

далайди. Ҳар учала таркибий қисм биргаликда ва ўзаро таъсир жараёнида шахснинг ахлоқий хулқ-атвориға мазмун бағишлайди.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва хулқ-атворини баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин: шахснинг ахлоқий билимлари даражаси, шу билимлар ёрдамида кундалик ҳаётда вужудга келадиган ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаси; ўзининг ахлоқий хулқ-атвор мазмунини англаш даражаси, ўз хулқ-творининг қадриятга йўналтирилганлиги.

Шахснинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини англашда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин: 1. Когнитив мезон - шахс маънавий-ахлоқий билимлари ва кўникмалари ҳажмини ҳамда улар ёрдамида ўз қарашларини ҳаётта татбиқ қилиш имкониятларини ифодалайди. 2. Хулқ-атвор мезони - атроф-муҳитга (ижтимоий ва табиий муҳитга) муносабатни ифодалайди ва у ижтимоий меҳнат фаоллигида намоён бўлади. 3. Мотивация мезони - шахснинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлари, улардан кўзланган мақсад, уларни юзага келтирган сабабларни ифодалайди. 4. Дунёқараш ёки эътиқод мезони - ахлоқий туйғулар, ахлоқий эътиқод ва ўз хатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўла олишни билдиради.

Шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланишида ахлоқий онг ва ахлоқий хулқ-атвор босқичлари мавжуд.

Ахлоқий онг асосий меъёрлар, тамойилларни билишни, шунингдек, ўзининг жамиятдаги мавқеини, ахлоқий ҳолати, ҳис-туйғуларини англашни билдиради. Ахлоқий онг шахс томонидан ўзининг асосий муносабатлари, ҳолатларини фаол экс эттириш жараёнини ифодалайди. Шахснинг хулқ-атвори қуйидаги тартибда намоён бўлади: ҳаётий вазият, шу вазият келтириб чиқарадиган ахлоқий ҳис-туйғу ва кечинмалар, вазиятни ва хулқ-атвор мотивларини ахлоқий жиҳатдан англаш, қарор қабул қилиш, ирода ва ниҳоят, хатти-ҳаракат.

Шахнинг маънавий олами

Шахнинг маънавий олами жамият маънавий ҳаёти-нинг алоҳида олинган, индивидуал, бетакрор кўринишидир. Антик давр олимлари Платон, Аристотель, Ўрта Осиёда Ренессанснинг улкан вакиллари Форобий, Абу Райҳон Берунийлар шахнинг ички маънавий дунёсини “олами суғро” деб атаганлар. Уларнинг талқинида “олами суғро” “олами кубро”нинг инъикосидир. “Олами кубро” “олами суғро”ни ўраб туради ва унда акс этади. Барча “олами суғро” “олами кубро”нинг инъикоси бўлса ҳам, айна пайтда, у бетакрордир. Чунки у “олами кубро”-нинг ўзига хос хусусиятлари орқали акс этади. Шу билан бирга, ҳар бир “олами суғро” ўртасида бир қатор ўхшашликлар мавжуд. Ана шу ўхшашликлар одамлар ўртасидаги умумийликни ифодалайди.

Ўтмиш давр мутафаккирлари маънавият оламини моддий оламдан фарқланувчи ҳодиса сифатида изоҳлашган. Бу оламини улар кўпинча “руҳ” атамаси ёрдамида ифодалаганлар. Кейинчалик, илмий муомалага “маънавият”, “маънавий олам” тушунчалари олиб кирилган.

Маънавияти юқори даражада ривожланган одамлар мукамалликка узлуксиз интилиш сифатига эга бўлишади. Юксак маънавият одамлар фаолияти йўналишини белгилайди. Маънавий ҳаёт негизини инсон онги ташкил қилади. Онг нафақат маънавиятни, балки бутун фаолиятни бошқаради. Онгда воқелик акс этади. Онг шахсни ҳаёлан бошқа қитъалар, ўтган асрлар ва келажакка кўчириши мумкин. Айна пайтда, онгда шахснинг ички дунёси, унинг интилишлари, орзу-умидлари ва мақсадлари ҳам акс этади.

Билимлар, ҳис-туйғулар, эҳтиёжлар, қобилиятлар, интилишлар, мақсад ва эътиқод инсон маънавий оламининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Шахснинг маънавий ҳаётини уларсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Инсоннинг атрофидаги маданий ҳаёт билан ўзаро муносабатлари тамаддун тараққиёти жараёнида ўзга-

риб турган. Айни пайтда, бу муносабатлардаги энг муҳим жараён – миллий ва дунё маданияти ҳамда шахс маданияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик доимо мавжуд бўлган. Инсон, айни пайтда, башарият маданиятининг вакили, унинг ижодкори, танқидчиси сифатида намоён бўлса, миллий ва дунё маданияти шахс маънавий маданияти шаклланиши ва ривожланишининг зарурий шарт ҳисобланади.

Инсон қанчалик ривожланган, унинг маданияти қанчалик юқори бўлса, унинг маънавий ҳаёти ҳам шунчалик бой бўлади. Инсоният томонидан яратилган маънавий маданиятнинг чексиз бойликлари ҳар бир инсон учун ўзининг дидига, эҳтиёжларига, қобилияти ва ҳаёт шароитига мос келадиган маънавий қадриятларни танлаш имконини беради.

Маънавий маданиятдаги энг муҳим элементлардан бири ҳаётга масъуллик ва ижодкорлик билан ёндашишдир. Бундай ёндашув табиатга, бошқа одамларга ва ўзига бўлган муносабатда намоён бўлади. Шахс маънавий маданиятининг белгиларидан бири – унинг ўзини фидо қилишга ва ўзини ривожлантиришга интилишида намоён бўлади.

Шахс маънавий дунёсининг шаклланиши

Инсон маънавий дунёсининг энг муҳим элементларидан бири маънавий эҳтиёжлардир. Бу эҳтиёжлар билимга, гўзалликка, адолатга, ҳақиқатга, мулоқотга нисбатан шаклланади. Инсон фаолиятининг катта қисми ана шу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади.

Инсон маънавий дунёсини тушуниш учун унинг индивидуал онги шаклланиши жараёнлари билан танишиш зарур. Индивидуал онг, унинг тузилмаси ва мазмуни шахс маънавий дунёси шаклланишининг пойдевори ҳисобланади. Шахс маънавий дунёсини ўрганишда шахснинг ўз ҳаётини интилишлари, ўзи томонидан анланган моҳиятини намоён қилишга бўлган интилишидаги ўзига хосликларга урғу берилади.

Маънавий дунёнинг шаклланиши билим олишдан бошланади. Билим инсон онгининг мавжудлик усулидир. Айни пайтда, инсон онгида шахснинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири, ҳаётий тажрибаси ўз ифодасини топади. Билим, асосан, икки йўл билан олинади.

Биринчи йўл, шахснинг воқелик билан бевосита ҳиссий, эмпирик ўзаро таъсири жараёнида билим эгаллашдир. Билим эгаллашнинг мана шу усули шахс онги шаклланишининг муҳим шарти ва асоси ҳисобланади. Айни пайтда, бу йўл билим олишнинг нисбатан мустақил бочқичи ҳамдир.

Билим олишнинг иккинчи йўли, тилда қайд этилган инсоният тажрибасини ўзлаштиришдир. Тил — аввало, инсонларнинг алоқа воситаси, билимларни саралаш ва тизимлаш, уларни сақлаш, бир шахсдан иккинчи шахсга, бир авлоддан иккинчи авлодга, бир даврдан иккинчи даврга узатиш воситаси. У одамлар орасида мулоқот воситаси бўлиш билан бирга, инсонга фаол таъсир ўтказиш воситаси ҳамдир. Инсон тил ёрдамида инсоният томонидан ишлаб чиқилган қоидалар, меъёрлар, тамойилларни ўзлаштирадики, улар шахс хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида хос хусусиятларини белгилайди.

Олинган билимлар асосида шахснинг мустақил мантиқий фикр юритиш қобилияти шаклланади. Бу қобилият инсон билимлари йиғиндисидан иборат эмас. Ақл — нарса-ҳодисалар, жараёнлар моҳиятига кириб бориш, воқеликни таҳлил қилиш ва мустақил баҳолаш, ижод қилиш қобилиятидир. Ақлни шакллантириш ва ривожлантириш таълим ва тарбия жараёнининг энг муҳим вазифасидир. Бу жараён, айни пайтда, маънавий шаклланишининг пойдеворини ташкил қилади.

Билим ва ақл биргаликда интеллектнинг асосини ташкил этади. Билим ва ақл шахс уларнинг асосида дунёга, ўзига муносабатни аниқлаш қобилияти, бошқа одамлар ва ўз хулқ-атворини баҳолаш қобилиятини

шакллантиргандагина унинг шахсий хусусиятига айланади. Индивидуал онгнинг ана шу хусусияти, айти пайт да, шахс маънавий дунёсининг ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, нисбий мустақилликка ҳам эгадир.

Шахс маънавий дунёсининг шаклланишида жамият ва индивидлар ўз ҳаёт фаолиятини объектив шарт-шароитлар тизимида олиб боришади. Шунинг учун одамлар ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш жараёнида ўз фаолиятини табиат, жамият ва тафаккур қонуниятлари билан мослаштиришига тўғри келади.

Инсоннинг маънавий дунёси билимлар билан чекланмайди. Унда воқелиқдаги вазият ва ҳодисаларга нисбатан субъектив кечинмалар – эмоциялар муҳим ўрин тутлади. Инсон воқелиқдан у ёки бу ахборотни олгач, ўзида шодлик ёки ташвиш, севги ёки нафрат, қўрқинч ёки жасорат каби туйғуларни бошдан кечиради. Эмоциялар ўзлаштирилган билим ва ахборотга муайян тус беради, инсоннинг уларга муносабатини ифодалайди.

Инсон ҳаётида унинг фаолияти учун маёқ вазифасини бажарадиган ҳодисалар муҳим роль ўйнайди. Маънавий маёқлар фақат шу маёқларга эга бўлган одам фаолиятининг маҳсули бўлмай, улар инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси жараёнида шаклланган бўлади, оналардан болаларга, авлодлардан авлодларга, устозлардан шогирдларга узатилади. Улар ҳаёт ва маданият қадриятлари деб юритилади.

Қадрият инсон учун зарур бўлган, инсон ҳаётини англашга, воқелиқдаги нарса-ҳодисаларни тушунишга хизмат қиладиган ҳодисадир. Қадрият инсон идеаллари билан боғлиқ тарзда шаклланади ва инсон интилишларининг предмети, ҳаёт мазмунининг энг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Қадриятлар, аввало, икки турга: ижтимоий ва шахсий қадриятларга бўлинади. Ижтимоий қадриятлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида мезон вазифасини бажаради. Шахсий қадриятлар алоҳида шахс иде-

аллари билан боғлиқ бўлиб, унинг хулқ-атвори мотивлари учун манба вазифасини бажаради.

Қадриятлар тарихий характерга эга бўлиб, ижтимоий ва шахсий ҳаёт мазмуни ҳамда шакллари ўзгаришига мос равишда ўзгариб боради. Умуминсоний қадриятлар бутун инсоният маънавий тажрибасини ифодалайди ва умуминсоний манфаатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Умуминсоний қадриятлар одамларнинг миллий, ёш, диний, синфий ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, умум манфаатлари ва эҳтиёжларини ифодалайди.

Инсон маънавий маданиятига хос хусусиятлар билимларни эгаллаш билан чекланмайди. Инсоннинг билим эгаллашга интилиши – яхши ҳодиса. Бироқ, ана шу билимларнинг ўзи эмас, улардан қандай мақсадлар йўлида фойдаланиш маънавиятнинг хусусиятларини ифодалайди.

Инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида атроф-муҳит тўғрисида олган билимлари тўпланиб, кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Бу жараёнда фақат зарур билимларни саралашгина эмас, шахснинг дунёдаги ўрни ва дунёга муносабатини ифодалайдиган ҳаётий тамойилларни саралаш ҳам юз беради. Маънавий дунёнинг мана шу хусусиятлари ишонч ва эътиқодларда ўз ифодасини топади. Эътиқод инсон психикасининг ҳиссий-эмоционал ҳолати бўлиб, у қуйидаги белгиларга эга:

– унинг асосий белгиларидан бири – билимларни ҳақиқий ёки янглиш эканлигидан қатъи назар, ҳақиқат сифатида қабул қилишидир. Масалан, инсон ёлғонни ҳақиқат сифатида қабул қилиб, унга ишониши мумкин. Айни пайтда, ҳақиқий билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилса ёки у ёлғон сифатида қабул қилинса, унга эътиқод шаклланмайди;

– эътиқоднинг иккинчи белгиси шундаки, ҳақиқий деб қабул қилинган билимлар дунёга шахс муносабатининг асоси бўлади. Ана шу билим асосида инсон воқе-

ликка, бошқа одамларга, ўз фаолияти, хулқ-атворига муносабатини белгилайди.

– эътиқоднинг учинчи белгиси шундаки, ҳақиқат сифатида қабул қилинган ҳаётий муҳим билимлар дунё қарашга, шахснинг маёғига айланиб қолади ва унинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини белгилайди;

– эътиқоднинг тўртинчи белгиси – шахснинг ўзи ҳоҳлаган ва ҳаёл қилган воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий ва зарур ҳодиса сифатида қабул қилишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам эътиқод инсоннинг дунёга оптимистик муносабатда бўлишини тақозо этади.

– эътиқоднинг бешинчи белгиси – ҳақиқий деб қабул қилинган билимлар ўзининг амалиётда тасдиқланиши, етарли далиллар ёрдамида исботланишини талаб қилмайди. Бирор нарсага эътиқод қилган одам унинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини текшириб ўтирмайди. Санаб ўтилган белгиларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқ. Уларни шартли равишдагина бир-биридан ажратиш мумкин.

Шахс маънавий дунёсининг муҳим таркибий қисмлардан бири ишончдир. Ишонч – эътиқодга яқин ҳодиса. Улар ўртасида умумийлик билан бир қаторда, тафовут ҳам мавжуд. Умумийлик шундаки, эътиқод ҳам, ишонч ҳам муайян нарса-ҳодисага ишонишни англатади. Тафовут шундаки, эътиқод шундай ишончки, у ишонилаётган нарса-ҳодисанинг тўғри ёки нотўғрилигини текширишни талаб қилмайди. Ишонч эса, текшириб кўриш, синаш натижасида тўғрилиги аниқланган нарса-ҳодисаларга ишонишни билдиради.

Ишонч ва эътиқод шахс дунёқараши шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дунёқараш – объектив воқеликка умумлаштирилган қарашлар йигиндиси бўлиб, воқеликдаги инсоннинг ўрни, одамлар ўртасидаги муносабатлар, одамларнинг ўзига муносабатини қамраб оладиган эътиқодлар, тамойиллар, ғоя ва идеаллар йигиндисидир.

Дунёқарашнинг инсон ҳаётида тутган ўрни жуда кат-

та. Дунёқараш бўлмаса, мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Ҳар бир инсон ҳеч бўлмаганда, ибтидоий дунёқарашга эга бўлади. Инсон ўз дунё қарашидан келиб чиқиб, ҳаёт мазмунини белгилайди. Ҳаёт мазмуни масаласи дунёқарашнинг асосларидан бири бўлиб, қадриятлар ва идеаллар унинг негизда шаклланади.

Дунёқараш билимларни эгаллаш ва тўплаш натижасида шаклланади. Шу билан бирга, у субъектнинг қадриятларга йўналтирилганлиги асосида шахснинг билим эгаллаш учун интилишининг йўналиши ва сифатини ҳам белгилайди. Дунёқараш билимларни шунчаки қайд этишгина эмас, у субъектнинг воқелик ва бошқа одамларга муносабатини, белгиланган мақсадга эришиш учун у ёки бу воситаларнинг қайси биридан фойдаланиш лозимлигини ҳам кўрсатади.

Ишонч, эътиқод ва дунёқараш ўртасидаги боғланишлар, аввало, шунда намоён бўладики, дунёқараш ишонч ва эътиқодсиз мавжуд бўлолмайди; иккинчидан, ишонч ва эътиқод дунёқарашнинг намоён бўлиш шаклидир. Дунёқараш кўпроқ ишончга ёки кўпроқ эътиқодга асосланиб шаклланиши ҳам мумкин. Болалик ва ёшлиқда дунёқараш кўпроқ ишонч асосида шаклланади. Вақтлар ўтиши билан эътиқод дунёқарашда асосий ўрин эгаллаши мумкин. Баъзан эса шундай ҳодисалар ҳам юз берадики, унда тарбия ва амалий фаолият натижасида шаклланган эътиқод шароит ва вазиятнинг ўзгариши таъсирида қайта кўриб чиқилиши, тубдан ўзгача кўринишга эга бўлиши мумкин.

Учинчидан, ишонч ва эътиқод дунёқарашнинг намоён бўлиши, уни ҳаётий тажриба асосида синаб кўриш натижаси бўлиши ҳам мумкин.

У ёки бу дунёқарашнинг субъектлари алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки бутун жамият бўлади. Дунёқарашнинг хусусиятлари жамиятнинг тарихий тараққиёт даражаси, маданиятнинг ҳолати каби ҳодисалар билан бел-

гиланади. Шунинг учун, айтайлик, ўрта асрларда яшаган одамлар дунёқараши билан ҳозирги замон одамлари дунё қараши ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Айни пайтда, бир даврда ва бир жамиятда яшаётган одамларнинг дунё қараши ўртасида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолат уларнинг шахсий сифатлари, дунёқараши шаклланган шарт-шароит, қандай ижтимоий гуруҳга мансублиги билан изоҳланади.

Дунёқараш моҳият-эътибори билан бир неча турга бўлинади: 1) оддий ёки маиший дунёқараш. Бундай дунё қараш шахсий тажриба, ҳаётдаги шарт-шароит ва вазиятлар тақозоси билан шаклланади; 2) диний дунёқараш. Унинг асосида шахснинг диний қарашлари, тасаввур ва эътиқодлари ётади; 3) илмий дунёқараш. Бу дунёқараш замонавий фан ютуқларига асосланиб шаклланади ва жаҳоннинг илмий манзарасини акс эттиради; 4) гуманистик дунёқараш. Бундай дунёқараш баъзи фалсафий тизимларда алоҳида тур сифатида таклиф қилинади ва унинг асосида ижтимоий адолат, ахлоқий идеал, экологик хавфсизлик каби қадриятлар ётади.

Дунёқараш шахс маънавий дунёси тузилмасининг барча элементлари таъсирида ҳамда ижтимоий онг таъсирида шаклланади, лекин у ана шу санаб ўтилган ҳодисаларнинг шунчаки йиғиндиси эмас. У маънавий дунё таркибида нисбий мустақилликка эга, шахсга нисбатан ички маёқ, шахснинг дунёни ва унда ўз ўрнини кўриш усули сифатида мавжуд бўлади.

Ҳаётий тажрибалар синовидан ўтган дунёқараш шахснинг ҳаётий мавқеини белгилайди. Ҳаётий мавқе шахснинг дунёқараши ва тажрибаси асосида шаклланган ҳодиса бўлиб, ҳаракатта тайёрликни ифодалайди. Ҳаётий мавқе фаол ва нофаол бўлиши мумкин. Ҳаётий мавқенинг фаолиятга айланиши ирода ёрдамида амалга оширилади. Ирода, ўз навбатида, инсоннинг ўз жисмоний ва маънавий кучларини онгли равишда сафарбар қилиш, ўз ҳаётини белгиланган мақсадларга йўналти-

риш қобилиятини билдиради. Ирода шахснинг маънавий дунёси ва ҳаётий тажрибаси асосида шаклланадиган, нисбий мустақилликка эга бўлади. Энди, у маънавий дунёнинг шаклланишига таъсир ўтказади, ўзини тарбиялаш, комилликка интилишнинг муҳим омилига айланади.

Шахснинг ўз маънавий дунёси, дунёқараши ва ҳаётий позициясини намоён қилиши ижтимоий фаоллик орқали юз беради. Ижтимоий фаоллик шахснинг ўз мақсади ва ҳаёт мазмунини намоён қилиш усулидир. Ижтимоий фаоллик, айти пайтда, шахснинг ижтимоий етуклик, фуқаролик даражасининг кўрсаткичи ҳамдир.

Шахс маънавий дунёси, унинг эътиқоди, дунёқараши ҳамда ижтимоий фаоллигининг жамият ҳаётидаги роли шундаки, ижтимоий тараққиётнинг бурилиш паллаларида жамият қайси томонга қараб ривожланиши одамларнинг ана шу маънавий дунёси, эътиқоди, дунёқараши ва ижтимоий фаоллик даражаси билан белгиланади.

Маънавият ва қадрият

Шахс маънавияти таркибида қадриятлар муҳим ўрин тутлади. Қадриятлар инсон атрофидаги муҳит ва унинг одамлар муносабати натижасида вужудга келади. Номига кўра, қадриятлар инсон учун қадрли бўлган нарсалар ва ҳодисалардир. Табиийки, инсон учун қандай нарсалар қадрли ҳисобланади, деган савол туғилади. Инсон учун унинг эҳтиёжларидан бири ёки бир нечтасига мос келадиган нарса-ҳодисалар қадрли бўлади.

Фаннинг вазифаси – инсон ва инсоният олдида пайдо бўлаётган саволларга жавоб топиш. Бир саволга жавоб топилгандан кейин иккинчиси туғилади, иккинчисидан кейин учинчиси... ва шундай чексиз давом этаради. Пайдо бўлган ҳар бир саволга жавоб топиш фанни чуқурлаштиради.

Маънавиятни тадқиқ қилишда ҳам худди шундай

қолат кузатилади. Маънавиятнинг муҳим элементи – қадрият. Қадриятнинг моҳияти – унинг инсон эҳтиёжларига мослиги, эҳтиёж эса, инсоннинг бирор нарса-ҳодисага йўналтирилган физиологик, руҳий ёки интеллектуал ҳолатидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, хатти-ҳаракати негизида бирон эҳтиёжни қондириш мақсади ётади.

Эҳтиёжлар турли-туман бўлади. Уларнинг таснифига бағишланган илмий тадқиқотлар анчагина. Биз мазкур масалага оид ўз хулоса ва қарашларимизни бундан бир неча йил муқаддам чоп этилган монография-мизда баён қилганмиз⁷.

Эҳтиёжларга фалсафий, диний, социологик ва психологик нуқтаи назардан таърифлар берилган. Фалсафада эҳтиёжга берилган таърифлар турлича бўлса ҳам, уларни умумлаштириб, эҳтиёж – шахс ёки гуруҳнинг ташқи борлиқнинг муайян сифатларига бўлган зарурати дейиш мумкин. “Фалсафа” қомусий луғатида эҳтиёжга қуйидагича таъриф берилади: “Эҳтиёж – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият, жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат”⁸. Бу ўринда мазкур таърифнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида мунозарага киришмай, эҳтиёжлар фақат жонли мавжудотлардагина эмас, бошқа ҳодисаларда ҳам кузатилишини қайд этмоқчимиз. Масалан, иқтисодда соҳа эҳтиёжи, корхона эҳтиёжи, социологияда ижтимоий гуруҳ эҳтиёжи, халқ эҳтиёжи, Ватан эҳтиёжи, биологияда ўсимликларнинг ёруғликка, иссиқликка, микроэлементларга, сувга эҳтиёжи каби жиҳатлар тўғрисида ҳам сўз юритиладики, улар воқеликда мав-

⁷ Бегматов А. Стимулы: сущность и действие. – Т.: “Фан”, 1990.

⁸ Фалсафа: қомусий луғат. (Тузувчи ва муҳаррир Қ.Назаров).– Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. 468-бет.

жуд эҳтиёжлар бўлишга қарамай, юқоридаги таъриф уларни эътироф этмайди.

Социологияда эҳтиёж инсонни фаолиятга ундовчи, ижтимоий жиҳатдан детерминациялашган, ташқи дунёдаги нарса-ҳодисаларни ўзлаштиришга муносабатни ифодаловчи категория сифатида тавсифланади. Психологиядаги таърифларни умумлаштириб, эҳтиёжни инсон психикасидаги ички ва ташқи шароитлар ўртасидаги номутаносибликнинг инъикоси, дейиш мумкин.

Бизнингча, турли фанларда эҳтиёжга берилган таърифларни умумлаштириб айтиш мумкинки, эҳтиёж шахс ёки гуруҳ билан муҳит ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини ифодаладиган ҳолатдир. Бундай бузилиш уни қайта тиклаш учун субъектни фаолиятга ундайди. Шунинг учун ҳам эҳтиёжни – фаолиятга ундовчи ҳодиса, деб баҳолаш мумкин.

Эҳтиёжларнинг турлари орасида маънавий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутаяди. Маданий эҳтиёжларга “Маънавият” изоҳли луғатида қуйидагича таъриф берилади: “Маданий эҳтиёжлар объектига табиий эҳтиёжларни қондирувчи уй-рўзгор буюмлари, меҳнат фаолияти орақали бошқа кишилар билан боғланиш воситалари, маданий алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомалага киришиш услублари, ижтимоий турмуш заруратига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Психология фанида эҳтиёжлар ўз предметининг хусусиятига кўра, моддий ва маънавий турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича экани эътироф этилади.”⁹

Маънавий эҳтиёжларнинг умумий хусусияти аниқлангандан кейин уларнинг ҳар бир шахсда қай даражада ва қай йўсинда мавжудлигини аниқлаш вазифаси қўйидаланг бўлади. Бу вазифани бажаришнинг муҳим-

⁹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009, 673-бет.

лиги шундаки, уни аниқламай туриб, шахсни тарбиялашга киришиб бўлмайди.

Маънавий тарбиянинг муҳим босқичларидан бири маънавиятни ташхислашдан иборат. Маънавиятни ташхислаш маънавий тарбиянинг кейинги босқичлари учун асос яратади.

Маънавиятни ташхислаш учун бир қатор усуллар мавжуд. Бу усуллар психология ва педагогика фанларида ишлаб чиқилган бўлиб, улардан турли ёшдаги, турли касбдаги ва турли табақага мансуб одамларда маънавий эҳтиёжларнинг мавжудлик даражасини аниқлаш учун фойдаланилади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасини баҳолашда унинг ахлоқий эҳтиёжларини аниқлаш муҳим роль ўйнайди. Шахснинг ахлоқий эҳтиёжларини аниқлашда қуйидаги мезонларга таяниш мумкин: 1. Шахс маънавияти аввал билимлар (маънавий-ахлоқий бўлишини тушуниш), билимларга муносабат (шу билимлар шахснинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжи ва мотивларига айлангани ёки айланмагани) ва маънавий-ахлоқий хулқ-атвор (муайян шароитда шахснинг маънавий-ахлоқий билимлари ва муносабатлари қай даражада намоён бўлиши) билан характерланади. 2. Ҳаётда инсоннинг билими, муносабатлари ва хулқ-атвори ўзаро боғлиқ бўлиб, шахснинг сифатлари (ҳалоллик, ўзига танқидий муносабатда бўлиш ва ҳ.к.) да ифодаланадиган бирликни ташкил қилади. 3. Шахсда мана шу ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги ва унинг фаолиятида намоён бўлиши маънавий эҳтиёжлар шаклланишининг мезони ҳисобланади.

Маънавий эҳтиёжларнинг қуйида келтирилган когнитив, баҳолаш, тартибга солиш компонентлари асосида уларнинг шаклланиш даражасини ифодаловчи мезонларни аниқлаш мумкин. Маънавий-ахлоқий шаклланиш даражасини ўлчаш учун имкон берадиган субъектив ва объектив кўрсаткичлар қуйидагилар:

– ҳаётда ахлоқийлик ва ахлоқсизлик тўғрисида,

ахлоқий меъёрлар, маиший турмушдаги меъёрлар ҳақидаги билимлар йиғиндиси (бу – когнитив мезон бўлиб, ахлоқий билимлар ахлоқий меъёрлар ҳақидаги тасаввурлар, улардан турли ҳаётий вазиятларда фойдаланиш кўникмаси, шу билимлар ёрдамида ўзининг ва ўзгаларнинг хулқ-атворини таҳлил қила билишда намоён бўлади);

– хулқ-атвор, айниқса, ўсмирлар ва ёшларнинг хулқ-атвори (бу – тартибга солиш мезони бўлиб, у хулқ-атвор шаклларида, муайян шароитда шахсни у ёки бу тарзда ҳаракатга ундовчи ҳис-туйғуларда намоён бўлади).

Шахснинг маънавий-ахлоқий юксалишида муҳим роль ўйнаган омиллардан бири – ўзини ўзи тарбиялашдир. Шахснинг ўзини ўзи тарбиялаши ундаги ўзини ўзи англаш жараёни билан параллел тарзда кечади. Бу жараён, айниқса, ўсмирлик ва илк ёшлик даврида тез суръатда юз беради. Бу даврда ёшларнинг ахлоқий ва эстетик таъсирларга сезгирлиги кучаяди. Айни шу даврда ўз хатти-ҳаракати, ўзининг келажаги учун масъулият ҳисси ҳам шаклланиб, кучайиб боради. Масъулиятнинг кучайиши ўсмирни ўзини ўзи тарбиялаш билан шуғулланишга мажбур қилади.

Ўсмирлик ва ёшлик даврида табиат ва ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини ўрганишга қизиқиш кучаяди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликни тушунишга интилиш пайдо бўлади. Шу муносабат билан ёшларда атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини шакллантириш, ўз баҳосини беришга интилиш пайдо бўлади. Шу даврда мураккаб фикр юритиш туйғуси кучли бўлади ва бу ҳол шахснинг ўзини ўзи англашида муҳим ўрин тутади.

Шахснинг ўзини ўзи англашидаги муҳим элементлардан бири – ўзини ўзи баҳолашдир. Ўсмирлар ва ёшлар ўз хатти-ҳаракати, қобилияти, билимини турлича баҳолайди. Шу баҳолар ҳақиқатга тўғри келиши

ёки келмаслиги, ошириб ёки пасайтириб юборилган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу даврда ўзига берилаётган баҳо кескин ўзгариб туриши мумкин. Муайян психик вазиятда ўсмир ўз ҳатти-ҳаракатига юқори баҳо бериши, бошқа вазиятларда эса, жуда паст баҳо бериши ҳам мумкин. Шахснинг маънавий-ахлоқий шакл ланишини аниқлаш учун қуйидаги нарсаларга эътибор қаратилади: шахс эҳтиёжлари характери, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларининг хусусиятлари, ўзини ўзи такомиллаштиришга қай даражада тайёрлиги. Булар маънавий ривожланишнинг кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади: 1. Сухбат, анкета, кичик иншо. Бу усул маънавият тўғрисидаги билимлар тўла ёки тўла эмаслиги, уларнинг тизимлилигини аниқлаш учун ишлатилади. 2. Шахснинг устувор қадриятлари ва устувор эҳтиёжларини аниқлаш усули. Бу усул ёрдамида шахс маънавий эҳтиёжнинг характери, шунингдек, бу элементлар шахснинг қадриятлар ва установакалар тизимига жойлашгани ёки жойлашмагани аниқланади. 3. Т.Синклернинг “Арт-терапия” усули, кичик иншо. Бу усул ёрдамида шахснинг ўз билими ва кўникмаларини ҳаётдаги муайян шароитда қай даражада намоён қила олиши аниқланади.

Шахснинг маънавият тўғрисидаги билимлари тўла ёки тўла эмаслиги қуйидагича тарзда аниқланади. Ўрганилаётган шахсга қуйидаги жавоб вариантларидан бирини танлаш таклиф қилинади. Маънавият бу:

- ахлоқ;
- диний эътиқод;
- инсонпарварлик;
- юксак ғоялар;
- интеллектуаллик;
- маданиятлилик;
- бошқа нарсалар (нималигини аниқ ёзинг).

Ўрганилаётган шахсларга “Ҳозирги давр одамлари

матнаниятида нима етишмайди?" деган савол берилади. Жавобларнинг куйидаги варианты келтирилади: яхшилик, тарбия, ички маданият, ҳаллоллик, инсонпарварлик, маълумот, бошқа фикрлар бўлса ёзиб кўрсатинг.

Жавоб вариантларига кўра одамларнинг маънавият ҳақидаги билимлари куйи, ўрта ва юқори даражаларга ажратилади. Билишнинг юқори даражаси маънавият ҳақидаги тасаввурларда унинг барча муҳим белгилари ифодалангани кўрсатади. Ўрта даражадаги билимга эга бўлганларнинг жавобларида маънавиятнинг асосий белгиларидан кўпчилиги кўрсатилади, лекин жавоблар тўла бўлмайди. Билимнинг куйи даражаси эса маънавият тўғрисидаги тасаввурлар бошланғич ҳолатда экани, уларда маънавиятнинг бир-иккита белгисигина ифодаланишида намоён бўлади.

Маънавият манбалари

Маънавий тарбияни амалга оширишда маънавият манбалари нималардан иборатлиги ва улардан қандай фойдаланишни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ва жамият маънавияти жуда кўп таркибий қисмлардан иборат. Маънавият таркибидаги энг муҳим элементлардан бири маънавий-ахлоқий қадриятлар ва сифатлардир. Асосий сифатлар турли-туман бўлиб, асосан, икки турга бўлинади. Ижтимоий-ахлоқий сифатлар туркумига: олижаноблик, беғаразлик, самимийлик, адолат, вазминлик, бағрикенглик, зукколик, оптимизм ва бошқалар киради. Ижтимоий-ахлоқий сифатлар ахлоқий қадриятлар учун асос бўлади. Маънавий-ахлоқий қадриятларни тушуниш ва шакллантириш, аввало, мазкур сифатлар моҳиятини билишни тақово этади. Ижтимоий-ахлоқий сифатлардан бири олижанобликдир. У, кўпинча, беғаразлик шаклида намоён бўлади. Бу тушунчалар ўртасида умумий хусусиятлар билан бирга, ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Олижаноблик ўзига нисбатан қилинган ёмонликни кечириш,

ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларидан ўзгалар фойдасига воз кечишни англатади. Олижанобликнинг негизида очикқўнгиллик ва ўзгаларга бўлган ишонч ётади. Сохта олижаноб одамлар ўз камчиликларини ўзгалардан яширади. Ҳақиқий олижаноб одамлар ўз камчиликларини бошқалардан ҳам, ўзидан ҳам яширмайди. Ҳақиқий олижаноб одам эса кечиримли бўлади, бошқаларнинг жиддий бўлмаган хатолари ва камчиликларини ҳам кечиради.

Олижанобликка яқин сифатлардан бири сахийликдир, чунки олижаноблик кўпинча сахийлик шаклида ҳам намоён бўлади. Сахийлик маънавий сахийлик ва моддий сахийлик шаклида бўлиши мумкин. Моддий сахийлик ўз моддий ва молиявий имкониятидан, ўзгалар манфааати йўлида фойдаланишни англатади. Бу сифат бадий асарларда, халқ оғзаки ижодида ҳам тараннум этилади. Халқ оғзаки ижодида кўп учровчи бадий тимсоллардан бири Хотамтой тимсолидир. У ўзидаги йўқ нарсани бошқалардан олиб, муҳтожларга сарфлаган. Халқ қахрамони Хотамтой ўзгалардан ҳатто жонини ҳам аямаган. Шайх Саъдийнинг “Бўстон” китобида келтирилган ҳикоятлардан бирида баён қилинишича, Яман подшоҳи сахийликка даъво қилар экан. У хазинадаги бойликлардан бир қисмини халққа эҳсон сифатида сарфларкан ва шу туфайли ўзини дунёдаги энг сахий одам деб ҳисоблаб юраркан. Кунлардан бир кун у вазиридан, “Дунёда мендан ҳам сахийроқ одам борми”? – деб сўрабди. Ростгўй вазир: “Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бу саволингизга жавоб бераман,” дебди. Подшоҳ, “кечдим” дегандан сўнг, вазир унга қараб: “Сиздан ҳам сахийроқ одам бор, унинг исми Хотамтой” деган экан.

Бундай жавобни эшитган подшоҳнинг газаби келибди-ю, лекин буни вазирга билдирмай, яширинча жаллодни чақирибди. Жаллодга Хотамтойни қайси мамлакатда бўлса ҳам топишни ва ўлдириб, калласини олиб келишни буюрибди. Жаллод жуда кўп йўл юриб, кўп

мамлакатлардан ўтиб, охири Хотамтой яшайдиган юртга келибди. Бир қишлоққа кириб, дам олиш учун кўчадаги тошга ўтирибди. Рўпарадан келаётган бир одам унга қараб: “Сиз бу ерликка ўхшамайсиз, қайси мамлакатдан келаяпсиз”, – деб сўрабди. Жаллод ўзининг Ямандан келганини айтибди. Шунда ҳалиги одам “Эҳҳе, жуда узокдан келган экансиз. Чарчаган кўринасиз. Юринг менинг уйимда биров дам олинг”, деб ҳовлисига олиб кетибди. У жаллодни бир неча кун меҳмон қилибди. Ҳордиғи чиққан жаллод, “энди кетай”, деса ҳам, олиб қолиб, яна бир неча кун меҳмон қилибди. Охири жаллод жуда зарур топшириқ билан кетаётганини, энди кетиб, топшириқни бажармаса, подшоҳ ғазабланиб жазолашини айтибди. Шунда уй эгаси: “Топшириқни айтинг, эҳтимол менинг сизга ёрдамим тегар”, дебди. Уй эгасининг меҳмондўстлиги, кўнгли очиқлигидан эриб кетган жаллод қандай топшириқ билан кетаётганини айтибди. Шунда уй эгаси болта олиб келибди ва бошини кундага қўйиб, болтани жаллодга берибди, “Мана бошимни кесинг, мен Хотамтойман”, – дебди. Шунда жаллод унинг оёғига йиқилибди. Қўлидан болта тушиб кетиб ундан кечирим сўрабди. Жаллод Яманга қайтиб борибди. Унинг қуруқ қайтиб келганини кўрган подшоҳ: “Хотамтойнинг боши қани?” – деб сўрабди. Шунда жаллод бўлган воқеани сўзлаб берибди. Жаллоднинг сўзларини эшитган подшоҳ Хотамтойнинг сахийлигига қойил қолиб, тасаннолар айтибди ва ўзининг унингчалик сахий эмаслигини тан олибди. Халқ оғзаки ижодида сахийлик ва бағрикенглик тўғрисидаги бундай ҳикоя ва ривоятлар кўп учрайди. Мана шундан олижаноблик халқ томонидан қанчалик юксак баҳоланишини билиб олиш мумкин.

Маънавият, тарбия, тараққиёт

Тарихнинг мураккаб ва бурилиш паллаларида янги назариялар, илмий парадигмаларга эҳтиёж туғилади. Чунки эски назариялар, қоидалар янги давр қўяётган муаммоларни ечишга ожизлик қилиб қолади.

XX аср сўнги чорагида худди шундай ҳолат кузатилди. Социалистик деб аталган тузум инқирозга учради. Бу тузум мафкураси ва мафкурачилари бухрондан чиқиш йўлларини кўрсатиб бера олмадилар. Собиқ Иттифоқ харобалари ўрнида мустақил давлатлар вужудга келди. Улар ўз тараққиёт йўлларини ўзлари белгилаб олишди, бироқ уларнинг тараққиёт йўллари ва ривожланиш суръатлари турлича кечди.

Собиқ Иттифоқ даврида бошланган бухрон, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қулаш Иттифоқ парчаланиши билан тўхтаб қолгани йўқ. Бундай танглик баъзи мамлакатларда қисқа, баъзиларида узоқ вақт давом этди. Тангликни тез ёки секин бартараф қилиш янги ташкил топган мамлакатларда танланган йўлнинг тўғрилиги ёки тўғри эмаслиги, қабул қилинган назариялар, сиёсий, фалсафий, иқтисодий таълимотларнинг вазиятта қанчалик мос келиши ёки келмаслиги билан белгиланади.

Собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган иқтисодий ва маънавий упирилиш янги вужудга келган мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда тўхтатилди. 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатила бошлади. Шўролардан мерос қолган қулашнинг баъзи мамлакатларда қанчалик узоқ давом этгани ва баъзиларида ҳозир ҳам давом этаётганини эътиборга олсак, Ўзбекистонда қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлар нақадар салмоқли эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Бу муваффақиятларнинг негизида тараққиёт йўлини тўғри танлаганимиз, Президент Ислом Каримов томонидан яратилган ислохотларнинг ўзбек модели тамойилларини изчиллик билан амалга оширишимиз ётади.

Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги бухронни иқтисодий бухрондан олдин тўхтатишга муваффақ бўлди. МДХ га аъзо ва аъзо бўлмаган давлатлар аксариятида санъат ва телевидение, оммавий ахборот воситаларида фахш ва зўравонлик, ур-йиқит ва ахлоқсизликлар туну кун намоиш этилаётган бир пайтда, бундай маънавий бузуқликларга Ўзбекистонда чек қўйилди. Мамлакатимизда Собиқ Иттифоқ даврида бошланган, оммавий ахборот воситалари ва санъатни эгаллаб олган ахлоқсизлик, миллатчилик кўринишларига барҳам берилди. Юртимизда соғлом маънавий-руҳий иқлим шакллана бошлади.

Собиқ Иттифоқ доирасидаги мамлакатлар талайгина қисмининг санъати ва ОАВ да ахлоқсизлик ва бузуқликлар ҳозиргача ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда, бизнинг юртимиз санъати ва ОАВ да инсонийлик ва инсонпарварлик, мамлакатлараро ва динлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукмронлик қилиши маънавий соҳада эришган улкан ютуғимиздир. Бу ютуқ негизида эса Президент И.А.Каримов томонидан яратилган маънавият фалсафасининг ижодкорларимиз, олимларимиз, халқимиз томонидан ҳаётга жорий этилиши ётади. Маънавият назарияси Ислом Каримов томонидан яратилган сиёсий, иқтисодий, фалсафий жиҳатларга эга бўлган яхлит таълимотнинг бир қиррасини ташкил этади.

Маънавият тўғрисидаги таълимот ХХІ аср бошларигача яратилган фалсафий тизимларнинг биронтасида ҳам тизим ҳолида учрамайди. Масалан, марксизм назариясида маънавият тўғрисидаги таълимот у ёқда турсин, маънавият деган категориянинг ўзи йўқ эди. Шўролар даврида фалсафа бўйича чиқарилган луғат, қомусий луғат ва энциклопедияларнинг биронтасида ҳам бу тушунчага ўрин ажратилмаган. Шунинг учун ўша давр фалсафасини маънавиятсиз фалсафа дейиш мумкин. Энг қизиғи ва ажабланарлиси шундаки, маънавиятнинг мағзини фалсафа, фалсафанинг мағзини эса маънавият

ташкил қилиши керак. Шуролар даври фалсафасида эса маънавият тилга ҳам олинмади. Мана шу ҳолатнинг ўзидан ҳам ўша давр фалсафаси қанчалик “инсонпарвар” ва “халқпарвар” бўлганини билиб олса бўлади.

Холислик нуқтаи назаридан шуни ҳам айтиш керакки, собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларида фалсафа, психология, педагогикага оид адабиётларда маънавиятга муайян ўрин ажратилмоқда. Бироқ бу адабиётларда маънавиятга берилаётган талқин кўпроқ диний руҳда бўлиб, асосан, православия нуқтаи назаридан берилган. Бу талқинларга кўра маънавият ва маънавий тарбия билан, асосан, черков ва руҳонийлар шуғулланиши керак.

Президент И.А.Каримов асарларида эса маънавият диний ва дунёвий жиҳатларга эга бўлган мураккаб ҳодиса сифатида талқин қилинади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида маънавиятнинг дин ва диний эътиқод билан боғлиқ жиҳатлари ҳам, халқ, Ватан, оила, маҳалла, тарих, дунёвий фанлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам чуқур ва батафсил ёритилган. Мазкур китобда маънавиятга берилган талқинларнинг моҳияти ва хусусиятлари, бу мураккаб ҳодисанинг диний ва дунёвий ҳодисалар билан боғлиқликда ёритилиши Президент Ислоҳ Каримовнинг бу масалага тизимли ёндашганидан гувоҳлик беради.

Китобда маънавият инсонга куч-қудрат бағишлаши атрофлича асослаб берилган. Асарнинг биринчи боби «Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» деб номланган. Китобда, шунингдек, маънавият жамиятнинг янгилиниши, ривожланишини таъминлайдиган ҳодиса экани ҳам ишонарли тарзда тавсифланган. Айни пайтда, китобда баён қилинган қоидалардан маънавият ўз-ўзидан, автоматик тарзда ижтимоий тараққиётга айланиб қолмаслигини англаб олиш мумкин.

Маънавият ва шахс камолоти, маънавият ва ижтимоий тараққиёт ўртасида бир қатор омил ва воситалар

силеласи борки, улар маънавиятнинг жамият ривожига асос бўлишини таъминлайди. Китобда ана шу омил ва воситалар занжиридаги асосий халқа — маънавий тарбия масаласи ҳам чуқур таҳлил этилган.

Китобда тарбия ҳақида баён этилган фикрларни таҳлил қилишдан аввал, шуни таъкидлаш жоизки, асар муаллифи тарбия назариясига янги тушунча — «маънавий тарбия» тушунчасини олиб киради. Шу пайтгача педагогика, психология, фалсафа фанларида тарбиянинг йўналишлари — ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, исмоний тарбия, ақлий тарбиядан иборат, деб тушунтирилар эди. Кейинги 10 — 15 йил ичида тарбия назариясига оид адабиётларда «маънавий-ахлоқий тарбия» тушунчаси ҳам қўлланмоқда. Бироқ бу тушунча, асосан, ахлоқий тарбияга нисбатан қўлланиб, унинг таркибидаги «маънавий» сўзи «ахлоқий» тушунчасига бўйсундирилган эди. Маънавий-ахлоқий тарбия ҳақида ёзилган мақола ва рисолаларга, ҳимоя қилинган диссертацияларга кўз югуртирсак ҳам, худди шундай ҳолатнинг гувоҳи бўламиз.

Фарбда ва МДХга аъзо баъзи мамлакатларда чоп этилаётган китобларга назар ташласак, уларда «маънавий тарбия» атамаси оз бўлса ҳам, қўлланаётганини кўрамиз. Бироқ «маънавий тарбия» деганда, Фарбда диний тарбия, диний тарбия бўлганда ҳам христиан дини асосидаги тарбия тушунилади. Ислом Каримов эса бу тушунчага мутлақо янгича, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмун бағишлайди. И.А.Каримов талқинида маънавият ижтимоий фанлар, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари ҳамда муқаддас китоблар, азиз-авлиёларимиз ўғитлари, панд-насиҳатлари воситасида шаклланаладиган маънавий фазилатларни ифодалайди.

Маънавий тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги китобнинг «Муқаддима»сида шундай фикр билдирилади: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли,

билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади».¹⁰ Китобнинг «Маънавиятни англаш» фаслида эса инсоний фазилатлар, эзгу мақсадлар ҳақида сўз юритиб, «Бундай эзгу мақсадларга эса, фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин»¹¹, – дейилади. Кўриниб турибдики, «маънавий тарбия» ибораси китобда тасодифий ишлатилган ибора эмас, атрофлича, пухта ўйлаб қўлланган иборадир.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида маънавий тарбия масаласига ёндашувнинг муҳим жиҳатларидан бири унга тизимли ёндашувнинг амалга оширилишидир. Тизимли ёндашувнинг моҳияти ўрганилаётган ҳодисага, яъни маънавий тарбияга тизим сифатида қараш, уни амалга ошириш воситаси бўлган муассаса ва ташкилотлар, ҳодисалар тизимини белгилашдан иборатдир. Китобда ана шундай институт ва ҳодисалар жумласига буюк алломаларимиз, аждодларимиз томонидан амалга оширилган буюк кашфиётлар, ибратли амаллар, оила, маҳалла, таълим тизими сингари ижтимоий институтлар киритилган.

Фан тарихидан маълумки, мураккаб, кўп қатламли ҳодисаларни тизимли ёндашувсиз тўла ва чуқур ўрганиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент И.А. Каримов китобида тизимли ёндашувнинг моҳирона қўлланганлигини кўриш мумкин. Китобда маънавиятнинг ўзига ҳам, маънавий тарбияни амалга оширувчи ташкилот ва муассасалар тизимига ҳам чуқур тизимли ёндашув амалга оширилгани кўзга ташланади.

Китобда маънавиятга тизимли ёндашувнинг амалга оширилиши шунда кўринадики, маънавият яхлит, бир

¹⁰ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, 4-бет.

¹¹ Ўша асар, 28-бет.

бутун ҳодиса сифатида талқин ва таҳлил этилади. Бу ҳолат, аввало, маънавиятни шакллантирувчи барча асосий омиллар тавсифи ва таҳлилида кўзга ташланади. Айни пайтда, ўша асосий омиллар халқ тарихи билан боғланиши, ўша тизимли ёндашувнинг нақадар изчил ва мукаммал эканлигини кўрсатади: «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»¹²

Мамлакатимиз тарихи нақадар бой, халқимиз маънавияти нақадар юксак эканини, мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам тасдиқлайди.

Маънавиятга ва маънавий тарбияга тизимли ёндашувнинг мукамаллиги шунда ҳам кўринадики, Фарбдаги сингари фақат диний қарашлар ва эътиқод эмас, «... кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган мингминглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир».¹³

Асарда маънавиятга ва маънавий тарбияга тизимли ёндашувни жуда кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, қадим Хоразмда яратилган «Авесто»ни таҳлил қилар экан, муаллиф шундай фикр билдиради: ««Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани

¹² Ислом Қаримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008, 29-30-бетлар.

¹³ Ўша асар, 31-бет

кўп нарсани англатади»¹⁴ Худди ана шундай атрофлича ва чуқур тизимли ёндашув халқ оғзаки ижоди, муқаддас ислом динимиз, буюк алломаларимизнинг мислсиз илмий-ижодий кашфиётлари, соҳибқирон Амир Темурнинг маънавият учун кенг йўл очиб бериши, Алишер Навоий бадиияти, маърифатпарварларимиз ижодига нисбатан ҳам амалга оширилган.

Асарда ёш авлод маънавиятини шакллантирувчи оила, маҳалла, мактаб ва умуман, таълим-тарбия институтларининг ҳар бири бу жараёнда қандай вазифани бажариши лозимлиги аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Китобда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслигининг таъкидланиши маънавий тарбияга тизимли ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати.

Тизимли ёндашувнинг хусусиятларидан бири шундаки, унинг ўзи мураккаб тизимли методология бўлгани сабабли, йирик илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилишга нисбатан қўлланади. (бу ёндашувни майда-чуйда муаммоларга нисбатан қўлласа ҳам бўлади, бироқ жўжорига ёпирилган чумчуқларни ҳайдаш учун замбаракдан ўқ отиш шарт эмас. Бунинг учун тоғорани тақиллатиб қўйса кифоя қилади). Беморнинг ярасига боғланган докани янгилаб қўйиш учун тиббиёт осмонидаги юлдузлардан бири ҳисобланадиган алломани чақириш зарур эмас. Бундай алломани, ҳаттоки, кичик жарроҳлик амалиётига ҳам жалб қилиш керак эмас. Унинг билими ва тажрибасидан мураккаб ва ўта мураккаб жарроҳлик амалиётида фойдалансак, жамият учун кўпроқ наф келади.

Фақат Ўзбекистонда эмас, яқин ва узоқ қўшниларимиз учун ҳам жуда муҳим бўлган ижтимоий муаммолардан бири маънавий тарбия муаммосидир. Бу муаммонинг фавқулодда муҳимлиги, бир томондан, унинг деярли ўрганилмаганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, унинг жамият тараққиёти учун нақадар долзарб-

¹⁴ Ўша асар, 32-бет.

лигида. Бу муҳим муаммонинг Ўзбекистонда, республика Президенти томонидан кун тартибига биринчи ўринда қўйилиши мамлакатимизнинг тарбия назарияси ва амалиётида энг пешқадам мамлакатлардан бирига айланаётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда таълим ва тарбия назариясига ҳам, амалиётига ҳам тизимли ёндашув амалга оширилгани, ливало, «таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»¹⁵ деган қоидага изчил амал қилинганида бўлса, иккинчидан, шўролар давридан мерос бўлиб қолган таълим тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга тизимли ёндашиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилганида кўринади. Бу дастур ҳаётга изчил татбиқ этилиши билан бирга, юртимизда 2004-2009 йилларда унинг узвий ва мантиқий давоми бўлиш, «Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури» қабул қилинди.

Китобда таъкидланганидек, «Ушбу дастурга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда»¹⁶.

Фандаги усул ва ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар фан ва амалиётда қўллана боргани сари чархланиб, ўткирлашиб боради, уларнинг янги қирралари ва хусусиятлари кашф этиб борилади. И.А.Каримов китобида маънавий тарбия масаласи йирик илмий ва амалий муаммо сифатида кун тартибига қўйилар экан, уни ҳал қилиш учун тизимли ёндашув зарурлигининг ажойиб намунаси ҳам кўрсатиб берилди.

¹⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008,62-бет.

¹⁶ Ўша асар,64-бет.

II боб. Маънавий тарбия йўналишлари

Тарбия шахсда ҳиссиётни, тафаккурни тарбиялаш, ахлоқий онг ва ахлоқий хулқ-атвор, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган онгли фаолиятдир. Баъзи одамлар тасавурида тарбия болани боқиш ва катта қилишдангина иборат. Бу вазифаларни қўй-эчки, ит-мушук, ҳатто, товуқлар ҳам бажаради. Инсонни тарбиялаш эса, аввало. унинг маънавиятини шакллантириш, ақли ва қалбини муайян йўналишга солишдир.

Инсон қалби ва ақлини эзгуликларга йўналтириш, яъни маънавиятни шакллантириш тарбиянинг асосий мақсадидир.

Шахснинг, жамиятнинг келажаги уйланган давлатда тарбия ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Маънавият тарбияси инсон тақдирини белгилайди, жамият миқёсида олганда эса, ижтимоий тараққиётнинг йўналиши шу жамиятда маънавият тарбиясига қай даражада эътибор берилаётганлига боғлиқ бўлади.

Тарбия – мураккаб, кўп меҳнат ва чидам, сабр-тоқат талаб қиладиган жараён эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Тарбия ёрдамида инсонларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий сифатлари шаклланади ва ривожлантирилади. Улкан файласуфлардан бири – Гельвеций ўзининг «Ақл тўғрисида» рисоласида бизнинг ким эканлигимиз, қандайлигимиз тарбиянинг натижасидир, деган эди. Унинг фикрича, тарбиянинг мақсади – ёшларнинг ақлини ривожлантириш ва яхшиликка йўналтириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборат.

Жамият ҳар бир шахс олдига муайян талаблар қўяди. Шахс ана шу талабларни бажаришга қодир бўлиши учун жамият уни тарбиялаши лозим. Тарбия жараёнида шахснинг жисмоний ҳамда руҳий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсад қилиб қўйилади. Шахснинг маънавий жиҳатдан юксалиши учун у жисмонан ва руҳан соғлом бўлиши керак. Шунинг учун, ижтимоий тарбия тизимида асосий эътибор жисмоний ва руҳий тарбияга қаратилади.

«Соғлом танда – соғ ақл» иборасида жисмоний тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни аниқ ифодалаб берилган. Бу ибора ҳаётда ҳар доим ҳам ўз тасдиғини топмасда, кўп ҳолларда у ҳақиқатга тўғри келади. Бу иборанинг тўғрилиги тасдиқланмайдиган ҳоллар шундан иборатки, жисмонан соғлом бўлмаган, заиф, майиб-мажруҳ одамларда ҳам соғлом ақл ва юксак маънавият бўлиши мумкин. Бунинг аксича, жисмонан «буқадай» соғлом одамнинг ақли паст бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунга қарамай, кўп ҳолларда жисмоний соғломлик инсоннинг руҳий ва маънавий сифатлари шаклланиши ва ривожланиши учун асос вазифасини бажаради. Соғлом шахс унумли меҳнат қилиши, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиши мумкин. Унинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши, ўз ҳиссиёти, иродаси ва ақлини камолга етказиш учун кучи етарли булади.

Маънавият тарбияси уч таркибий қисмдан иборат: ҳиссиёт тарбияси, ирода тарбияси ва ақлий тарбия. Бу таркибий қисмларнинг ўзаро уйғун бўлиши ва ижтимоий фойдали томонга йўналтирилиши маънавий тарбиянинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Инсоннинг руҳий фаолияти негизида ҳиссий унсур ётади. Руҳий фаолиятнинг йўналиши инсоннинг гўзаллигини, инсоний муносабатлар, шунингдек, санъат асарларининг датофатини қай даражада ҳис қилишига боғлиқ. Инсоннинг ҳис-туйғулари ва туйғудошлиги қанчалар турли-туман ва мазмунли бўлса, унинг шахсий тако-

мили шунчалик бой ва чукур булади. Бу масалага, айниқса, кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда катта аҳамият бериш зарур. Чунки болаликда ҳиссиёт шаклланиши, ахлоқий ва эстетик туйғуларнинг ривожланиши юз беради. Чунки бола дунёни фақат ақл билан эмас, кўпроқ қалби ва туйғулари билан қабул қилади. Нима яхши-ю, нима ёмон эканини ҳам бола ҳис-туйғулари билан қабул қилади ва ифодалайди. Шунинг учун, болаларни тарбиялашда ҳис-туйғуларнинг турли-туман бўлишига алоҳида эътибор бериш зарур. Тақдир инсонларга қувончли ҳодисалар билан бирга, қайғули ва шафқатсиз ҳодисаларни ҳам тайёрлаши мумкин. Шунинг учун, болаларни фақат ижобий туйғулар, қувонч, шодлик, хурсандчилик асносидагина эмас, ҳам-қайғули ҳодисалар асносида ҳам тарбиялаш лозим.

Бир қатор илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, меҳнат жамоаларида хизмат ва шахсий муносабатлар эмоционал жиҳатдан соғлом бўлса, бу ерда меҳнат унумдорлиги юқори ва кадрлар қўнимсизлиги паст даражада бўлар экан. Шунинг учун, жамиятда шахслараро ижобий муносабатларнинг устувор бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун адабиёт ва санъат, мусиқа, телевидениенинг имкониятидан кенг фойдаланиш лозим. Одамлар онгига кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган мазкур воситалар шахсда табиатга, одамларга, санъатга ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Баъзан энг ибратли оилавий муҳитда тарбияланган болаларда ҳам кўрслик, ахлоқсизликни кузатиш мумкин. Шунинг учун баъзи ота-оналарнинг «мен фарзандимнинг комил шахс бўлиб етишиши учун ҳамма имкониятларни яратдим, лекин у биз кутгандай одам бўлмади», деган гапларини эшитиш мумкин. Ана шундай фарзандлар билан суҳбатлашганда уларнинг ота-оналари ва жамият кутгандай шахс бўлиб етишмаганлиги сабаби, ирода тарбиясига етарлича эътибор берилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ирода шахсинг ички дунёсидан ихоталанган ҳолда мавжуд бўлмайди. У шахсинг ҳиссий ва ақлий тарбияси даражасига боғлиқ бўлади. Айни пайтда, ирода тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарур. Айтайлик, ёшларда виждонни шакллантиришга катта эътибор берилса-ю, ирода тарбиясига етарли эътибор берилмаса, кутилган натижага эришиш мумкин эмас. Чунки виждонли шахс виждон амрига кўра фаолият юритиши учун кучли иродага эга бўлиши шарт. Агар виждонли шахсда ирода етишмаса, у виждон буюрганини бажара олмайди. Охир-оқибат у нафақат иродасиз, балки виждонсиз шахсга ҳам айланади.

Ирода киши ички дунёсини ташкил этувчи ва амалиётга ўтишини таъминловчи бўғин қисобланади. Шахс ҳар қанча билимли, ақлли, виждонли, қобилиятли бўлмасин, унинг қандай хатти-ҳаракат қилиши кўп жиҳатдан унинг иродасига боғлиқ бўлади.

Ирода ҳар қанча кучли бўлса-ю, ахлоқ тарбиясига, виждонни шакллантиришга етарли эътибор берилмаса, бундай шахс кучли иродага эга бўлган аблаҳга айланиши мумкин. Чунки унинг кучли иродаси ахлоқий ишлар, яхшиликка йўналтирилмайди, қабоҳат ва ахлоқсизликка йўналтирилади. Шунинг учун, ирода тарбияси билан ақл-идрок, ахлоқ тарбиясини қўшиб олиб бориш ниҳоятда муҳим.

Ақлий тарбиянинг мақсади ёшларда илмий тафаккур ва мантиқни шакллантириш, хотирани турли билимлар билан бойитиш ва ижодий тафаккурни шакллантиришдан иборат. Бироқ, тафаккурни, хотирани ва тасаввурни ривожлантириш охирига мақсад эмас. Инсон ақлий меҳнат маданиятини ўзлаштириб борар экан, унинг янги, бой билимларга эга бўлиши, ижодий тафаккур юритиши унумдор меҳнат, жамиятга фойда қўлиши учун хизмат қилиши лозим. Шахсинг интеллектуал салоҳияти мунтазам равишда такомиллаштириб борилмаса, унинг ўз қобилият куртакларини на-

мойиш қилиши учун имкониятлари чекланиб қолади. Қадимги юнон файласуфи Эпикур айтганидай: «Ақлсиз бўлиб бахтли бўлгандан кўра, ақл билан бахтсиз бўлган афзалдир». Лекин ақлли одамнинг бахтли бўлиши учун имконияти кўпроқ бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Жисмоний ва руҳий тарбия шахс маънавиятини шакл лантиришнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Жисмоний ва руҳий тарбия ҳар томонлама ривожланган комил инсонни тарбиялашнинг зарур шартидир.

Жисмоний ва руҳий тарбияни амалга оширганда, улар ўртасидаги мутаносибликни сақлаш мақсадга мувофиқ. Кузатишлар шундан гувоҳлик берадики, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ақлли бўлиб етишиши учун катта эътибор беришади, лекин жисмоний тарбияга етарлича эътибор қаратишмайди. Бунинг оқибатида, ақлли, лекин жисмонан заиф бўлиб ўсган шахс ақл ёрдамида тузган режаларини амалга ошириш учун етарли кучга эга бўлмайди.

Жисмоний ва ақлий тарбия мутаносиблигини таъминлашда дунёқараш ва маънавият тарбиясига устуворлик бериш зарур. Чунки руҳий тарбия – маънавий тарбиянинг йўналиши ва муҳим шarti ҳисобланади.

Шахс ўз жисмоний ва руҳий имкониятларидан тўла фойдаланиши учун юксак маънавиятга эга бўлиши лозим. Шундагина у ўз эътиқод ва қарашларини собитлик билан ҳимоя қилишга қодир бўлади.

Шахс маънавияти унинг фаолиятини бошқарадиган мураккаб ички тизимдир. Одамнинг қўли, оёғи, танасини муайян йўналишда ҳаракатта келтирувчи куч маънавиятдир. Маънавиятнинг таркибий қисмлари – илмий қарашлар, сиёсий ва ахлоқий эътиқод, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик билимлар ва эстетик диддан иборат.

Маънавий тарбиянинг негизини муҳим ғоявий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ташкил қилади. Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган курашлари, Амир Темурнинг Ватан мус-

тақиллиги йулида қилган хизматлари улардаги юксак маънавиятнинг намоён бўлишидир. Халқимизнинг мустақилликка эришиши ҳам одамлар онгида, хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг онгида аждодларимиздан қолган қадриятларга содиқликнинг сақланиб қолгани ва мустақамлангани натижасидир.

Ёш авлоднинг дунёқараши, маънавиятини шакллантириш мураккаб вазиятда кечмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда вужудга келган гоъвий-мафкуравий вазият жуда мураккаб. Ёшлар тарбияси бўйича олиб борилаётган кўпқиррали ишларга ана шу вазият таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бир қатор мамлакатларда оммавий маданиятга ружу қўйиш, кино ва телевидениеда фаҳш ва беҳаёликларни тинмай намоёиш қилиниши ёшларимизда юксак маънавиятни шакллантиришга тўсқинлик қилади. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, кино санъати, айниқса, Интернетнинг шиддат билан ривожланиши ёшларимизга жаҳондаги ижобий ҳодисалар тўғрисида тезкор маълумот бериши билан бир қаторда, уларнинг онгига миллий-маънавий қадриятларимиз учун ёг бўлган нарсаларнинг таъсир ўтказиши ҳам содир бўлмоқда.

Ҳарбий тажовузга қудратли ҳарбий кучлар ёрдамида зарба берилади, маънавий тажовузга эса, ёшларимизнинг кучли маънавий эътиқоди, билимдонлиги, аждодларимиз қадриятларига содиқлиги билан жавоб бериш мумкин.

Юқорида айтилганидай, тарбия шахс ва мамлакат тақдирини ҳал қилади. Тарбия воситасида авлодлар ўртасидаги ворисийлик таъминланади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда тарбия масаласига катта эътибор берилмоқда. Таълим тизимида, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, оммавий ахборот воситалари ёрдамида олиб борилаётган тарбиявий ишда шахснинг бой маънавий дунёсини мазмунан бойитиш устуворлик касб этмоқда.

Ҳар бир шахснинг маънавий дунёси кичик бир олам.

Бу оламнинг қандай бўлиши катта олам – жамият маънавиятининг қандай эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Абу Наср Форобий “олами суғро” ва “олами кубронинг” ўзаро муносабатлари тўғрисида гапирганда, айнан шахс маънавияти билан жамият маънавиятининг ўзаро муносабатларини назарда тутган эди.

Жамиятда илмсиз, нодон, жоҳил одамлар қанчалик кўп бўлса, жамият фаровонлиги шунчалик паст бўлади, шахснинг маънавий олами юксак кўтарилиши учун имконият шунчалик оз бўлади. Одамларни жоҳиллик ва нодонликдан халос қилишнинг йўли таълим ва тарбиядир.

Ҳар бир шахснинг маънавий-руҳий оламида турлитуман, баъзан бир-бирига зид жараёнлар кечадики, уларнинг бари биргаликда маънавиятни ташкил этади. Бу жараёнларнинг мазмуни, йўналиши, шиддати турли шахсларда турлича бўлади. Шунинг учун, дунёдаги барча одамлар маълум маънода бир-бирига ўхшаш ва айни пайтда, бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Жамиятда тўпланган кадриятлар, тараққийпарвар анъаналар, урф-одатларни шахсга ўтказиш бир қарашда осондек туюлса ҳам, аслида, жуда мураккаб жараён. Жамиятда тўпланган маънавий бойликлар шахс онгига таълим ва тарбия орқали етказилади. Маънавий бойликларни шахсга етказишнинг бошқа усулини инсоният ҳали кашф этганича йўқ.

Шахснинг маънавий шаклланиши ва такомиллашуви учун таълим ва тарбияга эътиборни кучайтириш зарур. Шахсни тарбиялашда унинг маънавий дунёси шаклланиши мурватларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу мурватлар аниқлангандан кейин, уларнинг самарали ишлаши учун қандай шароит зарурлиги аниқланади, ҳар бир шахснинг тарбияси учун керак бўладиган шароит унинг ёши, характери, интилишлари ва қизиқишларига мослаб танланади.

Шахснинг ички маънавий дунёсига таъсир ўтказишни

бундай ташкил қилиш шахс онгига ишлов бериш, яъни манипуляция билан мутлақо алоқадор эмас. Шахс маънавий дунёси шаклланишининг ички мурватларини ўрганишдан мақсад – унинг ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён қилиши учун шароит яратиш. Ундан ташқари, ҳар бир шахс ўз маънавий дунёси ривожланишининг ички мурватларини ўрганар экан, ўзини ўзи тарбиялашни муваффақиятлироқ амалга ошириш мумкин.

Шахс маънавияти шаклланишини бошқариш масаласи тарбия жараёнидаги муҳим муаммолардан ҳисобланади. Мамлакатимизда истиқлол қўлга киритилганига 22 йилдан ошди. Тараққиёт поғонасидан қанчалик юқори кўтарилганимиз сари ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг мураккаблиги ҳам ортиб боради. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун алоҳида гуруҳ ёки қатламлар эмас, бутун халқ фаол ҳаракат қилиши лозим бўлади. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда миллионлаб меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва салоҳиятини ҳаракатга келтириш зарур.

Шахс маънавияти шаклланишига ташқи муҳит сезиларли таъсир ўтказади. Айни пайтда, одамларнинг ўзлари ҳам ташқи муҳитга фаол таъсир ўтказади. Бундай таъсир мақсадга йўналтирилган фаолият натижаси бўлиб, эҳтиёжларнинг шаклланиши ва қондирилиши одамлар ички дунёсининг бойиб бориши билан параллел тарзда кечади. Мана шу жараёнда мулоқот муҳим роль ўйнайди. Мулоқот одамларнинг бир-бирларини ўзаро бойитиш воситаси ҳамдир. Мулоқот одамларнинг физиологик ва руҳий мурватлари ҳаракатига ижтимоий йўналтирилганлик ва ижтимоий мазмун бағишлайди. Мулоқот бўлмаганда, физиологик мурватлар фақатгина жуда ибтидоий ҳиссиёт ва инстинктларни намоён қилган бўларди. Бу эса, ўз навбатида, руҳий мурватларнинг жуда паст унумдорлик билан ишлашига олиб келади. Мулоқот одамлар онги ва маънавияти шаклланишига белгилловчи таъсир ўтказади. У, айни

пайтда, назарий онгнинг шаклланиши учун ҳам зарурий шарт ҳисобланади.

Шахс маънавий дунёсининг шаклланишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ижтимоий фойдали меҳнат ва мулоқотнинг турли шакллари дир. Мана шу икки ҳодисасиз маънавиятнинг мавжудлигини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Маънавиятнинг шаклланиш жараёни ҳам бошқарув назарияси қонун-қоидаларига бўйсунди. Бирор жараёни бошқариш учун унинг негизида ётган ҳодисаларни аниқлаш, бу ҳодисаларни рўёбга чиқиш мурватларини ўрганиш тақозо этилади. Бошқарув назариясининг мана шу методологик тамойили маънавиятни бошқаришга ҳам тегишли дир.

Ҳозирги замон шароитида шахс маънавий дунёсининг шаклланиш жараёнини бошқариш учун бир нечта тамойилларга амал қилиш зарур.

Биринчи тамойил. Шахсга ташқи таъсир ўтказиш воситаларидан бўлган ижтимоийлашув ва тарбиянинг аҳамиятини пасайтириш ҳам, ошириб юбориш ҳам мумкин эмас. Ижтимоий амалиётда онгли равишда ёки англамасдан ижтимоийлашувга етарли аҳамият бермаслик ҳоллари учрайди. Шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашувига кучли таъсир ўтказадиган воситалардан бири – халқимиз анъаналари. Улар одамларни жипслаштириш, ўзаро ёрдам ва бирдамлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Ҳашар ижтимоийлашувнинг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади. Бироқ, баъзан ҳашарнинг иш кунида ўтказилиши одамларни ишдан қўйишга, иккиланишга мажбур қилади. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда ҳашарнинг асосий функцияси эздан чиқиб, меҳмондорчилик ва ичкиликбозлик бошланиб кетади. Бундай шароитда ҳашарнинг тарбиявий таъсири пасайиб, шахснинг шаклланишига у акс таъсир ўтказиши ҳам мумкин.

Меҳнат жамоаларида ўтказиладиган тадбирлар ва

иншлаб чиқариш жараёни ҳам ижтимоийлашувнинг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади. Масалан, унумли иншлаганларни рағбатлантириш тарбиявий таъсирга ҳам эга. Бироқ рағбатлантириш адолатли тарзда олиб борилмаса, унинг ҳам тарбияга таъсири тескари бўлиши мумкин.

Шахс маънавияти шаклланишида ижтимоийлашувнинг аҳамиятига алоҳида тўхталишимиз сабаби шундаки, бу билан икки муҳим ҳолатга эътибор қаратмоқчимиз. Уларнинг биринчиси шуки, тарбияни амалга оширишда ташқи таъсирларни тартибга солиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Шундай қилинмаса, бу таъсирлар бир-бирининг кучини камайтириши ва бунинг оқибатида тарбия жараёнининг самарадорлиги пасайиши ёки салбий томонга ҳаракатланиши мумкин. Иккинчи ҳолатнинг моҳияти шундаки, шахсни ташқи таъсирларнинг моҳиятини аниқлаш, уларга онгли муносабатда бўлиш, уларни ўзгартиришга ўргатиш лозим.

Иккинчи тамойил. Шахс маънавияти шаклланишидаги ички мурватларнинг ўзаро уйғунлиги тарбиявий таъсирнинг самарадорлигига боғлиқ. Бу таъсир санаб ўтилган мурватлар ҳаракатини йўналтирувчи куч ҳисобланади. Бу таъсир воситасида тарбия жараёни объектни ўзини ўзи тарбиялаш субъектига айлантириши ҳам мақсадга мувофиқ.

Тарбиявий таъсирнинг самарадорлигини ошириш учун йўналтирилган тадбирлар юқори инстанцияларга рапорт бериш учун ўтказиладиган тадбирларга айлантирилмаслиги керак. Ҳолбуки, бир қатор меҳнат жамоалари ва таълим тизимида тадбирлар расмийчилик учун ўтказилиши ҳолларини учратиш мумкин. Бундай тадбирларнинг ташкилотчилари ушбу тадбирлар мақсадини аниқ тасаввур ҳам қилишга олмайди ва улардан фақат юқори ташкилотлар олдида обрў орттириш учун фойдаланади.

Баъзи одамларда тадбирнинг мазмуни, шакли ва усуллари талабга жавоб берса, демак, бу тадбирларнинг тарбиявий таъсири ҳам юқори бўлади, деган нотўғри тасаввур мавжуд. Афсуски, услубий жиҳатдан тўғри ўтказилган барча тадбирлар ҳам тадбир иштирокчиларининг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказа олмайди, демак, улар жиддий ахлоқий мулоҳазаларни уйғота олмайди.

Жамоалардаги тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишда расмиятчилик учун ўтказилаётган тадбирлар сонини имкон борича камайтириш ёки тугатиш керак. Мана шу ҳолатга «Оз бўлсин-у, соз бўлсин», деган мақол жуда мос келади.

Тарбиявий тадбирлар миқдорини ҳам оптимал даражада сақлаш лозим. Бундай тадбирлар ҳаддан ташқари кўп бўлса, улар бир-бирини такрорлай бошлайди, иштирокчилар қизиқишини сусайтиради, демак, уларнинг самарадорлиги юқори бўлмайди.

Учинчи тамойил. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни самарадорлиги қанча техника, ишчи кучи, хом ашё ишга солингани билан эмас, балки эришилган натижа билан баҳоланади. Тарбия маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмидир. Шунинг учун, уни моддий ишлаб чиқаришнинг баъзи жиҳатлари билан қиёслаш мумкин. Аввало, тарбия технологиясини маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси билан қиёслаш мумкин. Технологиянинг ривожланганлик даражаси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳолатини ифодалайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Худди шундай фикрни маънавий ишлаб чиқариш тўғрисида ва унинг таркибий қисми бўлган тарбия тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Тарбиянинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жамиятнинг маънавий соҳасига татиқ қилиш мазкур жараённинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

Тарбия технологияларини ишлаб чиқишда Ватанга

муҳаббат туйғусини шакллантиришга устуворлик бериш лозим. Ватанга муҳаббатнинг шаклланиши шахсни Ватан тараққиёти йўлида меҳнат қилишга, фидокор бўлишга ундайди.

Тарбия технологиялари бажариши лозим бўлган энг муҳим вазифалардан бири – миллий ғоянинг асосий кўринишларини аҳоли ва ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Демак, тарбия технологиясини ишлаб чиқишдан аввал, тарбиянинг ҳозирги босқичдаги энг муҳим вазифаларини аниқлаб олиш зарур. Бундай технологияларни ишлаб чиқишда асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлардан яна бири тарбия шакллари, усуллари ва амалларини тўғри танлаш ва уларнинг оптимал мутаносиблигини таъминлашдир.

Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундаки, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Улар тарбиянинг йўналиши, самарадорлигини белгилайдиган мажбурий талаблардир. Тарбиянинг умумий тамойиллари унинг йўналишлари, илмий асосланганлиги ва амалий аҳамиятини белгилайди. Тарбиянинг технологик тамойиллари тарбия жараёнини ташкил қилиш, шахс онгини фаоллаштирадиган аниқ талаблардир. Умумий ва технологик тамойиллар ўзаро узвий боғлиқ. Умумий тамойиллар устуворлиги технологик тамойиллар аҳамиятини пасайтирмайди. Технологик тамойилларни иккинчи даражали тамойил, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бундан ташқари, технологик тамойиллар тўғри танланиши тарбиянинг умумий тамойиллари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишини таъминлайди.

Тарбиянинг муҳим технологик тамойилларидан бири – тизимлилик тамойилидир. Маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришда аҳамиятсиз нарсанинг ўзи йўқ. Маънавий тарбия таркибига кирувчи тарбия турларидан бирортасининг ролини пасайтириш умумий тарбия жараёни самарадорлигига жиддий салбий таъсир утка-

зиши мумкин. Маънавий тарбиянинг моҳияти жисмоний, руҳий ва ақлий тарбияни дунёқарашни шакллантириш билан уйғун тарзда олиб боришдадир. Ҳар бир шахс мураккаб биосоциал тизим эканлиги шахс ривожланишида тизимлилик талабларига амал қилиш зарурлигидан гувоҳлик беради.

Тарбиядаги тизимлилик тамойили шахс ички маънавий дунёсидаги барча мурватларни ишга солиш зарурлигини кўрсатади. Бу – исбот талаб қилмайдиган қоида. Шу талабга амал қилинганда, шахснинг нафақат онгига, балки онгостига ҳам кучли таъсир ўтказиш мумкин. Маънавий тарбия жараёнини мана шундай бошқаришга эришиш учун шахс маънавиятининг барча ички мурватларини тартиб билан ҳаракатлантириш зарур.

Маънавий тарбия жараёнида асосий назарий масалаларга эътибор бериб, амалий масалаларни эътибордан четда қолдириш ёки бунинг аксича, фақат амалий масалаларга эътибор қаратишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларнинг барабар ечимини топиш учун шароит яратишга интилиш мақсадга мувофиқ.

Маънавий тарбиянинг технологик тамойилларини ўзаро уйғун тарзда қўллаш ижобий натижаларга олиб келади.

«Сезги эффеќти». Бу эффеќт маънавий тарбия жараёнига барча сезги органлари: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш жалб этилганда вужудга келади. Сезги аъзолари ташқи дунёнинг шахс ички дунёсига кириш йўллариدير.

Сезги эффеќтига эришишга тарбиянинг бутун тизими эҳтиёж сезади. Бу эффеќт шахсга ўтказилаётган тарбиявий таъсир учун шахснинг очиклигини тақозо этади. Мазкур эффеќтга эришишда одамларнинг индивидуал психологик хусусиятлари: темперамент, дид, одатлар, тафаккур стереотипларини, шунингдек, ёши, ҳаётий ва касбий тажрибаси, ижтимоий муҳити кабиларни билиш улкан аҳамиятга эга.

«Таассурот эффекти». Мазкур психик ҳодисанинг таркибига эмоционал бўёқлар билан бойитилган идрок иради. Ҳис-туйғулар устувор бўлгани сабабли, мазкур жараёнда билиш иккинчи планга ўтади. Таассурот «сезги эффекти»ни шахс фаолиятининг юқори поғонасига кўтаради ва хулқ-атвор мотивлари шаклланишига таъсир ўтказади.

Тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда тарбиячи олдида таассурот эффектидан мақсадга йўналтирилган ҳолда турли тарзда фойдаланиш муаммоси туради. Масалан, ўқитувчи фаолиятида мазкур эффектга дидактик, психологик, нотиклик амалларининг мураккаб тизимидан самарали фойдаланиш оқибатида эришилади. Бу жараёнда қайси омиллар муҳим роль ўйнашини аниқлаб олиш зарур. Бундай омиллар жумласига, аввало, ўқитувчи шахсини киритиш лозим. Ўқитувчи биринчи мулоқотдаёқ ўқувчи ва тарбияланувчиларни ўзига жалб этиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам у ўзининг ўқувчилар тасавуридаги тимсолини такомиллаштириш йўлида мунтазам иш олиб бориши керак. Бунда унинг мимикаси, ҳаракатлари, кийими, овозини такомиллаштиришга ҳаракат қилиши талаб этилади. Юқори синф ўқувчиларига ўқитувчининг фикрлаш мантиқи жуда кучли таъсир ўтказади. Ўқитувчининг дарс жараёнида қизиқ фактлар, ишонарли далиллар келтириши ўқувчиларда унинг ижобий тимсоли шаклланишига сезиларли таъсир ўтказади.

Ватанпарварлик тарбияси

Еш авлодда ватанпарварлик ҳиссини, мамлакат ва халқ манфаатларига садоқат, фаол фуқаролик мавқеини шакллантириш нафақат шахсий, маърифий аҳамиятга, балки умумдавлат аҳамиятига молик ҳодисадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да

Ватанга муҳаббат руҳини шакллантириш таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ватанпарварлик тарбияси халқнинг маънавиятини янада соғломлаштириш, ижтимоий онг, шахснинг ахлоқий, ҳуқуқий маданияти ҳамда миллий ўзлигини англашни юксалтиришга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим.

Ҳозирги кунда ватанпарварлик тарбияси, бир томондан, шахс учун ўзини ривожлантириш, индивидуаллигини сақлаб қолиш, иккинчи томондан, давлат ва жамият учун барча ёшлар онгли фуқаролар бўлиб етиштириш учун заруратдир.

Ватанпарварлик тарбияси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ягона сиёсий халқ сифатида шаклланиши учун хизмат қилиши унинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Кўп миллатлилик шароитида ватанпарварлик Ўзбекистоннинг мустақиллиги, яхлитлиги, халқаро майдонда юксак обрўга эга бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларни миллий тикланиш, мустақил ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти қуриш ва ривожлантириш йўлида бирлаштириш ватанпарварлик тарбиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мустақил мамлакатимизда ватанпарварлик тарбияси мазмуни ва технологияларини янгилаш, ёш авлодда инсонпарварлик қадриятларини шакллантириш учун шарт-шароит тўла яратилди. Мустақиллик шароитида ватанпарварлик тарбиясининг мазмун-моҳияти чуқурлашди ва кенгайди. Айни пайтда, ватанпарварлик тарбияси субъектларининг миқдори ўсди, уларнинг фаолиятидаги уйғунлик кучайди.

Авваллари, ватанпарварлик тарбияси билан мактаб, оила шуғулланган бўлса, эндиликда улар қаторига фуқаролик жамияти институтлари қўшилди. Собиқ Шўро-

лар тузуми шароитида ватанпарварлик тарбияси ком-фирқанинг кўрсатмалари асосида олиб борилган бўлса, андиликда бу тарбия халқ анъаналари, халқ ва жаҳон педагогикаси ҳамда психологиясининг ютуқларига асосланиб олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг моҳияти ҳам шундаки, у бутун халқ ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан тўла манфаатдор. Шунинг учун ҳам, таълим тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлар учун аҳоли ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ижтимоий буюртма вужудга келди.

Ватанпарварлик тарбияси жараёнида пайдо бўлган энг муҳим янгиликлардан бири шуки, ўсиб келаётган ёш авлод мустақил Ўзбекистон ҳаётига кириб бормоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 23 йил тўлмоқда. Ўтган давр ичида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳада қўлга киритилган улкан ютуқлар ёшларда келажакка ишонч, Ватан тараққиётидан ғурурланиш ҳис-туйғуларини шакллантирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш учун қулай шарт-шароит яратади.

Ватанпарварлик ва ватанпарварлик тарбияси муайян тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳар бир даврда бу ҳодисаларнинг мазмуни ва йўналиши ўзгаради, шунга мос равишда уларни амалга ошириш мурватлари ва технологиялари ҳам ўзгариб боради. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида давлат ёшлардан садоқат ва фидоийликни талаб қилган бўлса, демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ватанпарварлик тарбияси фуқаролик йўналишида олиб борилади. Ватанпарвар фуқаро фақат давлатга садоқат эмас, халққа, Ватанга садоқат руҳида тарбияланади. У давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари шаклланиши ҳамда фаолият юритишида иштирок этиб, мустақилликни мустаҳкамлайди, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун ҳаракат қилади.

Демократик тузум шароитида давлат ўзи ҳам аҳоли ва ёшлар эҳтиёжини қондириш, ўзларини намоён қилишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилади. Бош қача айтганда, тоталитар тузум шароитида муҳаббат ва садоқат бир томон – аҳоли ва ёшлардан талаб қилинган бўлса, демократик давлатда муҳаббат ҳам, садоқат ҳам ҳар икки томондан кўрсатилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин, аҳоли ва ёшлар ўз тақдирини Ватан тақдири билан уйғунликда тасаввур қилишлари учун имконият вужудга келди.

Ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда аҳоли турли қатламларининг ўзига хос маданий, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бунда ўрта ва кекса авлод вакилларида ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда уларни эски тузум сарқитлари, қуллик психологиясидан озод қилиш вазифалари кўзда тутилса, ёшларни тарбиялашда мустақилликнинг энг олий қадриятлардан бири экани, уни қўлга киритишдаги қийинчиликларни тушунтириш, мустақилликнинг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарварлик кўп қиррали, мураккаб ҳодиса бўлиб, шахсий ва ижтимоий ҳаёт тарзининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Алоҳида шахс учун ватанпарварлик устувор инсоний хусусият бўлиб, унинг ахлоқий идеаллари ва қадриятлари, кундалик хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Ватанпарварлик фақат экстремал ҳолатлар ва уруш шароитидагина намоён бўлмайди, балки шахснинг кундалик ҳаётида ўз мажбурият ва вазифаларига муносабатида ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун айтиш мумкинки, ватанпарварликнинг субъекти — шахснинг ўзи. Ватанпарварлик унинг ижодий меҳнатида, Ватанга муҳаббати ва садоқатида намоён бўлади ҳамда ривожланади.

Ватанпарварлик онгли фуқаролик мавқеи бўлиб, шахс

нинг ижтимоий хулқ-атворида намоён бўлади. Ватанпарварлик муайян мезонларга ҳам эга. Бундай мезон Ватанга муҳаббат, садоқат руҳига беминнат хизмат қилиш, унинг демократик тараққиёт йўлидан огишмай ривожланиши, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун фаол ҳаракат қилишда намоён бўлади.

Ватаннинг мустақиллиги, хавфсизлигига таҳдид турилганда, унинг ҳимоясига отланиш, давлат ва жамият манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиш ҳам ватанпарварликнинг намоён бўлиш шаклларидир.

Жамият даражасида олиб қаралса, ватанпарварлик ижтимоий онгнинг алоҳида таркибий қисми бўлиб, у ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг халққа, унинг турмуш тарзи, миллий қадриятлари, қаҳрамонона ўтмиши, бугунги тараққиётига муносабатида намоён бўлади. Ватанпарварлик мамлакатнинг нафақат боғу роғлари, табиий бойликлари ва гўзал гўшаларига, балки чўлу саҳролари, тоғу тошлари ва дашту биёбонларига муносабатида ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун маънавий тарбия ёшларни нафақат мамлакатнинг бойликлари, балки дашту биёбонларига ҳам муҳаббат руҳида тарбиялашни тақозо этади. Гўзал жойларни, бойликларни ҳамма ҳам севади, чўлу биёбон ва дашту саҳроларни эса, Ватаннинг бир парчаси сифатида ҳис қиладиган ватанпарваргина севиши мумкин.

Мамлакатимиз чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни бошдан кечираётган ҳозирги даврда ватанпарварлик тарбияси олдига муайян талаблар қўйилади. Ватанпарварлик шахснинг маънавий-руҳий сифатигина эмас, у амалиётда ҳам ўзини намоён қилиши керак. Ватанпарвар деганда, фақат Ватан тўғрисида чиройли маъруза қиладиган, шеърлар ўқийдиган одамнигина эмас, сўзларини амалда тасдиқлайдиган шахс тушунилиши лозим. У мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал қилишга, мамлакатни ривожлантириш йўлида пайдо бўлиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга

тайёр туриши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан мустақкам боғлайдиган шахс бўлиши лозим. Ҳақиқий ватанпарвар мустақиллик ва таракқиёт ўзидан-ўзи вужудга келмаслиги, уларга эришиш учун курашиш лозимлигини англаши керак.

Ватанпарварликнинг ижтимоий ва индивидуал онгдаги ўрнини етарли баҳолай олмаслик, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, маънавий негизларининг заифлашишига олиб келади. Худди шу ҳолат ватанпарварлик тарбиясининг маънавий тизим таркибида тутган муҳим ўрнини белгилайди. Ҳақиқий ватанпарвар шахс мамлакат ҳаётида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш, муаммоларни ҳал қилиш учун кураш олиб боради.

Ватанпарварлик тарбиясининг мақсади Ўзбекистонни мустақил, демократик ҳуқуқий, ижтимоий давлат сифатида ривожлантириш учун фидойилик кўрсатишга тайёр турадиган, унинг хавфсизлигини таъминлаш учун кураш олиб бора оладиган ватанпарвар фуқарони тарбиялашдир.

Ватанпарвар шахснинг ахлоқий сифатлари – меҳнатсеварлик, адолат, яхшилик, ҳалолликка интилиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан иборат. Айни пайтда, ватанпарвар шахс ахлоқсизлик, ҳуқуқбузарлик, шовинизм, диний ва сиёсий ақидапарастлик, оммавий маданият сингари ҳодисаларнинг салбий оқибатларига қарши кураша оладиган шахс бўлиши лозим.

Ватанпарварлик тарбияси халқнинг тарихи ва маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини яхши билиши тақозо этилади. Айнан шу ҳодисалар халқнинг бирлиги ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлайди.

Ватанпарварлик тарбияси оилада, таълим тизимида, болалар ва ёшлар бирлашмаларида амалга оширилади. Таълим тизимида ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда ижтимоий гуманитар фанлар: тарих, география, табиатшунослик, жамиятшунослик, адабиёт фанлари алоҳида ўрин тутди. Ватанпарварлик тарбия

сининг методлари ва шакллари орасида фаол усуллар устувор аҳамиятга эга. Чунки улар тарбиянинг субъекти ва объекти ўртасидаги ўзаро таъсирни демократик усулда олиб борилиши, ҳақиқатни мустақил излаб топишга интилиш, танқидий тафаккур, ташаббускорлик ва ижодни ривожлантиришга хизмат қилади. Ана шундай усуллар жумласига ролли ўйинлар, социограмма, ижтимоий-психологик тренинглар, “Ақлий ҳужум”, ахлоқий характерга эга бўлган ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш, низолар, хулқ-атвор моделлари, усулларини таҳлил қилиш, жамоавий ижодий фаолият методикаси кабиларни киритиш мумкин. Булардан ташқари, суҳбат, мунозара, маъруза, семинар сингари анъанавий усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантирувчи тарбия шакллари ва усуллари ватанпарварликнинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларини шакллантиришга хизмат қилади. Булар ёрдамида мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, саволлар бериш, саволларга мустақил жавоб излаш, муаммога танқидий ёндаша билиш, мустақил хулосалар чиқариш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, янги ижтимоий вазиятларга кўникиш, ўзининг ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлиги кўп ҳолатдан унда фуқаролик жамияти институтларининг юқори даражада иштирок этишига боғлиқ бўлади. Ватанпарварлик тарбиясининг вазифалари ҳаётий ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, ёшларда ҳаётий муаммоларни самарали ҳал қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилсагина кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Меҳнат тарбияси ва маънавият

Меҳнат тарбияси серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, унинг фақат асосий жиҳатларини очиб бериш учунгина бир эмас, бир неча китоб ҳам етмайди. Шуни англаган ҳолда биз тарбиянинг мазкур йўналиши моҳияти, мазмуни, усул ва шакллари эмас, унинг фақатгина маънавиятнинг шаклланишида тутган ўрни ва ролини, шунда ҳам умумий чизгилар шаклида ёритишга ҳаракат қилдик.

Меҳнат тарбиясининг негизини меҳнатсеварликни шакллантириш ташкил қилади. Бу сифат шахс ривожланишида шундай муҳим аҳамиятга эгаки, у шахс маънавий дунёсининг устунларидан бирига айланади. Меҳнатсеварлик хусусиятига эга бўлмаган ва меҳнат қилишни хоҳламайдиган шахс ўзи хоҳлабми-хоҳламайми бош қаларнинг меҳнати эвазига кун кечиради.

Меҳнатсеварликни шакллантириш учун шахс ривожланишини шундай ташкил қилиш керакки, унинг ўзи меҳнат фаолиятини англаб етсин, ўзининг меҳнати натижаларини кўрсин, иккинчи томондан, унинг меҳнатсеварлиги, меҳнатга интилиши, ўзи аъзо бўлган гуруҳ томонидан ва умуман, жамият томонидан ижобий баҳолансин ва рағбатлантирилсин. Моҳиятига кўра, ижтимоий мавжудот бўлган субъект ўз меҳнати натижаларини ўзгалар томонидан ижобий баҳоланиши ва эътироф этилишига эҳтиёж сезади. Шахс меҳнати эътироф этилмаса, унинг натижаларига бефарқ қаралса, шахсининг меҳнат мотивацияси пасайиб кетади, меҳнатта бефарқ, расмиятчилик муносабати пайдо бўлади. Шахс ўз тараққиётида юқори натижаларга эришиши учун унинг мотивацияси кучли ҳолатда бўлиши лозим.

Шахснинг муҳим сифатларидан бўлган меҳнатсеварлик ва унинг негизидан намоён бўладиган меҳнат фаолиги шахснинг атрофидаги муҳит ва гуруҳлар томонидан турлича баҳоланади. Бунда меҳнатсеварлик руҳий

жиҳатдан шахслараро муносабатларнинг кўриниши бўлиб, у субъектнинг масъулият ҳисси билан узвий боғлиқ бўлади. Одатда, меҳнатсевар кишилар гуруҳ олдида турган вазифаларни бажаришга ўзларининг қўшган ҳиссаларини рўйи-рост, баъзан эса, камтарона камайтириб баҳолашади. Меҳнатга салбий муносабатда бўлган шахслар эса, ўзларининг қўшган ҳиссаларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Шу ўринда меҳнатсеварлик хусусиятининг шахс тузилмасидаги камтарлик, мақтанчоқлик, кибру ҳаво, манмансираш каби сифатлар шаклланишига қандай таъсир ўтказиши кўзга ташланади.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан юқори даражада ривожланган гуруҳларда шахс меҳнатсеварлигининг намоён бўлиши одатий ижобий фаоллик сифатида баҳоланади. Ривожланиш даражаси қуйи бўлган гуруҳларда эса, меҳнат фаоллиги меъёрдан ортиқ ва кўпинча, салбий ҳодиса сифатида баҳоланади. Бундай ҳолларда шахснинг меҳнатсеварлигини ноўрин мотивлар, яъни “ўзини раҳбарлар олдида кўрсатмоқчи”, “ватанпарварлигини намойиш қилмоқчи” каби мотивлар билан пастга уришга ҳаракат қилишади.

Психология фанида кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилишича, шахснинг меҳнатга муносабати, асосан, 12 ёшгача шаклланади. 6–12 ёшларда бола турли ўйинлар орқали реал маҳсулотлар яратиш йўлида катталар оламига кириб боради. Мазкур эҳтиёж маданияти ривожланган мамлакатларда мактаб таълими орқали ривожлантирилади. Айни шу даврга келиб, боланинг ижодий тасаввурлари шаклланган бўлиб, у ўзининг ижодий тасаввури ёрдамида турли буюм ва предметлар ясашга, катталарнинг муайян талабларини бажаришга ҳаракат қилади. Айни шу ёшда боланинг режалаштириш, турли қурилмалар тузишга бўлган хоҳиш-истаклари тўлароқ намоён бўлади.

Худди шу даврда болада меҳнатга бўлган ижобий

муносабат, асосан, шаклланган бўлиши лозим. Мазкур муносабатнинг шаклланишига муайян мактаб, муайян синф, ҳатто, муайян ўқитувчи турлича таъсир ўтказиши мумкин. Бунда боланинг атрофидаги дўстлари, яъни референт гуруҳ меҳнатга қандай муносабатда бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Боланинг меҳнатга муносабатининг шаклланишида икки хил омил салбий роль ўйнайди. Улардан биринчиси, бошланғич синф ўқувчиларида масъулият ҳиссини шакллантириш мақсадида ўзини ўзи чеклаш қатъий талаб этилади. Бундай муносабат “Сенга катталар нима деса, шуни қил” қабилидаги талаблар қўйилишида намоён бўлади. Бундай ёндашувда боланинг ёш хусусиятларидан келиб чиқадиган истаклари эътиборга олинмайди. Бу эса, болада меҳнатга нисбатан салбий муносабатни шакллантириши мумкин. Иккинчи ёндашув, мазкур ёшдаги болалар ҳар бир нарсани ўйин орқали ўрганишини мутлақлаштириб, “Нимани хоҳласанг, шуни қил” шаклида намоён бўлади. Биринчи ёндашув болани қатъий мажбуриятларни бажаришга тобе қилиб қўяди. Бунда унинг бурчга бўлган ижобий муносабати шаклланиши мумкин, шу билан бирга, у ўзини чеклашга қатъий ўрганиб қолиши, бунинг оқибатида, ўз ҳаёти ва яқинларининг ҳаётини қатъий чегаралаш туфайли ноқулайликлар, қийинчиликлар ва бахтсизликка гирифтор қилиши ҳам мумкин. Бундай тарбияни кўрган одамлар ўз фарзандларини қатъий чекловлар туфайли ўйинга, ўйин орқали ўрганишга бўлган эҳтиёжини синдириши мумкин. Иккинчи ёндашув изчил давом эттирилса, у ҳам бола ривожининг бир ёклама бўлишига олиб келади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида баъзи оилаларда моддий бойлик орттиришга интилиш кучайгани туфайли, болаларни ҳам меҳнат жараёнига эртaroқ тортиш, бунда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олмаслик ҳоллари учраб туради. Бундай оилаларда бола-

нинг мактабга қатнаши, уй вазифаларини бажаришига чекловлар қўйилиши мумкин. Бунда ота-она ўз тасаввурида болани меҳнатга ўргатмоқчи бўлади, лекин меҳнат самарали бўлиши учун бола таянч билимларга эга бўлиши зарурий ҳол экани эътиборга олинмайди.

Иккинчи тур оилаларда эса, бола оиладаги ҳар қандай меҳнатдан озод қилиниб, мусиқага, рассомлик, репетиторларга қатнашга мажбур қилинади. Бундай ота-оналар боланинг билим олиши учун уни барча меҳнат турларидан озод этишга ҳаракат қилишади. Ҳар икки ёндашувнинг, албатта, ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд, лекин бир томонлама ривожланган боланинг меҳнати самарали бўлиши қийин кечади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида баъзи мактабларнинг педагогик жамоаси, асосан, хотин-қизлардан иборат бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, оилаларда ҳам боланинг ўқиши, уй вазифалари бажарилишини назорат қилиш аёллар зиммасида. Бундай вазиятда болаларда “билим олиш аёлларнинг, қизларнинг иши”, деган нотўғри тасаввурлар пайдо бўлиши ҳам кузатилмоқда.

Меҳнат тарбияси самарали бўлиши учун оила ва мактаб ҳамкорлиги жуда зарур. Бунда ҳар икки томон ҳам ўз эътиборини болада “менинг ким эканлигим қандай меҳнат қилишимда намоён бўлади”, деган тасаввурни шакллантиришга қаратиши лозим.

Оилада ва мактабда меҳнат тарбияси маънавий тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Мактабда барча вазифаларни, жумладан, меҳнат қилиш бўйича берилган топшириқларни сидқидилдан бажарган ўқувчи мактабни тугатгандан кейин ҳам меҳнатга ана шундай муносабатда бўлади, деган тасаввурлар ҳам учраб туради. Лекин амалиёт, мактабда ҳамма топшириқларни бажарган ўқувчи ҳаётга маънавий жиҳатдан тайёрланмаган бўлиши ҳам мумкинлигини кўрсатмоқда.

Мактабда болага билимлар тўла ҳажмда берилса-ю, лекин у меҳнатга тайёрланмаса, мактабни битиргандан кейин оддий касбларда меҳнат қилиш унга фожиадай туюлиши мумкин. Бундай ҳолатга мактабдаги имтиҳонларни муваффақиятли топширган, лекин меҳнатга маънавий жиҳатдан тайёрланмаган болалар дуч келади.

Меҳнатга муносабат шахс маънавий ҳаётининг энг муҳим элементларидан биридир. Одамлар орасида меҳнатсеварлик меҳнат жараёнида шаклланади, деган қараш мавжуд. Бундай фикрга қўшилиш қийин. Меҳнатсеварлик шахс маънавий қиёфасининг элементи сифатида, аввало, маънавий ҳаёт, яъни интеллектуал ва эмоционал ҳаёт жараёнида шаклланади. Меҳнатсевар бўлиш учун тегишли билимлардан ташқари, тегишли идеалга, тегишли ҳис-туйғуга, тегишли иродага ҳам эга бўлиш лозим. Яхши фикр юрита олмайдиган, яхши ҳис-туйғуларга эга бўлмаган одам меҳнатсевар бўла олмайди. Инсоннинг билимлари, ҳис-туйғулари қанчалик бой бўлса, унда турли меҳнат турларини бажаришга мойиллик ҳам шунчалик ривожланган бўлади.

Меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти унинг шахс маънавий ҳаётида қандай акс этаётгани билан ўлчанади.

Меҳнат тарбияси самарадор бўлишини таъминлайдиган омиллардан яна бири ақлий ва жисмоний меҳнатнинг узвийлигини таъминлашдир. Ақлий ва жисмоний меҳнатни уйғунлаштириш жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатни навбатма-навбат бажаришда эмас, балки жисмоний меҳнатни интеллектуал асосда олиб боришда намоён бўлади.

Эстетик тарбия ва маънавият

Эстетик тарбия тарбиянинг бошқа йўналишлари каби жуда мураккаб ва серқирра жараёндир. Ушбу ўринда унинг маънавият шаклланишидаги аҳамиятини ёритишга умумий бир назар ташлашга ҳаракат қилинди.

Эстетик ва бадий маданият шахс маънавий қиёфасининг энг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Мазкур сифатнинг мавжудлиги ва ривожланганлик даражаси шахснинг интеллектуаллиги, интилиши ва фаолияти ижодий йўналишга эга экани, атрофдаги одамлар ва воқеликка маънавий муносабатларининг мавжудлигини белгилайди.

Эстетик туйғулар шахснинг ахлоқий ва интеллектуал туйғуларини уйғотади. Фан тарихидаги энг машҳур инсонлар фаолиятида эстетик мотивлар қай даражада муҳим роль ўйнагани маълум. Масалан, А.Эйнштейннинг эътироф этишича, унинг ижодида эстетик жиҳатлар роли мантиқий жиҳатларникидан кам бўлмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, нисбийлик назариясининг кашф этилиши олимнинг фақат интеллектуал фаолияти натижаси эмас, балки ундаги эстетик туйғунинг натижаси ҳамдир, дейиш ўринли бўлади.

Инсониятнинг барча фаолият соҳаларининг тараққий этиши, одамларнинг ижодий салоҳияти ва ташаббуслари самарали бўлишини таъминлайдиган омиллар орасида шахснинг эстетик тараққиёти, унинг гузалликни ҳис қилиши ва гузаллик қонунлари асосида фаолият юрита олиши муҳим ўрин тутади.

Ўтиш даврида эстетик маданият ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланади, чунки у инсонни юқори даражада фаоллик кўрсатиш, унинг маънавий салоҳиятини тараққиётга йўналтириш хусусиятига эга. Ҳозирги кунда мамлакатимиз айнан ана шундай даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги ва мустаҳкамлиги, жумладан, жамиятимизнинг эстетик салоҳияти билан таъминланмоқда. Айнан мана шу ҳолат ҳам шахснинг эстетик ва бадий маданиятини шакллантириш муаммосининг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимиз аҳолиси ва айниқса, ёшларга четдан

Ўтказилаётган маънавий таъсир ва таҳдидлар, хусусан, “оммавий маданият”нинг инсон маънавиятини тубанлаштирувчи таъсирига қарши кураш масаласи ҳам, айнан эстетик ва бадий тарбиянинг муҳимлигини таъкидлайди. Эстетик тарбияга етарли эътибор бермаслик, ҳозирги кунда оммавий маданият ва унинг салбий таъсирлари учун кенг йўл очиб беришни англатади. Бундан ташқари, ислохотлар жараёнида эстетик тарбияга етарли эътибор бермаслик, мазкур соҳанинг инсонларга ўтказадиган таъсирини кескин пасайтиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ислохотлар натижасини ахлоқий-эстетик жиҳатдан ҳам экспертиза қилиш зарурати мавжудлиги сезилмоқда.

Эстетик маданият шахснинг эстетик билимлари, эътиқоди, ҳис-туйғуси ва кўникмаларининг уйғунлиги натижасида вужудга келади. Мазкур таркибий қисмларнинг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан уйғун бўлиши шахснинг жамият эстетик маданиятини қай даражада ўзлаштиргани ва айна пайтда, унинг ижодий салоҳиятини намойиш этади.

Шахс эстетик маданиятининг шаклланиши босқич-ма-босқич, демографик, ижтимоий ҳамда ижтимоий-психологик омилларнинг таъсири остида юз берадиган жараёндир. Эстетик тарбиянинг муваффақиятли амалга оширилиши учун зарур шарт-шароит таъминлангандагина шахснинг эстетик маданиятини ташкил этадиган барча компонентларни муваффақиятли шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Шахснинг эстетик маданияти фақат адабиёт ва санъат асарларини ўрганиш ва яратишда эмас, балки маиший турмушда, ижтимоий-сиёсий, илмий фаолиятда, дам олиш ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам намоён бўлади.

Шахс эстетик маданиятининг устувор ва ўзига хос жиҳатларидан бири унинг бадий маданияти ҳисобланади. Мазкур маданият бадий билимлар, адабиёт ва

санъат соҳасидаги қизиқиш ва интилишлар, уларни теран ҳис қилиш ва бадиий асарлар хусусиятини тўғри баҳолай олиш лаёқатида намоён бўлади.

Шахс эстетик маданиятининг муҳим хусусиятлари унинг бадиий эстетик дидида ҳам намоён бўлади. Эстетик дид адабиёт ва санъатга ошнолик жараёнида шаклланади ва ривожланади. Бадиий-эстетик дид фақатгина санъат асарларини эстетик жиҳатдан баҳолашдангина иборат эмас. У бадиий объектларни идрок қилишда рўй берадиган эмоционал ҳиссий кечинмаларда тўла намоён бўлади. Ана шу кечинмалар санъат асарларининг маънавий бойлиги ва теранлиги шахс маънавияти тўзилмасига кириб бориши, уни ҳар томонлама бойитиши, айти пайтда, унинг ўз ҳаёти мазмунини чуқурроқ англашини таъминлайди.

Эстетик ҳис-туйғулар санъат асарларининг бадиий қийматини ифодаладиган кўрсаткич ҳам ҳисобланади. Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бадиий-эстетик дид шахснинг санъат асарларини бевосита идрок қила олиш, уларнинг мазмуни ва шакли билан боғлиқ жиҳатларини, эмоционал-ҳиссий кечинмаларни ҳис қилиш ва охир-оқибат уларни тўғри баҳолаш сифатида намоён бўлади. Айти пайтда, шахс маънавий маданиятининг намоён бўлишини фақат санъат асарлари доираси билан чеклаб қўйиш ноўрин бўлади. Чунки, бадиий асарлардан ташқари, моддий ишлаб чиқариш, маиший турмуш ҳам бадиий-эстетик жиҳатларга эга. Шундай қилиб, шахснинг эстетик маданияти унинг моддий соҳадаги фаолияти, меҳнат амалиётини ташкил қилишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Унинг ижодга, иратилмаётган меҳнат маҳсулига бадиий-образли ифодалиқни киритишида, ўзининг бадиий хусусиятлари билан гунал санъат асарларидан қолишмайдиган маҳсулотлар иратишида улкан роль ўйнайди. Ҳозирги кунда оддий меҳнатқошлар ҳам ўз маҳорати, бадиий-эстетик туйғуси ёрдамида шундай ажойиб натижаларга

эришмоқдаки, уларни гўзаллик қонуниятлари асосида яратилган маҳсулот, деб баҳолаш мумкин.

Шах ва жамият ҳаётида ана шундай муҳим роль ўйнайдиган эстетик маданият объектив ва субъектив, табиий ва ижтимоий, ички ва ташқи, стихияли ёки онгли тарзда юз берадиган ҳодисалар таъсирида шаклланади.

Шу сабаб мамлакатимиз таълим тизими, оила, маҳалла сингари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг энг муҳим қирраларидан бири ёшларни тарбиялаш, жумладан, уларга эстетик тарбия бериш ҳисобланади. Эстетик тарбиянинг асосий мақсади шахснинг эстетик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришдир. Эстетик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг мақсади инсон фаолиятининг турли соҳаларида ва айниқса санъатда намоён бўладиган гўзаллик қонуниятларини инсон онгига сингдириш, унда санъат ва воқеликдаги гўзалликни ҳис қила олиш қобилиятини шакллантиришдир. Бу жараён ёшларни санъат асарлари билан имкон борича кенгроқ таништириш ва уларни бадий-эстетик ижод соҳасига янада жалб қилишдан иборат.

Баъзиларда эстетик тарбия гуманитар фанлар жараёнида амалга оширилади, деган тасаввур мавжудки, уни тўғри, деб баҳолаш қийин. Бундай тасаввурнинг нотўғрилиги шундаки, таълим жараёнидаги барча фанлар эстетик жиҳатларга эга. Масалан, баъзи ўқитувчиларнинг тасаввурига кўра, гўзалликка унчалик алоқаси йўқ, деб ҳисобланадиган математика фани ҳам гўзаллик ва унинг қонуниятларига бевосита алоқадор.

Математикада “Симметрия” деган мавзу бор. Бу мавзуни ўрганиш унинг амалий аҳамияти мавжудлигини кўрсатишдан бошланади. Симметрия турли нақш ва орнаментларда, идиш-товоқлар, бинолар ва бошқа предметларнинг шаклида намоён бўлади. Бошқача айтганда, барча предмет ва қурилмаларнинг гўзаллиги асосида математика фанида ўрганиладиган симметрия ётади.

Эстетика тили билан айтганда, барча гўзал нарса-ҳодисалар гўзалликнинг математик қонуни — симметрия қонуни асосида яратилган.

Математик формулалар назокати, спортсмен югуришидаги енгиллик, самолётнинг тузилишидаги гармония, математика, физика, химия каби фанлардаги масалаларни ечишдаги нозиклик — буларнинг бари гўзалликнинг намоён бўлишидир.

Эстетик тарбиянинг самарали бўлишига сезиларли таъсир ўтказувчи омиллардан бири таълим муассасаси ва оиладаги муҳитдир. Гўзалликни ҳис қилишга олиб борадиган йўл ёшларнинг атрофини ўраб турган муҳитдан салбий, бачкана нарса-ҳодисаларни тозалаш ва бартараф этишдир. Шахс эстетик маданиятининг даражаси унинг индивидуал ривожини, эстетик эҳтиёжлари, диди ва қизиқишлари билан боғлиқ равишда кечади. Воқеликка эстетик муносабатнинг шаклланиши шахс маънавий маданиятининг ривожланишига кучли таъсир ўтказади.

III боб. Маънавий камолот ва уни ташхислаш

Маънавий камолот даражалари

Маънавий камолот даражаларининг асосий кўрсаткичи уларнинг маънавий идеалга қай даражада мослигидадир. Айнан мана шу кўрсаткич комиллик даражаларини ифодалайди ва маънавият такомиллашувини таъминлайди.

“Идеал” сўзи юнонча “идеа” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига “тимсол”, “ғоя” деб таржима қилиниши мумкин. Идеал бирор нарса-ҳодисанинг комиллиги тимсолидир. Одатда, идеал деб, олий қадриятни у ёки бу нарса-ҳодисанинг мукамаллигини, шахсий сифат ва қобилиятларнинг энг юқори даражасини аташади. Шахс идеали мазкур шахс тимсолининг олий меъёридир. Аксиологик идеал — нарса-ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурларнинг олий даражаси. “Ахлоқий идеал” тушунчаси одамлар орасидаги муносабатларнинг мукамаллигини ифодалайди.

Идеалга барча одамлар эҳтиёж сезади. Барча ўз ҳаёти жараёнида идеалларга асосланиб иш тутади. Бироқ, одамлар ҳамма вақт ҳам ўз идеаллари асосида иш тутаетганини англашмайди.

Бизнинг ташқи кўринишимиз қандай бўлиши, уйимиз қандай кўринишга эга бўлиши, биз қандай маълумот олишга интилишимиз, биз атрофдагиларнинг ўзимизга қандай муносабатда бўлишини исташимиз, мамлакатимизда қандай жамият қарор топишига интилишимиз — буларнинг барчаси идеалнинг кўринишларидан қисқа бир намуна, холос.

Барча одамлар ўзлари билиб-билмай идеалга интилишади. Лекин улар идеалга турли даражада яқинлашади. Идеалга яқинлашиш даражаларини бир неча 5 босқичга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1-босқич. Бу босқичдаги одамлар идеал тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Улар ўзлари нимага интилаётгани, нима учун интилаётганини ҳали тўла англамайди. Мазкур босқичда турган шахсларнинг баъзилари идеал тўғрисида гапириши ҳам мумкин. Лекин, ўзи идеални ҳали тўла тушунмайди. Бу босқичда, одатда, болалар, ўсмирлар туришади. Катта ёшлилар орасида ҳам биринчи босқичдан юқори кўтарила олмаганларни учратиш мумкин. Бундай одамлар ҳаёт мазмуни, қадриятлар тўғрисида ўйламайдиган, ҳаётини бошқаларга тақлид қилиш билан ўтказадиган одамлардир. “Бу босқични шартли равишда” идеални излаш босқичи деб аташ мумкин. Шартли деб аташнинг сабаби шундаки, бу босқичдагиларнинг кўпчилиги идеални излаш билан машғул. Лекин бу босқичдаги баъзи одамлар идеални излашмайди ва бу ҳақда ўйламайди ҳам.

2-босқич. Биринчи босқичдагилардан фарқли равишда 2-босқичга кўтарилганлар идеални топган бўлади. Улар ҳеч бўлмаганда идеал тўғрисида муайян тушунчга эга бўлади. Бу босқичга кўтарилганлар ўз идеалларини, асосан, белгиллаган бўлишса ҳам, уларга ҳали тўла ишонишмайди. Мазкур босқичдагилар бир нечта идеал ўртасида иккиланиб туришади. Мабодо, уларда идеалга ишонч пайдо бўлса ҳам, бу ишонч ҳали заиф, бўлади.

3-босқич. Бу босқичга кўтарилганлар — идеални топган, унга ишонувчи ва хизмат қилувчи шахслар. Бундай одамлар ўз идеалига ишонишдан ташқари, унга интилади ҳам. Адабиёт ва санъат асарларидаги ижобий қаҳрамонларнинг кўпчилиги мана шу босқичга кўтарилган шахслардир. Бундай шахсларнинг муаммоларидан бири шундаки, улар ўз идеалини топган, ишонган ва

унга хизмат қилаётган бўлишига қарамай, улар янги идеалларни ярата олмайди.

4-босқич. Ушбу босқичга кўтарилганлар ўз идеалини топган, унга ишониш ва хизмат қилишдан ташқари, бу идеални бошқаларга етказишга ҳам интилишади.

5-босқич. Мазкур босқич маънавий камолотнинг энг юқори босқичи бўлиб, унга эришганлар идеални топибгина қолмай, ўзлари ана шундай идеалларни яратишади ҳам. Ана шундай комил шахслар жумласига - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий сингари улкан алломаларни киритиш мумкин. Улар ўз асарларида идеал шахс намуналарини тасвирлашган. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам келгуси авлодлар учун идеал намунаси бўлиб хизмат қилишмоқда.

Маънавий идеаллар ахлоқий қонунлар, ахлоқий тамойиллар ва қадриятларда ўз ифодасини топади. Идеаллар алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилгандан кейин, бу шахсларнинг фаолият мотивларига айланади. Энди, улар шахснинг хулқ-атворини тартибга солиш, бошқариш функциясини бажара бошлайди.

Маънавий мотивлар маънавий эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Улар нафақат маънавий эҳтиёжлар, балки одамларнинг жисмоний эҳтиёжларига ҳам кучли таъсир ўтказади. Масалан, одам тана ҳароратини сақлаш учун бирор матоҳ ёки пўстинга ўралиб юрса кифоя қилади. Лекин ҳеч ким бундай қилмайди, чунки одамларда ташқи кўриниш ва кийимнинг идеал тимсоли мавжуд. Улар ўз фаолиятида ана шу идеалга интилишади. Энди уларга бадандаги ҳароратни ушлаб турадиган ҳар қандай матоҳ эмас, муайян кўринишга, тасвирларга, бичимга эга бўлган кийим керак.

Шахснинг эҳтиёжлари хулқ-атвор режасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тузилган режалар ҳаракат дастурига айланади. Маънавий идеаллар асосида

тузилган режалар одамларни яхшилик томон етаклайди. Режалар сохта кадриятлар ва сохта идеаллар асосида тузилган бўлса, шахсда ёмонликка интилиш пайдо бўлади.

Ёшлар маънавий эҳтиёжи шаклланганлигини аниқлаш усуллари

Ёшларда маънавий эҳтиёжлар шаклланганини аниқлаш маънавий тарбия самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида, қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

- 1) ўсмирлар эҳтиёжи хусусиятлари, уларнинг маънавий кадриятлар туғрисидаги тасаввурлари, маънавий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи бўлган ўзини ўзи тарбиялаш ва такомиллаштиришга тайёрлигини аниқлаш;
- 2) ўқув дастурлари ва дарсликларнинг давлат таълим стандартига қай даражада мослигини таҳлил қилиш, бунда ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида ўсмирларнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида мамлакатимиздаги бир қатор мактабларда эмпирик тадқиқотлар ўтказилди. Белгиланган вазифалардан биринчисини амалга оширишда бир қатор ташхис усулларидан фойдаланилди. Бу усулларни танлашда ўсмирларда маънавий эҳтиёжлар шаклланганлиги кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Ташхислаш усуллари 3 гуруҳдан иборат: биринчиси – суҳбат, анкета сўрови, иншо ёзиш. Ушбу усулнинг мақсади ўсмирларда маънавиятнинг шаклланганлик даражаси тўлалиги, тизимлилигини аниқлашга қаратилади. Бу усуллар маънавият шаклланишининг когнитив жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

Ташхислаш усулларининг 2-гуруҳи анкета сўрови ҳамда етакчи эҳтиёжларни аниқлаш усулидан иборат

бўлиб, улар ўсмирлардаги баҳолаш қобилияти қай даражада шаклланганини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, улар ўсмирларнинг маънавий эhtiёжлари хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўсмир қадриятлари тизимига кирган ёки кирмаганини аниқлашда ёрдам беради.

Ташхислаш усулларининг учинчи гуруҳи – анкета сўрови, иншо, “Тара Синклер методикасидан” иборат бўлиб, улар ўсмирларнинг ўз билим ва муносабатларини муайян шароитларда қўллаш кўникмаси шаклланганини аниқлашга йўналтирилган.

Ҳар бир усулнинг ўз хусусиятлари мавжуд. Ўсмирнинг маънавият тўғрисидаги билимлари қай даражада тўлиқлиги ва тизимлилигини аниқлашга эришиш учун улардан: “Сизнингча, маънавият нималардан ташкил топади?” деган саволга жавоб бериш сўралади.

Ўсмирлардан яна “Ҳозирги инсонларга маънавият нуқтаи назаридан нима етишмайди: тарбия, ички маданият, ҳалоллик, инсонпарварлик, маълумот, яхшилик,...”, деган саволга жавоб топиш ҳам сўралади.

Ўсмирларга “Ҳозирги маънавият” мавзуйда иншо ёзиш топширилиши ҳам мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, баъзи ўсмирлар маънавият – бу инсоннинг виждони, руҳий ҳолати ёки ички дунёси деб таъриф беришади. Ўсмирларнинг кўпчилиги бу – тушунчага таъриф беришда қийналишади. Маънавият бу – ахлоқ, маданият ёки инсонпарварлик, деган жавоблар кўпроқ учрайди.

Ўсмирларнинг озчилиги бу тушунчани маънан ривожланган шахсга хос бўлган ҳалоллик, инсонийлик, яхшилик каби тушунчалар билан боғлашади.

Ўтказилган тажрибалар жараёнида аксарият ўсмирлар бу тушунчани тўғри баҳолай олмаслиги маълум бўлди. Бундай ҳолнинг сабаблари бир нечта. Шунлардан бири – дарсликларда маънавиятни тушунтиришда маърифий ёндашувлар устувор бўлиб, “Маъ-

навият” фанини ўқитишда уни бошқа фанлардан фарқли хусусиятлари етарли даражада ҳисобга олинмаганида. Математика, физика, ботаника, биология каби аниқ ва табиий фанларни ўқитишда маърифий ёндашув, яъни ўқувчиларга билим бериш билан чекланиш мумкин. “Миллий ғоя”, “Маънавият асослари” сингари фанларни бошқа аниқ ва табиий фанларни ўқитишдан фарқи шундаки, уларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда тушунчаларни шакллантиришдан ташқари, чуқур эътиқодни шакллантириш ҳам талаб этилади.

Ўтказилган тажрибалар жараёнида ўсмирларда Ҳақиқат, Яхшилик ва Гўзаллик ҳақида муайян тушунчалар борлиги аниқланди. Лекин ўсмирларнинг аксариётида бу тушунчалар ибтидоий ҳолатда бўлиб, уларда тўлалик, изчиллик, тизимлилик етишмайди.

Ташхис усуллари қўллаш жараёнида ўсмирларнинг жавобларига асосланиб уларнинг маънавият ҳақидаги билимларини уч даражага бўлиш мумкин: қуйи, ўрта ва юқори даража. Билимларнинг юқори даражаси маънавият ҳақида тўла ва аниқ тасаввур мавжудлиги, бу тасаввурларда маънавиятнинг барча муҳим белгилари акс этганлигини назарда тутди. Ўрта даража ўсмирлар маънавиятнинг асосий белгилари тўғрисида тасаввурга эгалиги, лекин маънавиятнинг моҳияти у тасаввурларда тўла очилмасганлигини ифодалайди Қуйи даража эса ўсмирларнинг мазкур категория тўғрисидаги тасаввурлари жуда сует экани, уларда бу категориянинг фақат 1-2та белгиси тўғрисида тушунча мавжудлигини ифодалайди.

Ўсмирлардаги маънавият ҳақидаги тасаввурларнинг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бир қатор саволлар берилди. Масалан, *“Сизнинг фикрингизча, шахс бўлиш нимани англатади? Жавоб вариантлари: а) моддий мустақиллик ва фаровонликка эришиш; б) юқори малака ва ҳамкасбларнинг ҳурмати; в) шахснинг юқори интеллектуал салоҳияти; г) ахлоқийлик ва инсонийлик-*

нинг юқори даражаси; д) маънавий жиҳатдан мунтазам такомиллашиб бориш; е) мақсадга эришиш учун интилиш; инсондаги кучли ирода; ж) катта куч ва қувватга эга бўлиш. Бошқа фикрларингиз бўлса қўшиб қўйинг. *Ички маънавий дунё учун энг муҳим нарса нима?* а) шахснинг ўзини намоён қилиши; б) интеллектуал жиҳатнинг ривожланиши; в) ўз маънавий савиясини ошириши (китоб, театр, санъат, спорт ва ҳ.к.); г) ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш (ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, ҳаёт мазмунини излаш); д) шахсий муаммоларни ҳал қилиш (севги, дўстлик, мулоқот ва бошқалар); е) бу масалалар устида ўйлаб кўрмаганман.

Жавобларнинг ҳар бир бандини нолдан бешгача бўлган балл билан баҳолаш топширилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, моддий мустақиллик ва фаровонликка эришиш кўпчилик ўсмирлар томонидан 5 балл билан баҳоланди. “Ўзини ўзи мунтазам такомиллаштириш” вариантыга кўпчилик ўсмирлар 1 балл беришган, интеллектни ривожлантиришга эса 3-4 балл, шахсий муаммоларни ҳал қилиш варианты 4-5 балл билан баҳоланди.

Олинган натижаларга кўра баҳолаш компонентининг шаклланиши 3 даражага бўлинди. Қуйи даража маънавий эҳтиёжларга қизиқишнинг чеклангани билан характерланади. Ўрта даража эса маънавий эҳтиёжлар барқарор эканлиги, лекин уларда тизимлилик етишмаслигини кўрсатди. Юқори даража эса маънавий эҳтиёжлар барқарор ва тизимли тарзида намоён бўлишини ифодалайди.

Олинган натижалар ўсмирларнинг кўпчилигида баҳолаш компонентининг қуйи даражада эканлиги, мазкур сифатнинг интеллектуал, когнитив жиҳатлари етарли даражада ривожланмаганидан далолат беради.

Тартибга солиш компонентини аниқлаш учун методларнинг учинчи гуруҳи қўлланади. Бу гуруҳ қуйидагилардан иборат: ўсмирларга қуйидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади:

Сизнинг фикрингиз ва хатти-ҳаракатларингиз ўрта-сида тафовут мавжуд бўладими? Бунинг сабаби нимада?

Ҳаракатингиз, ҳисоботингизда эмоционаллик устуворми ёки интеллектуаллик? Жавобларни ёзма равишда келтиринг.

“Менинг фахрланадиган ишим”, “Такрорлашни ис-тамайдиган ишим” мавзуларида кичик иншо ёзиш так-лиф қилинади.

Берилган мавзулар бўйича ўсмирлар ёзган иншо-ларда кўпинча одамларга кўмаклашиш, ҳамдардлик, яхшилик, дўстлик ва севги билан боғлиқ ҳаракатлар энг муҳим ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

Ўсмирлар у ёки бу вазиятда амалга оширган хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолаб, уларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга ҳаракат қилишади. Бажарил-ган таҳлил ва ўрганишлардан ўзларига тегишли хуло-салар чиқаришади.

Саволларга берилган жавоблар ҳамда иншоларнинг таҳлили тартибга солиш компонентининг уч даражаси мавжудлигини кўрсатди: юқори, ўрта ва қуйи. Юқори кўрсаткич ўсмир ҳулқ-атворида ахлоқий сифатларнинг барқарорлиги ва устуворлигини кўрсатади. Ўрта дара-жадаги ахлоқий сифатлар барқарор бўлмайди. Қуйи даражадаги ҳулқ-атвор эса ахлоқий меъёрларга мос келмайди.

Жавоблар ва иншолар таҳлили ўсмирларнинг ак-сариятида тартибга солиш компоненти қуйи ва ўрта даражада эканлигини кўрсатмоқда. Ўтказилган ташхис-лар ўсмирларнинг кўпчилигида маънавий эҳтиёжлар етарли даражада шаклланмаганидан далолат беради.

Маънавий эҳтиёжлари қуйи даражада бўлган ўсмирлар, одатда, жуда юқори кўрсаткичларга эриш-майди. Фанлар бўйича уларнинг билимлари юзаки, ти-зимланмаган, ҳаёт, меҳнат билан боғланмаган ёки жуда заиф боғланган. Уларнинг атроф-муҳитта муносабати заиф ва маънавиятдан узоқ. Уларнинг идеаллари фа-

катгина модадаги фильмларнинг қаҳрамонларидан иборат. Улар мукамалликка интилишмайди. Фақатгина тенгдошларининг қизиқишларига тақлид қилишади. Кўпчилик объектнинг фақат ташқи томонига тақлид қилишади.

Бундай ўсмирлар хулқ-атвори кўпинча зиддиятли бўлади. Улар ўз хатти-ҳаракатини фикр-мулоҳаза ва баёнларини танқидий таҳлил қилишга интилишмайди. Улар кўпинча аҳлоқ меъёрларини четлаб ўтишади, лекин бу четлашиш қасддан эмас, тасаввурларнинг заифлиги туфайли юз беради.

Маънавий эҳтиёжлари ўрта даражада ривожланган ўсмирларнинг ўзлаштириши кўпинча яхши бўлади. Уларнинг фанлар бўйича билимлари шу фанларга бўлган қизиқишлари билан белгиланади. Улар ўзларини қизиқтирган предметлар бўйича яхши ўзлаштиришади. Лекин улар фанлар ўртасидаги боғланишларни англаш даражасига етиб боришмайди. Чунки уларнинг аҳлоқий меъёрлар ҳақидаги билимлари тўла, лекин тизим ҳолида эмас.

Уларнинг ўзларига берган баҳолари, асосан, тўғри, ўзларига танқидий муносабатда бўла оладилар, лекин ўзларига юқори талаблар қўйишмайди, мустақиллик, ирода талаб қилинадиган ҳолатларда ишни охирига етказишмайди.

Ўрта даражадаги ўсмирлар жамиятнинг шахсга ижтимоий ва аҳлоқий жиҳатдан қўядиган талабларини англашади, лекин баъзан ўз хатти-ҳаракатларини жамият талабларига мослаштиришмайди. Уларда комилликка интилиш туйғуси етарли даражада ривожланмаган, шунинг учун бу йўналишда уларга педагоглар, дўстларининг маслаҳати; ёрдами зарур бўлади.

Бундай ўсмирларнинг хулқ-атвори, асосан, қабул қилинган аҳлоқий меъёрларни бажаришга йўналган бўлади, лекин бу меъёрларга муносабат барқарор бўлмагани туфайли оғиб кетишлар ҳам юз беради.

Маънавий эҳтиёжлари юқори даражада ривожланган ўсмирлар ўқув режасига киритилган предметларни ўзлаштиришда юқори кўрсаткичларга эришади. Уларнинг билимлари фақат хотирага олинган эмас, балки анланган ҳам бўлади. Бундай ўсмирлар ўзларига тўғри баҳо бера олади, ахлоқий меъёрлар тўғрисида тўғри ва аниқ тасаввурга эга. Улар интеллектуал ва эмоционал ривожланишнинг юқори даражасига эга. Атроф муҳитни улар ахлоқий меъёрлар нуқтаи назаридан баҳолай олади. Уларнинг идеали ота-оналари ёки бадиий асар қаҳрамонлари бўлиб, ахлоқий камолотга эришиш учун доимо интилишда бўлади. Бундай ўсмирлар ўз қобилияти, кўникмаларини бойитишга, ўз олдига қўйилган мақсадларига эришиш учун доимо интилишда бўлади, ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўз ва ўзгаларнинг ҳулқ-атворини объектив баҳолай олади.

Мактаб ўқув режасига киритилган ижтимоий-гуманитар фанларнинг дастури маънавий қадриятлар моҳияти тўғрисида тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларнинг шахсий муносабатини шакллантириш учун етарли. Шу билан бирга, бу дастурларда маънавиятга оид ҳодисаларнинг қадриятли жиҳатлари етарлича ёритилмаганини ҳам қайд этиш лозим. Гуманитар фанларнинг маънавий эҳтиёжларни шакллантириш бўйича салоҳияти педагогик жараёнда намоён бўлади. Ана шу жараёни ташхис қилиш бўйича ўтказилган тадбирда бир қанча ўқитувчилар иштирок этишди, улар билан анкета сўровлари ва суҳбатлар ўтказилди. Ўқитувчиларга таклиф қилинган анкетада уч туркум саволлар келтирилган эди. Биринчи туркумдаги *“Ҳозирги замон шахсини тарбиялашда маънавий эҳтиёжларни шакллантириш зарур деб ҳисоблайсизми?”* деган саволга ўқитувчиларнинг деярли барчаси ижобий жавоб беришди. Бундай ҳолат педагоглар мазкур муаммонинг муҳимлигини англашидан далолат беради.

Анкета саволларининг 2-туркуми ўқитувчиларнинг

ўсмирларда маънавий эҳтиёжларни шакллантиришига қаратилган: “Сиз ўз фанингизни ўқитишда “яхшилик”, “ёмонлик”, “маънавият”, “ахлоқ” тушунчаларининг моҳиятини ёритасизми?” деган саволга респондентларнинг ярмидан кўпи ижобий жавоб берди. Қолган респондентлар эса бу тушунчаларга “зарур ҳолатларда мурожаат қиламиз”, “баъзан мурожаат қиламан” қаби-
лидаги жавоблар беришади.

Анкетадаги саволларнинг 3-туркуми гуманитар циклдаги фанларни ўқитишда ўсмирлар маънавий эҳтиёжларини шакллантириш учун қўлланадиган воситаларни англашга қаратилган. Асосий ва кўп қўлланадиган воситалар жумласига ўқитувчилар муаммоли дарс ва суҳбат методларини киритишди. Баъзи ўқитувчилар иншо, давра суҳбати усулидан ҳам фойдаланишини баён қилишди.

IV боб. Маънавий тарбия мурватлари

Маънавий камолот психологияси

Ижтимоий тараққиёт суръатлари шиддатли тус олган мамлакатлар, алоҳида шахсларнинг турмуш тарзи жиддий ўзгараётган ҳозирги даврда ижтимоий ва шахсий идеаллар ҳам ўзгараётгани кузатилади. Баъзи шахслар идеали ўзгараётган бўлса, бошқа шахслар янги идеаллар қидиради. Идеаллар шахс маънавиятининг негизини ташкил қилади.

Турмуш тарзининг ўзгариши, айти пайтда, маънавиятдаги ўзгаришларни ифодалайди. Шу сабабли, кўпчилик мамлакатларда маънавият масаласига қизиқиш кучайиб, маънавиятга бағишланган мунозаралар, тортишув ва баҳслар кундалик ҳаётга кириб боради. Бу масала тўғрисида қонуншунослар, сиёсатшунослар, файласуфлар, санъатшунослар, журналистлар бош қотира бошлайди. Мана шундай шароитда маънавият масаласини илмий жиҳатдан ёритишга бағишланган тадқиқотларга эҳтиёж кучаяди. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари ҳамда маънавият масалаларига бағишланган қатор рисола ва мақолалари, нутқ ва маърузалари ана шу ижтимоий эҳтиёжга берилган тўлақонли жавобдир.

Ҳозирги давр фалсафаси ва психологиясида инсонга биосоциал мавжудот сифатида қараш мустаҳкам ўрин олган. Бундай қарашга кўра, инсон биологик ва ижтимоий омиллар йиғиндисиدير, яъни биологик мавжудот сифатида дунёга келган индивид ижтимоий таъсирлар натижасида шахсга айланиб боради. Бизнинг назаримизда, шахсга икки компонентли ҳодиса эмас, уч компо-

нентли ҳодиса сифатида қараш тўғрироқ бўлади. Чунки шахсни фақат биологик ва ижтимоий омиллар йиғиндиси сифатида тушуниш нотўғри ҳулосаларга олиб келади. Шахс агар фақат биологик ва ижтимоий ҳодисалар йиғиндиси бўлса, бир хил ижтимоий шароит бир типдаги шахсларни вужудга келтириши керак эди. Ҳаётда эса, шахслар жуда хилма-хил. Уларнинг дунёқараши, идеаллари, қадриятлари турли-туман. Бизнинг назаримизда, ана шундай турли-туманлик биологик ва ижтимоий ҳодисаларни шахс тимсолида бирлаштириш жараёнида психиканинг роли билан изоҳланади. Айнан бир хил ижтимоий шароитда шахслар турли-туман хусусият касб этади. Бунинг сабаби, ижтимоий ҳодисаларнинг индивидга унинг психикаси орқали таъсир ўтказишидадир. Индивидларнинг психологик хусусиятлари турлича бўлгани сабабли, улар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини турлича қабул қилишади. Натижада, уларнинг дунёқараши, идеал ва қадриятлари, установакаларида турли-туманлик вужудга келади. Шуни ҳисобга олиб, шахсни фақат биологик ва ижтимоий компонентлар йиғиндиси эмас, балки ирсий, психологик ва ижтимоий компонентлар йиғиндиси дейиш ҳақиқатга яқин бўлади. Шундай ёндашувга кўра, инсон шахси тузилмасининг энг юқори даражалари бўлган маънавий-ахлоқий жиҳатлар, ўзини ўзи англаши, қадриятлар иерархияси фақат унинг ижтимоий тажрибасига эмас, балки психологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир.

Маънавият – шахс тузилмасидаги энг юқори қатлам бўлиб, унинг атроф-муҳитдаги ҳодисаларга эмоционал муносабатини ҳам белгилайди. Маънавиятни фақат юксак интеллект ва зукколик ифодаси дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Баъзи адабиётларда маънавиятнинг асосий мезони – билимдонлик деган қарашлар ҳам тарғиб қилинмоқда. Бизнингча, бундай қараш нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир. Чунки жуда кўп билимга эга бўлган одамлар орасида маънавият-

сизлари ҳам бўлгани каби, озроқ билимга эга бўлган лекин, маънавияти юксак бўлган шахслар ҳам кам эмас.

Билимдонликни – маънавиятнинг асосий мезони дейиш, одамлар орасида ўзининг эрудицияси ва зукколигини кўрсатишга интилиш, битта-иккита қизиқ мисол ва афоризмларни келтириб, ўзининг қандай юксак маънавиятга эга эканлигини кўрсатишга интилишни кучайтиради.

Ҳаётнинг юксак мазмунини излашга интилиш, атрофдагиларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, яхшилик ва ҳамдардлик маълумоти юқори бўлмаган одамлар учун ҳам хос. Кўпинча, ўзини билимдон қилиб кўрсатиш учун сохта фалсафий ибораларни ишлатиш шахснинг юксак маънавияти эмас, эгоизми, обрў орттириш учун интилиши, яъни худбинлигидан, маънавиятнинг сохталигидан далолат беради. Кўпинча, юксак маънавиятли инсонлар комилликка интилар экан, ўз олдига моддий манфаатларни эмас, балки маънавият тўла ҳаётга эришишни мақсад қилиб қўяди.

Шахснинг маънавияти, аввало, ўзининг эгоистик манфаатлари доирасидан чиқа олишида намоён бўлади. Юксак маънавиятли шахс яхши сифатларга эга бўлишидан ташқари, атрофидаги одамларда ҳам яхши сифатларнинг кўпайишига ҳаракат қилади.

Юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш унга фақат билим беришгина эмас, унинг ҳис-туйғуларини тарбиялаш ҳамдир. Кузатишларимиз кўрсатишича, маънавий юксакликка интилиш учун интраверт ва сензитив типдаги, яъни гипотим шахсларда кўпроқ имконият мавжуд бўлар экан. Бундай шахслар ўзини кўпроқ таҳлил қилади ва уларда ҳамдардлик туйғуси кучлироқ бўлади. Шунинг учун уларда худбинлик кам учрайди. Гипотим шахсларнинг фаолият мотивлари, кўпинча, шахсий манфаатлардан юқори кўтарилиб, гуманистик йўналиш касб этади. Бундан гипотим шахсларнинг барчаси юксак маънавиятга эга бўлади, деган хулоса чиқмайди. Биз, гипотим шахсларда маънавий юксалиш учун

кўпроқ имконият мавжуд, демокчимиз холос. Гипотим шахсларда мазкур имкониятни “бирламчи маънавият”, дейиш ҳам мумкин.

Жамиятнинг тараққий этиши учун фақат гипотим шахслар эмас, балки гипертим шахслар ҳам керак. Гипертим шахслар экстравертлик, агрессивлик ва ригидлик хусусиятига эга бўлади. Улар кўпроқ ўзининг “Мен”ини намоён қилишга йўналтирилган бўлади ва кўпинча атрофдагилардан ўз мақсадига эришиш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиб. Улар ўз хатти-ҳаракатларини кам таҳлил қилишади, ҳаёт мазмуни тўғрисида камроқ ўйлашади. Гипертим шахслар реформаторлик ғоялари ва техник тараққиёт соҳасида ўзларини намоён қилса, гипотим шахслар маънавий юксалиш, маданий ва маънавий-ахлоқий анъана ҳамда қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш учун зарур.

Ҳаётда кўп қийинчиликларга учраган, атрофдагилардан ҳафсаласи пир бўлган одамлар ҳаётдан узоқлашишга интилишади, ва кўпинча, динга берилиб кетишади. Уларда эгоистик интилишларни назорат қилишга интилиш кўп кузатилади. Бундай шахслар билан ўтказилган психологик тестлар уларда хавотирланиш, пессимизм кучли эканлигини кўрсатади. Уларда эмпатия, санъатдан таъсирланиш кучлироқ бўлади.

Юқорида баён қилинганлар, маънавий қадриятларни қабул қилишга тайёрлик билан шахснинг таянч хусусиятлари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Шахснинг маънавияти инсон онгининг энг юқори қатламини ташкил қилиши шубҳасиздир. Айти пайтда, унинг негизида шахснинг ирсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган индивидуал-психологик сифатлари ётади.

Психология фани ва маънавий юксалиш муаммолари

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллари-

дан бошлаб маънавият масалаларига, унинг ёшларда шаклланиши ва ривожланиш муаммосига улкан аҳамият бериб келинмоқда. Маънавиятни юксалтириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг маънавият масалалари бўйича қатор фармонлари чиқиши ва қарорлари қабул қилиниши, мамлакатимизда Маънавият ва маърифат кенгаши тузилиши, Маънавият тарғибот Маркази, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилиши ва фаол ишлаб туриши, мамлакатимизда фалсафа, маданиятшунослик, маънавият асослари, педагогика сингари фанлар мутахассислари томонидан ўнлаб монографиялар, рисоалар, юзлаб мақолалар тайёрланаётгани ва чоп этилаётгани, шу фанлар бўйича маънавият мавзусига алоқадор қатор диссертациялар тайёрланаётгани мамлакатимизда маънавият масалаларига берилаётган эътиборнинг кўлаמידан далолат беради.

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин маънавият масаласи нафақат фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг, балки ижтимоий сиёсатнинг ҳам марказий масалаларидан бирига айланди. Бу тасодифий ҳол эмас. Миллий давлатчилик, миллий маданиятни тиклаш миллий маънавиятни тиклашдан бошланади. Бусиз миллий тикланишни амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам “миллий тикланиш”, “маънавий янгиланиш”, “маънавий қадриятлар”, “юксак маънавият” каби атамалар нафақат фалсафа ва бошқа гуманитар фанларда, балки даврий матбуот сарҳифаларида ҳам энг кўп учрайдиган тушунчалардан бирига айланди.

Айни пайтда, психология фанида маънавият масалаларига бағишлаб тайёрланган ва чоп этилган монография ва рисоаларнинг оз эканлиги, диссертацияларнинг деярли йўқлиги кўзга ташланади. Ҳолбуки, маъ-

навият ва унинг шаклланишидаги психологик жиҳатларни тадқиқ қилиш бошқа фанларда олиб борилаётган тадқиқотлар ва мамлакатимизда шу соҳада олиб борилаётган амалий ишларнинг самарадорлигини оширишга жиддий тurtки бериши мумкин.

Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти маънавий баркамол, руҳан етук шахслар жамияти бўлиши ҳам маънавият ва унинг шаклланишидаги психологик жиҳатларни ўрганиш нақадар долзарблигини кўрсатадиган омиллардан биридир. Бу масаланинг долзарблигини белгилайдиган яна бир муҳим жиҳат шундаки, бизнинг жамиятимизга ёт бўлган кучлар: террористлар, диний ақидапарастлар ва бошқа бузғунчи ғояларни ташувчилар асосий эътиборни ўсмирлар ва ёшларни ўз томонларига ағдариб олишга қаратмоқдалар. Маънавиятга қилинган таҳдид мамлакатни инқирозга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай ёзади: “Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.¹⁷

Шунинг учун ўсмирларни зўравон ва тажовузкор кучларнинг қўлига бериб қўймаслик вазифаси уларнинг маънавияти шаклланишига, бу жараённинг психологик жиҳатларини тадқиқ этишга биринчи даражали вазифа сифатида ёндашишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда вужудга келган вазият миллий маънавият ва қадриятларнинг тикланиши билан характерланади. Чор мустамлакачилиги, собиқ

¹⁷ Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008. 11-бет.

Шўролар тузуми даврида оёқ ости қилинган, топталган маънавийтимиз, қадриятларимиз тиклана бошлади. Маънавий соҳадаги вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бир томондан, Шўролар тузуми даврида ҳукмрон бўлган қадриятларнинг асоратларидан халқимизнинг муайян қисми ханузгача қутула олмаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги глобаллашув жараёнида бизга ёт бўлган қадриятлар ва турмуш тарзи ўзининг таъсири ва таъйиқини ўтказмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда таълим тизими ва умуман ёшлар тарбияси билан шуғулланидиган оила, жамоат ташкилотлари олдига янгича талаблар, яъни ёшларга ҳар томонлама билим, кўникма ва малакалар бериш билангина кифояланмай, уларни юксак маънавийли, миллий аъъана ва қадриятларни чуқур эгаллаган ёшлар сифатида тарбиялаш каби масъулиятли вазифа қўйилади.

Мустақиллик даврида шаклланган янги парадигмалар ва вазифаларга мос равишда замонавий психологик ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, янгиларини яратиш тақозо этилади. Бу вазифани бажаришда мамлакатимиз психологлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган.

Президентимизнинг маънавият масалаларига бағишланган асарлари, маърузалари, нутқ ва мақолалари учун характерли бўлган хусусиятлардан бири шундаки, уларда маънавият руҳ ва руҳият билан боғлаб ёритилади. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоъвий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”.¹⁸ Иқтибосдан кўриниб ту-

¹⁸ Ўша асар, 13-14-бетлар.

рибдики, маънавий таҳдид инсоннинг руҳияти, яъни психологияси билан боғлиқ ҳолда изоҳланаяпти. Китобда яна қуйидаги фикрни ўқиймиз: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”¹⁹.

Бу иқтибосда “руҳий” ва “маънавий” тушунчалари орасига дефис қўйилиши уларнинг узвий боғлиқлигига ишорадир. Яна бир ўринда И.А.Каримов миллий маънавиятни тиклаш ҳақида фикр юритар экан, “Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимизни, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олдик”,²⁰ дейди. Президентимизнинг маънавиятни руҳият билан боғлаб изоҳлаши психологларимиз учун методологик таянч вазифасини бажаради.

XX асрнинг сўнги чорагида психология фанида инсонни бир бутунликда, комплекс ўрганиш парадигмаси вужудга келди. Инсонни бир бутунликда ўрганиш ҳам унинг муҳим белгиси бўлган маънавиятни тадқиқ этишни талаб этар эди. Мамлакатимиз психологлари ҳам маънавиятнинг моҳияти, маънавий тарбия тузилмаси, воситалари ва шакллари ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшдилар. Айни пайтда, бу соҳада психолог-олимларимиз томонидан бажарилган ишларни танқидий таҳлил қилиш мамлакатимиз психологияси мазкур йўналишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа йўналишларидан орқада қолаётганини кўрсатади. Маънавият ва маънавий тарбия муаммоси мамлакатимиз файласуфлари, социологлари, тарихчилари, маданиятшунослари, педагоглари томонидан интенсив тадқиқ этилаётган бир пайтда, мазкур мавзуга бағишлаб психологларимиз томонидан яратилган ишлар бармоқ билан санарли даражада озлиги, миллий тарбиянинг психо-

¹⁹ Ўша асар, 83-бет.

²⁰ Ўша асар, 102-бет.

логик жиҳатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам жуда камлиги фикримизнинг далилидир.

Маънавият муаммосининг психологик жиҳатлари кам ишланганлиги, аввало, шунда кўринадики, ҳанузгача шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланишига самарали таъсир кўрсатадиган психологик мурватлар ва омиллар ишлаб чиқилмаган. Бу соҳадаги экспериментал тадқиқотлар, назарий ишланмаларда ҳам умумий гаплардан нарига ўтмаслик кузатилмоқда. Психологиямизда маънавиятнинг тузилмаси, маънавият ва психиканинг алоқадорлиги масалалари етарлича ёритилмаган, бу соҳага оид терминологияда ҳам ноаниқлик ва мавҳумлик мавжуд.

Фалсафадаги кўпгина назария ва концепцияларда қадриятлар маънавиятнинг таркибий қисми сифатида талқин қилинмоқда. Ҳар бир инсон ўзининг шахсий қадриятлари иерархиясига эга. Бу қадриятлар жамиятнинг маънавий маданияти ва шахснинг маънавий олами ўртасида боғловчилик вазифасини бажаради. Шахснинг қадриятлари тизими унинг фаолияти жараёнида жамиятнинг моддий ва маънавий маданият асарларида объективлашган қадриятларини ўзлаштириш орқали шаклланиб боради.

Шахснинг қадриятлари кўпинча юқори даражада англандан бўлади, улар шахс онгида қадриятларга йўналганлик тарзида намоён бўлади, ҳамда шахс ҳуқуқ-атворининг ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиши, тартибга солинишини таъминлайди.

Шахс қадриятлари ҳам, жамият қадриятлари ҳам ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари таъсирида ўзгариб боради, уларга ҳукмрон мавқега эга бўлган ахлоқий концепциялар ҳам кучли таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам, универсал хусусиятга эга бўлган, даврлар ўтса ҳам ўзгармайдиган қадриятларни топиш жуда қийин.

Психологиянинг маънавият ва маънавий тарбия билан узвийлиги шунда ҳам кўринадики, ёшлар маъна-

виятини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун, аввало, уни психологик ташхислаш талаб этилади. Чунки ёшлардаги маънавият таркибий қисмларининг ҳар бири қай даражада ривожланганини аниқламай туриб, маънавиятни ривожлантириш бўйича самарали тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам, мабодо, ишлаб чиқилса, уни амалиётга татбиқ қилиш ҳам мушкулдир. Маънавият таркибидаги ҳар бир компонент аниқ ташхислангандан кейингина уни қайси йўналишда, қандай суръатлар ва қандай воситалар ёрдамида ривожлантириш бўйича режа тузиш ва амалга ошириш мумкин.

Ёшлар маънавияти мураккаб тузилма бўлиб, уни уч асосий таркибий қисмга бўлиш мумкин. Булар, когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларидир. Психологияда аниқ-равшан бўлган мазкур қондани менсимаслик бирёқламаликка, жумладан, дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашда ҳам бирёқламаликка олиб келмоқда.

Кейинги йилларда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, ҳатто, олий ўқув юртларида самарали таълим технологияларига эътибор жуда кучайди, айти пайтда, тарбия технологиялари эътибордан четда қола бошлади. Бундай ҳолат ёшлар тарбиясида бир ёқламаликка олиб келиши мумкин. Таълимга эътиборни кучайтириб, тарбияга етарли эътибор бермаслик, умумтаълим мактабларининг ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Мактабда таълим жараёни билан бирга, тарбиявий жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратиш зарур. Тарбия ақлий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, сиёсий тарбия сингари қатор йўналишларда олиб борилади. Бу йўналишлардан бирортасининг аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда, маънавий-ахлоқий тарбия устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлаш зарур. Бундай ҳолат мамлакатимизнинг бозор муноса-

батларига ўтиш даврини бошдан кечираётгани, бизга қарши ахборот-психологик хуружларнинг кучайиб бораётгани, террористик ва экстремистик гуруҳлар ёшларни ўз томонига ағдариб олиш учун зўр бериб уришадиганлари билан боғлиқ. Шуларнинг барини ҳисобга олсак, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларни ушлаштириб, эътиқодга айлантиришларига эришиш қийинчилик зарур эканлиги аён бўлади.

Ҳозирги ёшлар маънавий-ахлоқий ҳодисалар тўғрисидаги билимларни фақат дарсликлар ва ўқитувчилардан эмас, балки дўстлари, танишлари, кейинги пайтларда эса кўпроқ Интернет тизимидан олаётгани кўзга ташланмоқда. Дўстлар, тенгдошлар, Интернет тизимидан қадрият ҳақида олинаётган билимлар афсуски, ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди. Шунинг учун ёшларда ёш мафкуралар ва миллий маънавиятимизга зид бўлган қадриятлар таъсирига қарши иммунитетни шакллантириш психология фани олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маънавий тарбияни, юқорида баён қилинганидай, психодиагностика тадбирларидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Маънавиятнинг когнитив компонентини ташхислаш учун қатор методикалар мавжуд. Масалан, шу мақсадда Г.Фридман томонидан ишлаб чиқилган “Яхши деган сўз нима-ю, ёмон дегани нима” методикасидан фойдаланиш мумкин. Бу методика бўйича ишлаганда ўсмирларга маънавий-ахлоқий доирага алоқадор бўлган бир нечта тушунчалар берилади. Масалан, “маънавият”, “ахлоқ”, “ҳамдардлик”, “яхшилик”, “шаън” ва ҳ.к. ўсмирлар бу тушунчалар мазмунини ёритишади ва бу тушунчалар қаторига ўзлари билган тушунчаларни киритишади.

Бу топшириқни бажариш натижалари ўсмирларнинг маънавий такомиллашиш ва ривожланишга қай даражада тайёрлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш тушунчалар тўғрисида тасаввурнинг

йўқлиги ўсмирнинг маънавий ривожланиш учун тайёр эмаслигини англатади. Бундай ўсмирнинг маънавиятини бойитишдан аввал уни шакллантириш лозим бўлади. Бу тушунчалар ҳақида озроқ бўлса ҳам тасаввурларнинг мавжудлиги ўсмир маънавиятини ривожлантириш мумкинлиги ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини билдиради.

Маънавиятнинг эмоционал компонентини ташхислаш учун Г.Фридманнинг “Нима қилиш керак?” номли методикасидан фойдаланиш мумкин. Бу методиканинг моҳияти шундаки, ўсмирга муайян вазият баён қилинади ва мана шундай вазиятда унинг нима қилиши ва нима учун айнан шундай қилиши сўралади. Мазкур методика ўсмир мотивлари тузилмасида доминант эҳтиёжни аниқлаш имконини беради, чунки муайян вазиятда ўсмир ўзи англаган ҳолда қарор қабул қилиши керак бўлади. Ана шундай қарорни қабул қилишда ўсмирлар ўзларидаги доминант эҳтиёжнинг психологик хусусиятларидан келиб чиқадилар

Эмоционал компонентни аниқлаш учун “Дўстларимдаги менга ёқадиган ва ёқмайдиган сифатлар” мавзуида олинган иншони контент-таҳлил қилиш методикасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу методика ёрдамида олинган натижалар ўсмирлар учун муҳим бўлган сифатлар ва ёқмайдиган сифатларни аниқлаш ва шунга муносабат тарзда тарбиявий ишлар режасини тузиш имконини беради.

Маънавиятнинг эмоционал компоненти таркибидаги элементлардан бири эмпатия (ўзгаларни тушуниш ва ижобий қабул қилиш) ҳисобланади. Бу элементни психологик ташхислаш учун И.Юсуповнинг “эмпатияни экспресс диагностика қилиш” методикасидан фойдаланиш мумкин. Бу методика эмпатиянинг 6 диагностик шкаласидан иборат бўлиб, уларда ота-онага, қарияларга, бадий асар қаҳрамонларига, таниш ва нотаниш одамларга муносабат ифодаланади. Методика 36 та

тасдиқловчи ҳукмдан иборат бўлиб, респондент улардан ҳар бирига қўшилиши ёки қўшилмаслигини билдириб жавоб бериши керак. Жавоблар келтирилган олти вариант жавоблардан бирини танлаш йўли билан амалга оширилади. Методиканинг калити ҳар бир шкала бўйича эмпатия ва баҳоларни тавсифлаш имконини беради.

Ўсмирнинг ва умуман, ҳар қандай шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланганлик даражаси унинг қадриятлари тизимига мос келади. Таниқли психолог В.Н.Мясищев қадриятларга йўналтирилганликни шахс маънавий ривожинининг негизи, шахснинг жамиятга, гуруҳга, ўзига, меҳнатга муносабатлари тизими, деб баҳолаган эди. Муайян иерархияга эга бўлган ҳаётий қадриятлар инсонга кучли таъсир ўтказади, унинг хулқ-атворини белгилайди. Яна бир таниқли психолог С.Л.Рубинштейн қадриятларнинг функцияси хулқ-атворни йўналтиришда, деб ҳисоблаган эди. Қадриятлар иерархияси шаклланиш жараёнини ўрганар экан, С.Л.Рубинштейн бу иерархия ўзгариб туриши мумкинлигини кўрсатиб беради. Бундай ҳолат инсоннинг атроф-муҳит ва бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатлари ўзгариб туриши натижасидир.

Ўсмирнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши унинг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланадиган қадриятлар тизими билан белгиланади. Қадриятлар иерархияси у ёки бу қадриятнинг юқори ёки паст баҳоланиши, шахснинг хулқ-атвори қайси томонга йўналтирилганлиги, мақсадга етиш учун шахс қандай воситалардан фойдаланиши мумкинлигини башорат қилиш имконини беради. Шахснинг қадриятлар тизими бирданга ёки тўсатдан пайдо бўлмайди. У муайян давр мобайнида шаклланади ва ҳаёти жараёнида ўзгариб туриши мумкин. Ана шу жараённинг психологик хусусиятларини ўрганиш ёшларнинг қадриятлари шаклланиши жараёнини ижтимоий мақбул томонга йўналтириш ва самардорлигини ошириш имконини яратади.

Шахс томонидан у ёки бу ҳаракат мотивларини асослаш қадриятлар негизида юз беради. Қадриятлар тизими хулқ-атвор мотивациясини белгиловчи зарурий шарт ҳисобланади.

Маънавиятнинг негизи бўлган қадриятлар тизимини аниқлаш учун психология фанида бир қатор методикалар яратилган. Ана шундай методикалар жумласига М.Рокич, Е.Б.Фанталова, М.И.Лукьянова ва Н.В. Калининалар томонидан яратилган методикаларни киритиш мумкин. Бу методикалар ёрдамида олинган натижалар ёшларнинг қадриятлар тизими манзарасини баҳолаш, уларнинг ҳаётий истиқболга муносабатларини аниқлаш учун қулайдир.

Айни пайтда, бир қатор психологларнинг фикрига кўра, қадриятларни хулқ-атворнинг ягона асоси деб баҳолаш унчалик тўғри бўлмайди. Уларнинг фикрига кўра, қадриятларни амалда намоён қилиш учун ўсмирдан муайян шижоат ва ирода талаб этилади. Шижоат ва иродаси етарли бўлмаган ўсмирлар атрофдагиларнинг босими остида ўз қадриятларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Шу фикрларни ҳисобга олган ҳолда, бизнингча, юқорида санаб ўтилган методикаларга қўшимча тарзда кузатиш ҳамда эксперт баҳолари методикасидан фойдаланиш ҳақиқий манзарани очиш учун имконият яратади.

Маънавиятнинг хулқ-атвор компонентини ташхислаш учун ҳам кузатиш ва эксперт баҳолари усулидан фойдаланиш қулайлик туғдиради. Айни пайтда, бу усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу хусусиятларни ҳисобга олиш бу усулларнинг валидлик даражасини оширади. Кузатиш ва эксперт баҳолари усулидан фойдаланиб олинadиган натижаларнинг ишончлилигини ошириш учун, аввало, экспертларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бир одам томонидан бошқа одамнинг хатти-ҳаракатини баҳолаш фақат шу ҳаракатларни амалга оширган одамнинг хусусиятла-

рига эмас, баҳолаётган одамнинг хусусиятлари, тасаввурлари ва идеалларига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун имкон борича холис ва етарли малакага эга бўлган экспертларни танлаш зарур. Бундан ташқари, кузатиш ва баҳолаш жараёнига қўйиладиган талабларни тўла бажариш ҳам зарур ҳисобланади.

Таълим-тарбиянинг муайян босқичида ёшларнинг маънавий бўйича олган билимлари эътиқодга айлана бошлайди. Мана шу жараённи шакллантириш ва самардорлигини ошириш учун унинг психологик жиҳатларини атрофлича ўрганиш зарур. Шундагина хулқ-атворнинг ички стимуллари юзага келишини ва шу орқали маънавий-ахлоқий ривожланиш жиҳатларининг муваффақиятли кечишини кафолатлаш мумкин.

Маънавий-ахлоқий ривожланиш мотивацияси шаклланишидаги муҳим жиҳатлардан бири шундаки, стимуллар ижобий характерга эга бўлиши, яъни муваффақиятсизликдан қочиш эмас, асосан, муваффақиятга интилиши лозим. Хулқ-атвор мотивлари муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш сингари икки турдан иборат бўлади. Муваффақиятга интилувчи шахслар ўз олдига муайян ижобий мақсадларни қўйишади ва бу мақсадларга эришишни муваффақият ҳисоблайди. Бундай шахсларнинг мақсадлари аниқ бўлади. Бу мақсадга эришиш йўллари, усуллари ва воситалари ҳам имкон қадар аниқлаштирилади. Улар белгиланган мақсадга эришиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилишади. Бундай одамлар учун мақсадга эришиш йўлида барча имкониятларни сафарбар қилиш, диққатни асосий масалаларга қаратиш характерли ҳисобланади.

Шахс мотивациялари тузилмасига кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллардан бири муаммоли вазиятни вужудга келтиришдир. Бундай вазият шахсни ижодкорликка ундайди. Чунки муаммони ҳал қилиш учун анчагина бош қотириш, муаммонинг ечимини излаб топиш керак бўлади. Муаммоли вазиятларни ҳал

қилиш шахс учун қувонч бағишлайди. Бу ҳолат эса, ана шундай муаммоли вазиятларни излаш ва ечиш учун туртки бўлади. Хулқ-атворнинг конструктив мотивациясини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири муаммоли вазиятлар ва уларни маънавий-ахлоқий асосда ҳал қилиш ҳисобланади.

Муайян ахлоқий қадриятлар ҳақидаги билимларнинг ёлғиз ўзи шахс хулқ-атворини таъминлайдиган ягона омил эмас. Бунда шахснинг психологик хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Масалан, вазиятта нисбатан ижобий маънавий-ахлоқий қарашларга эга бўлиш ва аynи пайтда шу қадрият ва қарашлар асосида ҳаракат қилиш учун етарлича жасорат ва иродага эга бўлмаслик мумкин. Бошқача айтганда, яхшилик тўғрисида ўсмирлар ва катталарнинг кўпчилиги етарли тасаввур ва билимга эга. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўзлари яхшилик деб билган нарсани ҳаётда амалга оширавермайди. Бундай қилиш учун уларнинг кўпчилигида ирода ёки кўникма етишмайди. Шунинг учун ҳам муайян ахлоқий ривожланиш бўйича тарбиявий тадбирларни амалга оширишда ўзини муайян ахлоқий қадриятлар асосида рўёбга чиқариш қобилиятини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериш зарур бўлади.

Бу жараёнда ёшлар маънавий-ахлоқий мотивларни машқ жараёнида ёки ҳаётда рўёбга чиқариш учун ўз иродаларини ривожлантириш ва ўзига-ўзи таъсир кўрсатиш кўникмаларини шакллантириши зарурлигини англаб етишлари лозим. Бу вазифани бажаришга эришиш учун ёшлар ўз шахсий сифатларини ўстириш дастурларини тузишлари, хизмат ўйинлари ва психологик тренинг машқларида қатнашишлари, ўз хулқ-атворларини таҳлил қилиш бўйича кундалик юритиш сингари усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу усуллар шахсни маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини реал хулқ-атвор билан қиёслаш ва шу орқали маънавий-ахлоқий ривожланиш жараёнини

рефлексия қилиш имконини яратади. Рефлексия эса, ўзини ўзи тарбиялашнинг ҳамда олинган билимларни ҳаётга татбиқ қилишнинг муҳим шартидир.

Шахснинг маънавий маданияти

Шахснинг маънавий маданияти юксаклиги даражаси икки омилга қараб белгиланади: 1. Шахс туғилиб ўсган ва яшаётган жамиятнинг маънавий маданияти даражаси. 2. Шахснинг жамият маънавий маданиятини қай даражада ўзлаштиргани. Шахс маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бирини қадриятлар ташкил қилади. (Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча.²¹) Бу таърифда қадриятнинг асосий жиҳатлари қамраб олинган бўлса ҳам, “қадрият” тушунчасини кадр билан ифодалаб бўлмаслигини айтиш лозим. Чунки қадрият қадрининг кўплигини англатади. қадриятнинг қадрилилик даражаси унинг шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият эҳтиёжларини қондириш учун қай даражада аҳамиятлилиги билан белгиланади.

Қадриятнинг моҳиятини белгилайдиган тушунчалардан бири эҳтиёждир. Эҳтиёж психология, аксиология, фалсафа, ахлоқ каби фанларнинг марказий категорияси қисобланади. Бу тушунча орқали инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари, фаолияти, интилиши, орзу-мақсадлари изоҳланади. Шунинг учун эҳтиёж гуманитар фанларнинг барчасида муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги ижтимоий фалсафа ва психология фанларида ҳар қандай хатти-ҳаракат эҳтиёж туфайли юз беради, деган фикр мустаҳкам ўрин эгаллади. Шахснинг бирор-бир ҳаракати, интилиши ва мақсадларини унинг эҳтиёжларисиз тушунтириб бўлмайди.

²¹ Маънавият:асосий тушунчалар изоҳли лугати. -Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 707-бет.

Маънавият негизини қадрият ташкил этади ва у инсон ёки ижтимоий гуруҳ эҳтиёжларига қай даражада мослиги билан улчанар экан, демак, “қадрият” ва “маънавият” тушунчаларини тўла англашдан аввал “эҳтиёж” тушунчасини тавсифлаб олиш зарур. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, эҳтиёж инсон фаолиятига бевосита эмас, кўпинча бавосита таъсир ўтказади. Таъсирнинг бавоситалиги эҳтиёжнинг инсон фаолиятига манфаат орқали таъсир қилишида кўринади. “Эҳтиёж” ва “манфаатлар” бир-бирига узвий боғлиқ бўлган тушунчалар. Эҳтиёж бўлмаган жойда манфаат ҳам бўлмайди, шунинг учун айтиш мумкинки, эҳтиёж-манфаат жуфтлигининг асосини эҳтиёж ташкил этади. Лекин инсоннинг ёки ижтимоий гуруҳнинг айна бир пайтнинг ўзида бир эмас, бир нечта, ҳатто ўнлаб ва юзлаб эҳтиёжлари мавжуд бўлади. Уларнинг бари бир пайтнинг ўзида инсон фаолиятига таъсир ўтказа олмайди. Инсон фаолиятига ҳал қилувчи таъсирни манфаатга айланган эҳтиёжлар ўтказади. Манфаатга эса, эҳтиёжларнинг доминант хусусият касб этганлари айланади. Мазкур ўринда эҳтиёж-манфаат бирлигининг мураккаб жиҳатларини таҳлил қилиб ўтириш узоқ вақт ва куч талаб этади. Ундан ташқари, бу таҳлил мазкур ўринда эътиборни кўзланаётган мақсаддан четта олиб кетади. Шунинг учун биз эҳтиёж-манфаат муносабатларини чуқурроқ ўрганмоқчи бўлган ўқувчига 1999 йилда нашр этилган «Стимулы: сущность и действие» китобига мурожаат этишни тавсия этамиз. (Т.: “Фан” нашриёти, 1999).

Инсон ва ижтимоий гуруҳ эҳтиёжлари турли –туман бўлади. Эҳтиёжларнинг асосий турлари қуйидагилар: биологик эҳтиёжлар, моддий ёки иқтисодий эҳтиёжлар, маънавий эҳтиёжлар. Маънавий эҳтиёжлар жумласига сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳ.к. эҳтиёжлар кирди. Маънавий эҳтиёжлар эҳтиёжнинг бошқа турлари билан бир қатор умумий хусусиятларга эга, айна пайтда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Хаётий фаолият жараёнида инсонларда маънавий эҳтиёжлар вужудга келади ва улар маънавий истеъ-мол жараёнида қадриятлардан фойдаланиш, идрок қилиш орқали қондирилади. Маънавий истеъмол жараёнида айнан маънавий қадриятлар идрок қилиниши ва ўзлаштирилишини таъкидлаб ўтиш зарур. Маънавий истеъмол жараёнида айнан маънавий эҳтиёжлар қондирилади. Лекин маънавий эҳтиёжлар моддий ашёлар ёрдамида ҳам қондирилиши мумкин. Эҳтиёжларнинг индивид онги тузилмасидаги ўрни ҳақида С.Л.Рубинштейн шундай ёзади: «Эҳтиёж инсон томонидан ўзидан ташқарида мавжуд бўлган нарса-ҳодисага бўлган заруратни англатади. Унда инсоннинг ташқи дунё билан боғлиқлиги ифодаланади».²² Инсоннинг эҳтиёжлари қанчалик турли-туман бўлса, маънавий жиҳатдан инсон шунчалик бой бўлади. Бу ҳақда А.П.Чехов Л.Н.Толстойга эътироз билдирар экан, шундай ёзган эди: «Толстой, инсонга уч аршин ер кифоя қилади, дейди. Бу бемаъни гап. Уч аршин ер ўликка кифоя қилади, тирикка эса, бутун ер шари керак».²³ Жамият маънавий ҳаётининг пойдевори эҳтиёжлардан иборат. Бу ўринда эҳтиёж тушунчаси психология ёки этикадаги тор маънода эмас, балки фалсафадаги сингари кенг маънода талқин қилиниши лозим. Эҳтиёж деганда, кенг маънода, фаолият субъектининг бирор омил етишмаслиги сабабли вужудга келадиган ҳолати тушунилади.

Инсон ёки ижтимоий гуруҳнинг эҳтиёжлари англаниши ҳам, англанмаслиги ҳам мумкин. Индивид ҳаётида англанадиган эҳтиёжлар кўпроқ роль ўйнайди. Шахс ҳаётий фаолиятини эса, ижтимоий эҳтиёжлар: меҳнатга, билим олишга, мулоқотга, яхшиликка, гўзалликка, адолатга бўлган эҳтиёжлар ҳаракатга келтиради. Ҳаттоки, инсоннинг биологик эҳтиёжлари ҳам ижтимоий хусусият касб этади. Масалан, инсон ўзининг

²² Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - М., 1994, - С. 623

²³ Бунин И.А. Собрание сочинений. В 9 т: Н. 9.Н., 1967. - С. 221

овқатта бўлган эҳтиёжини тўғри келган маҳсулот билан эмас, балки ўзи севган таом билан қондиришга ҳаракат қилади. Ёки бўлмаса, одамларнинг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжи негизида бадандаги температура режимини сақлаб туриш ташкил этади. Лекин, одамлар кийимга бўлган эҳтиёжини ҳар қандай мато ёки пўстак билан қондирмайди, балки муайян фасондаги муайян фирма томонидан тайёрланган муайян матодан тикилган, муайян рангдаги кийим-бош билан қондиради.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари, яъни маънавий фаолият ва унинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёж (билим олиш, санъат, таълимга бўлган эҳтиёж) лари тегишли воситалар ёрдамида қондирилади. Жамиятнинг фан ва техникани ривожлантириш, ахборот тарқатиш, ҳуқуқ, ахлоқ, санъат ва бошқаларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи ҳам маънавий эҳтиёжлар жумласига киради. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари чекланган бўлади. Масалан, овқатта бўлган эҳтиёж муайян ҳажмдаги маҳсулот билан қондирилади. Ичимликка бўлган эҳтиёж ҳам чекланган ҳажмдаги сув ёки бошқа суюқлик билан қондирилади. Маънавий эҳтиёжлар эса, жуда турли-туман бўлиб, уларни тўла қондириш жуда қийин. Маънавий эҳтиёжлар тарихий тараққиёт жараёнида эмас, алоҳида шахснинг индивидуал ривожланиши жараёнида ҳам ўзгариб туради.

Моддий ишлаб чиқаришда бўлгани сингари маънавий соҳасида ҳам кенгайтирилган ишлаб чиқариш мавжуд бўлади. Маънавий ишлаб чиқариш маънавий истеъмол маҳсулотлари яратибгина қолмай, шу истеъмол жараёнининг хусусиятларини ҳам белгилаб беради. Вужудга келган маънавий эҳтиёжлар маънавий ишлаб чиқариш ривожланишига туртки беради.

Ижтимоий тараққиёт жараёнига маънавий эҳтиёжлар, яъни дунёни билишга, гўзаллик яратиш, яхшилик қилиш ва яхшиликни билишга, ҳаёт мазмунини англаш, шунингдек, бирдамлик, дўстлик, ватаншарвар-

лик, адолат, гуманизмга бўлган эҳтиёжлар катта туртки бўлади. Маънавий эҳтиёжларнинг санаб ўтилган хусусиятларини мутлақлаштириш ҳам ўринли эмас. Бундай мутлақлаштириш улар билан моддий эҳтиёжлар ўртасига ўтиб бўлмас тўсиқ кўяди. Аслида эса, моддий ва маънавий эҳтиёжлар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалардир. Улар ўртасидаги чегара нисбий ва ўзгарувчан. Ҳар қандай моддий эҳтиёж ҳам у ёки бу даражада маънавий хусусиятга эга бўлади, маънавий эҳтиёжлар эса моддийлик билан узвий боғлиқ бўлади.

Инсонлар маънавий эҳтиёжлари маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан қондирилса ҳам, инсон фаолиятининг шундай соҳалари борки, уларда моддий ва маънавий эҳтиёжлар жуда чатишиб кетган, моддий эҳтиёжлар қаерда бошланиб, қаерда тутаганини, маънавий эҳтиёжлар қаерда бошланишини аниқлаш қийин бўлади. Масалан, инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондириши лозим бўлган овқатга унинг ҳиди, кўриниши, қандай идишда келтирилиши каби маънавий талаблар ҳам кўйилади.

Моддий эҳтиёжлар қанчалик тўлароқ қондирилса маънавий эҳтиёжларнинг, умуман, эҳтиёжлар таркибидаги улуши ортиб боради. Илмий-техник прогресс жараёнида одамларнинг нафақат моддий нарсалар (уй-жой, транспорт воситалари, алоқа воситалари, озиқ-овқат)га бўлган эҳтиёжлари, балки маънавий эҳтиёжлари (мулоқотга бўлган эстетик, сиёсий эҳтиёж) қондирилиши учун ҳам имконият яратилади.

Маънавий эҳтиёжларнинг ривожланишида кўзга ташланадиган яна бир тамойил уларнинг моддийлашиб бораётганидир. Масалан, китобларга бўлган эҳтиёж, аслида, маънавий эҳтиёж, лекин улар моддий кўринишдаги маҳсулотлар, яъни китоблар ёрдамида қондирилади. Ҳозирги кунда китобсеварлар сонининг ортиши, бир томондан, маънавий эҳтиёжларнинг ўсаёт-

ганини англатса, иккинчи томондан, китобларнинг моддийлашиб кетаётганини кўрсатади.

Маънавий эҳтиёжларда баъзи ўзгаришлар ҳам юз бериши мумкин. Салбий таъсирлар оқибатида, одамларда ҳақиқий маънавий қадриятларга интилиш ўрнига сохта, ясама қадриятларга ҳавас қилиш туйғулари уйғониши мумкин. Масалан, баъзи одамлар яхши кийинган, галс- тук таққан, этикет нормаларига риоя қиладиган шахсларни ҳақиқий маънавиятли шахс деб баҳолашади. Аслида эса, бундай одамлар сиртдан маънавиятли одамларга ўхшашади. Бундай суратнинг остида ҳақиқий маънавиятли шахс бўлиши ҳам, шунингдек, маънавиятдан жуда узоқдаги шахс ҳам бўлиши мумкин. Тарихдаги жуда кўп ёвуз шахслар сиртдан қараганда, жуда маънавиятли кўринган. Шахснинг маънавиятли ёки маънавиятсиз экани, унинг суратига қараб эмас, сийратига қараб баҳоланади. А.Навоий айтганидек:

Одами эрсанг демагил одами

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Халқ ғамида юрган инсонларнинг ташқи кўриниши турлича бўлиши мумкин. Лекин уларга ташқи кўринишига қараб эмас, балки уларнинг дунёқараши, қадриятлари ва амалларига қараб баҳо берилади.

Юксак маънавиятга, умуминсоний ва миллий қадриятларга эга бўлган шахс инсониятга зарар келтирувчи ҳодисалар, ғояларни қабул қилмайди ва уларни рад этади. Бундай ҳолат «маънавий иммунитет» тушунчаси орқали изоҳланади. «Маънавий иммунитет» тушунчасини фанга биринчи бўлиб олиб кирган олим – Нобель мукофоти лауреати Жон Солк эди. Биологик эволюция жараёнида одамларда «физиологик иммунитет» шаклланган. Бу иммунитетнинг моҳияти тана учун ёт бўлган туқималарни қабул қилмаслик, баъзи ёт ташқи таъсирларга нисбатан аллергия кўринишида намоён бўлади. Маънан юксак одамларда тубанлик, ёвузлик, ахлоқсизлик, порахўрлик сингари ҳодисаларга нисбатан ҳам маънавий «аллергия» шаклланади.

Маънавий иммунитет фақат алоҳида шахсларга эмас, балки ижтимоий гуруҳларга ҳам хос бўлиши мумкин. Юксак маънавиятли одамлар тубан одамлар билан дўстлашиш у ёқда турсин, улар билан мулоқотга киришишни ҳам истамайди. Ахлоқсиз, маънавияти паст одамларнинг эҳтиёжлари ҳам салбий характерда бўлади. Ана шундай салбий эҳтиёжларни қондиришга интилиш одамларни тубанлаштириб юборади.

Маънавий қадриятлар, бадий асарни «истеъмол» қилиш маънавий мулоқотга киришиш ва маънавий қадриятлар билан алмашиш жараёнида юз беради. Маънавий мулоқот жараёнида алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар бир-бири билан маънавий муносабатларга киришади.

Маънавий қадриятларнинг вужудга келишига асосий сабаблардан бири, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва жамиятдаги табақаланиш эди. Ҳозирги кунда маънавий қадриятларнинг бир минтақадан иккинчисига, бир авлоддан кейингисига узатилиши жараёнида транспорт воситалари, матбуот, радио, телевидение, алоқа, таълим тизими иштирок этиб, улар маънавий жараёнлар интенсивлашувига жиддий таъсир ўтказмоқда. Бундан 40-50 йил аввал дунёнинг бир нуқтасида юз берган янгиликдан бошқа нуқтадаги одамлар бир неча ҳафта, ой ўтгандан кейин хабардор бўлишса, ҳозирги кунда бир неча соат, ҳатто, дақиқаларда хабар топишмоқда.

Фан ва техника ютуқларининг маънавий ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсири билан бирга, одамларнинг бевосита мулоқоти ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Одамларнинг оғзаки ва ёзма нутқ ёрдамида бевосита мулоқотга киришуви маънавий қадриятларнинг вужудга келишида тарихан дасталбки шакл ҳисобланади. Бу жараённинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Одамларнинг бевосита мулоқотига илмий-техник тараққиётнинг таъсири кучли бўлмоқда. Оқзаки ва ёзма нутқни дунёнинг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасига етказишда

электрон алоқа, Интернет, транспорт ва айниқса, уяли алоқанинг роли катта бўлмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг бир қитъасида яшаётган одам бошқа қитъадаги одамлар билан уяли телефон ёрдамида бемалол ва мунтазам алоқага киришиши мумкин. Бундан бир аср аввал бу ҳақда ўйлаб кўриш ҳам мумкин эмас эди.

Маънавий ва моддий эҳтиёжларни қондиришда жиддий тафовутлар билан бирга, умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Тафовутларнинг бу жараёндаги ролининг бўрттириб юборилиш улар ўртасидаги боғлиқликнинг нотўғри англанишига олиб келади. Моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш ўртасидаги умумийлик, аввало, шунда кўринадики, бу эҳтиёжларнинг ҳар иккиси ҳам бир маҳсулот воситасида қондирилиши мумкин. Масалан, кийимга бўлган эҳтиёж моддий эҳтиёж ҳисобланади. Лекин кийим бир пайтнинг ўзида ҳам моддий эҳтиёжни, ҳам маънавий-эстетик эҳтиёжни қондириши мумкин. Чунки кийим моддий сифатлар (матонинг тури, пишиқлиги ва ҳк.) дан ташқари, маънавий-эстетик хусусият (бичими, модага мослиги)га ҳам эга. Худди шундай ҳолатни мебеллар, уй жиҳозлари, транспорт воситалари, электрон асбобларда ҳам кўриш мумкин. Уларнинг барчаси моддий ашёлар бўлиш билан бирга, эстетик хусусиятларга ҳам эга бўлади.

Маънавий эҳтиёжларни қондириш камдан-кам ҳолатларда соф маънавий воситалардан фойдаланиш орқали юз беради. Масалан, санъат асарларига бўлган эҳтиёж, асосан, моддий буюмлар (телевизор, магнитофон, аудио ва видео кассеталар, дисклар) ёрдамида қондирилади, яъни санъат асарларининг ташувчиси жуда кўп ҳолларда моддий буюмлар бўлади.

Бундан юз йиллар илгари санъат асарлари ҳозирги кундагидек кенг моддийлашув имкониятига эга эмас эди. Масалан, хонанданинг бирор ашуласини эшитиш учун унинг ўзини таклиф қилиш ёки унинг ҳузурига бориш зарур эди. Граммофон, магнитофон, радио, телевиде-

ние, кассета ва дисклар ихтиро қилингандан кейин хонанданинг ўзини таклиф қилиш ёки унинг концертига бориш эҳтиёжи кескин пасайди. Энди одамлар магнитофон, DVD плеерлар ёрдамида хонанданинг ўзини кўриб, ижро этган қўшиқларини тинглашмоқда.

Муסיқа ёки қўшиқ тинглаётган одам уларни ҳавонинг тебранишлари орқали қабул қилади. Бу тебранишлар унинг онгида муайян тимсоллар, кайфиятлар, хотираларни уйғотади. Ана шу тебранишлар одамни хурсанд қилиши, мунгли кайфиятга солиши, кулдириши ва йиғлатиши мумкин.

Маънавий ва моддий эҳтиёжларнинг умумий хусусиятлари тўғрисида келтирилган мисоллар ҳар бир маънавий эҳтиёж моддий ташувчининг муайян турига боғлиқ деган хулосани келтириб чиқармаслиги лозим. Айни бир маънавий қадрият бир неча хил моддий ташувчилар ёрдамида узатилиши мумкин. Ёки бўлмаса, айни бир фикр ёки ғояни турли шакллар (мақола, ҳикоя, формула, расм, схема) ёрдамида ифодалаш мумкинлиги ҳам шундан гувоҳлик беради. Шу билан бирга, муайян турдаги маънавий ахборотни муайян воситалар ёрдамида узатиш қулайроқ бўлади. Масалан, сўз ёрдамида фикр ифодаланса, бадий тимсоллар ҳиссиётларга таъсир қилади ёки бўлмаса, муסיқа фикрни ва ғояни эмас, балки уларга нисбатан вужудга келадиган ҳис-туйғуларни ифодалайди.

Маънавий ахборотни овоз, сўз, бадий тимсоллар ёрдамида узатишдан ташқари сукут сақлаш ҳам кўп ҳолларда муайян маънони англатади. Масалан, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, дўстлар ўртасида қисқа муддатли ихтилоф келиб чиққанда, улардан бири иккинчисининг мурожаатига, саволларига жавоб бермай, жим туриши мумкин. Ана шу жимлик ҳеч қандай ахборот йўқлигини эмас, балки жим турган кишининг саволларга муносабатини, кайфиятини ифодалайди. Демак, жимлик ҳам муайян ахборотни узатиши мумкин.

Маънавий қадриятларнинг асосий функцияси маънавий эҳтиёжларни қондиришдир. Улар бажарадиган яна бир функция одамларнинг мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришдир. Одам моҳиятига кўра, ижтимоий мавжудот бўлгани туфайли бошқа одамларга, улар билан мулоқотга киришишга эҳтиёж сезади. Бундай эҳтиёжнинг сабабларидан бири одамнинг ижтимоий мавжудот экани бўлса, иккинчиси, одамнинг ривожланиши бошқа одамларнинг ривожланишига боғлиқ эканидадир. Бевосита мулоқот жараёнида одамлар бири-бирини маънавий жиҳатдан бойитиб, ривожлантиради. Ўзгалар билан мулоқотга киришиш шахс учун нақадар зарурлигини шундан ҳам билса бўладики, оғир жиноят содир этган шахслар ёлғиз камерада ўтириш учун ҳукм қилинади. Жазони ёлғиз камерада ўтаётган жиноятчилар устидан америкалик психолог П.Тойтс ўтказган кузатишларнинг кўрсатишича, ёлғиз камерадаги маҳкумлар психикасида беқарорлик юз берар экан. Даниэль Дефонинг Робинзон Крузоси ҳам кема ҳалокатидан сўнг нотаниш оролда узоқ йиллар яшайди. Оролдаги умри давомида Робинзон Крузога энг катта хурсандчилик бахш этган ҳодиса – унинг Жумавой билан, яъни ўзга шахс билан учрашуви бўлган эди.

Психология фанида охириги йилларда қилинган муҳим кашфиётлардан бири шу бўлдики, шахс қабул қилаётган ахборотлар нафақат унинг интеллекти, балки ахлоқий ривожланишига ҳам жиддий таъсир ўтказар экан.

Маънавий истеъмол жамият ҳаётида бир қатор муҳим функциялари бажаради. Шундай функциялардан бири коммуникатив функция бўлиб, у маънавий истеъмол жараёнини кўпчилик одамларнинг бирлашуви ва йирик ижтимоий акцияларда биргаликда иштирок этиши учун хизмат қилади.

Маънавий қадриятлардан бири бўлган санъатнинг коммуникатив функциялари тўғрисида Л.Н.Толстой

шундай деган эди: «Санъат баъзи физиологлар ўйлаётганидай ўйин ҳам, лаззат ҳам эмас, балки одамлар ўртасидаги мулоқот турларидан биридир, уларни бундай мулоқотга санъат уйғотадиган туйғулар киритади. Ҳақиқий санъат асарининг вазифаси одамларнинг ўзаро бирикиши яхши ҳодиса эканини мулоҳазалар оламиндан туйғулар оламига ўтказишдир»²⁴.

Терроризмга, урушларга қарши тинчликни ҳимоя қилиш учун кураш қизгин тус олаётган ҳозирги даврда сайёрамиздаги миллионлаб одамларни умумий мақсадларга бирлаштириш жараёнида маънавий мулоқотнинг коммуникатив функцияси роли кескин ортади.

Маънавий мулоқот бажарадиган муҳим функциялардан яна бири мафқуравий функциядир. Илмий-техник билимлар, ихтиролар, кашфиётлар билан бирга, маънавий маҳсулотларнинг шундай тури ҳам мавжудки, улар инсонлар томонидан ўзлаштирилиши жараёнида қўлланилади. Масалан, санъат асарларидан одамларни ахлоқий тарбиялашда фойдаланилади. Айни пайтда, ахлоқий қадриятлардан илғор сиёсий ғояларни мустаҳкамлаш ва тарғиб қилишда ҳам фойдаланилади. Масалан, XVIII аср охирида юз берган буюк француз революцияси эркинлик, тенглик, биродарлик шиорлари остида амалга оширилган эди. Бу шиорларга ўша пайтда сиёсий жиҳатдан кўра кўпроқ маънавий-ахлоқий, гуманистик мазмун юклатилган эди.

Маънавий қадриятларнинг бир тури бошқа турдаги маънавий қадриятларни тасдиқлаши, қўллаб-қувватлаши ёки қоралаб ва рад этиши ҳам мумкин. Масалан, сиёсий доктриналар ва шиорларни фош этишда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш мумкин.

Маънавий истеъмол ва маънавий қадриятларнинг энг муҳим функцияларидан яна бири моддий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатишдир. Юқорида баён этил-

²⁴ Л.Н.Толстой в воспоминаниях современников. Т. II. - М., 1970. - С. 71

ган фан-техника соҳасида қилинган ихтиролар, кашфиётлардан, аввало, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида фойдаланилади.

Маънавий муносабатлар

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида муайян ижтимоий (ишлаб чиқариш, иқтисодий) муносабатлар пайдо бўлгани сингари маънавий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам муайян муносабатлар юзага келади. Бу муносабатлар маънавий муносабатлар деб номланади. Бу муносабатлар турли-туман бўлиб, уларнинг асосийси маънавий эҳтиёжларни қондириш усуллари ва воситалари ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, маънавий устқурма элементлари ўртасида бошқа қўплаб муносабатлар ҳам вужудга келади. Айнан мана шу муносабатлар маънавий устқурма элементларини бир-бири билан боғлайди ва одамларнинг эҳтиёжи орқали уларнинг моддий ишлаб чиқариш билан алоқасини таъминлайди.

Мафкуравий муносабатларнинг барчаси маънавий муносабатлар таркибига киради. Шунинг учун «маънавий муносабатлар» тушунчаси «мафкуравий муносабатлар» тушунчасидан кенг ҳисобланади. Маънавий муносабатларнинг барчасини ҳам мафкуравий муносабатлар деб бўлмайди. Масалан, онанинг болага муҳаббати, одамлар ўртасидаги дўстлик ва душманлик муносабатлари шахслараро муносабатлар бўлиб, уларни мафкуравий муносабат деб бўлмайди. Шу билан бирга, шахслар орасида ҳам мафкуравий муносабатлар бўлишини инкор этиб бўлмайди. Масалан, баъзи одамлар ўртасида уларнинг сиёсий қарашлардаги бир хиллик ёки тафовут туфайли бир-бирини ёқтириш ёки ёқтирмаслик муносабатлари шаклланиши мумкин.

Маънавий муносабатларнинг жамият маънавий ҳаётида ва у орқали моддий ёки иқтисодий ҳаётдаги роли жуда улкан. Бу роль фақат ижобий эмас, балки салбий

бўлиши ҳам мумкин. Масалан, одамларнинг сиёсий қарашлари ўртасидаги зиддиятлар туфайли вужудга келади-ган низолар, ихтилофлар, исёнлар, инқилоблар, фуқаролар уруши қонли тус олиши мумкин. Бу қонли тўқнашувлар маънавий муносабатларнинг бир тури бўлган сиёсий муносабатлар натижасида юзага келади.

Инсоният тарихида маънавий муносабатлар туфайли юз берган урушлар, қонли тўқнашувлар кўп бўлган. Масалан, Шарқда сунний ва шиа мазҳаблари вакиллари ўртасидаги, Фарбда католиклар ва протестантлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар бунга мисол бўла олади. Худди шунингдек, динлар ўртасидаги тўқнашувларнинг сабаби ҳам маънавий муносабатлардир. Масалан, европаликларнинг Шарққа саккиз марта қилган солиб юришлари ҳам диний қарашлар туфайли юз берган.

Ижтимоий гуруҳлар, жамоалар таркибидаги одамларнинг ўзаро муносабатлари кўп жиҳатдан шу гуруҳ ва жамоалар мустақкамлиги, барқарорлигини белгилайди. Масалан, жамоа аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик муносабатлари устун бўлса, бу жамоа мустақкам ва барқарор бўлади. Аксинча, жамоа аъзолари ўртасида ҳасад, бир-бирини кўролмаслик устувор бўлса, бундай жамоа инқирозга учрайди.

Маънавий муносабатлар салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Одамлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, бирдамлик, ўзаро ишонч каби муносабатлар ижобий муносабатларни юзага келтирса, нафрат, чақимчилик, фитна сингари муносабатлар салбий муносабатлар деб юритилади. Ижобий маънавий муносабатлар одамлар, ижтимоий гуруҳларни жипслаштиради ва ўзаро боғлайди. Салбий муносабатлар эса, аксинча, жамоа ва гуруҳдаги бирдамлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат каби муносабатларни емириб таштайди. Лекин бундан салбий маънавий муносабатлар тарихда фақат салбий ва реакцион роль ўйнайди, деган хулоса чиқариш нотўғри бўлади. Масалан, вата-

нимиз халқларининг XIV асрда мўғул босқинчиларига нисбатан нафрати шаклан салбий туйғу эди, лекин тарихда у жуда катта ижобий роль ўйнади. Ватанимиз халқлари шу нафрат туфайли бирлашиб, Амир Те-мур раҳбарлигида миллий давлатчиликни тикладилар.

Маънавиятнинг тарихий тадрижи

Маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳаси тадрижини кузатадиган бўлсак, шиддатли тараққиёт, тангликлар, турғунлик ва баъзан инқироз билан алмашганини кўрамиз. Лекин, умуман олганда, маънавият тадрижи олға, юксакликка қараб давом этаверган.

Маънавиятнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишида нотекисликларга қарамай, умумий қонуниятлар мавжудлиги кузатилади. Ана шундай қонуниятлардан бири маънавий тараққиёт суръатларининг моддий ишлаб чиқариш тараққиёти суръатлари билан кўпинча мос келишидир. Баъзан маънавий ва моддий ишлаб чиқариш тараққиёти бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш ривожидан янгилик эскилик устидан галаба қозонади. Ишлаб чиқариш кучлари ривожиданги ҳар бир босқич кўпинча сакраш йўли билан юз беради. Бунда ишлаб чиқариш қуролларининг бир турдан иккинчисига ўтилади. Ўтиш натижасида эски қуроллардан воз кечилади, янги қуроллардан фойдаланиш ишлаб чиқариш унумдорлигини сезиларли даражада оширади. Масалан, тош қуроллардан бронза қуролларга, ундан темир қуролларга ўтиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин ўсишини таъминлаган.

Темир қуролларни ишлатишга ўтиш аввал тош қуроллар, кейинчалик бронза қуролларини ҳам ишлаб чиқариш жараёнидан сиқиб чиқарди. Темир қуроллардан фойдаланишга ўтиш ижтимоий ҳаётда кучли ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ўтиш жамиятдаги табақаланишни кучайтириб, ижтимоий меҳнат тақсимоти юз

берди, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасида жиддий бўлиниш вужудга келди.

Ўрта асрларда елканли кемаларнинг ишлаб чиқарилиши эшкакли кемаларни инқирозга учратди. Елканли кемалар денгиз йўллари орқали бўладиган савдони кучайтириб юборди. Сайёранинг турли минтақаларида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида савдо-сотиқнинг кучайиши маънавий маданиятнинг бир-бирига таъсири кучайиши ва уларнинг ўзаро яқинлашувига олиб келди. Паровоз ва ички ёниш двигателларининг кашф қилиниши ҳам турли минтақалардаги халқлар ўртасида савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кучайтирди.

Моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари қиймати уларнинг фойдалилик даражаси билан ўлчанса, маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари қиймати эстетик дид ва маънавий эҳтиёж, талабларга қанчалик мос келиши билан ўлчанади. Бундан ташқари, моддий маҳсулотлар муайян вақт давомида фойдаланилганидан кейин эскиради ва қийматини йўқотади. Масалан, кийим-кечак, пойафзал, транспорт воситалари фойдаланиш муддатини ўтагандан кейин ташлаб юборилади. Маънавий маданият намуналари эса, вақт ўтиши билан ўз қийматини йўқотмайди, балки ҳақиқий санъат асарларининг қиймати вақт ўтиши билан ошиб боради. Масалан, Гомернинг 2000 йил олдин ёзган «Илиада», «Одиссея» асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Маҳмуд Кошғарийнинг 1000 йил олдин яратган «Девони луғотит турк» асари, Навоийнинг «Хамса»си, «Ҳазойин ул-маоний» ва бошқа асарлари 500 йилдан ортиқроқ вақт давомида халқ томонидан эъзозлаб келинмоқда.

Моддий ишлаб чиқаришда янги вужудга келган ишлаб чиқариш қуроллари ва моддий ноз-неъматлар ўзидан аввалгисини инкор қилди. Маънавият соҳасида вужудга келган янги усул, шакл ва асарлар ўзидан аввалгисини тўла инкор қилмайди. Масалан, санъатда романтизмнинг вужудга келиши ва ривожланиши клас-

сицизмни тўла инкор қилгани йўқ. Одамлар энди романтик асарлардан ҳам, классицизм руҳидаги асарларидан ҳам параллел тарзда фойдалана бошлади. Ўзбек адабиётида бармоқ вазнининг кенг тарқалиши аруз вазнини тўла инкор қилмади. Бир қатор шоирлар, масалан, Собир Абдулла, Ҳабибий, Эркин Воҳидовлар арузда ҳам, бармоқ вазнида ҳам ижод қилавердилар. Шеърят мухлислари бармоқ вазни вужудга келгандан кейин арузда ёзган шеърларни ўқишдан воз кечганлари йўқ. Энди улар ҳар икки вазнида ёзилган шеърларни завқ билан ўқишни давом этдилар.

Моддий ишлаб чиқаришда янги усул ва воситалар эскисини тўла ёки деярли тўла инкор қилса, маънавий ишлаб чиқаришда янги усул ва шакллар эскилари негизида яратилади. Инсонларнинг ҳар бир авлоди жамиятнинг маънавий ҳаёти ва қадриятлари ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади, мавжуд қадриятларни янгилари билан бойитади. Лекин одамда, ёш авлод психологиясига максимализм хос бўлгани учун ҳар бир авлод маънавиятни гўё янгидан ўргангандай ҳис қилади. Аслида эса, ҳар бир авлод маънавиятга ўзига хос қўшимчасини қўшади ёки бўлмаса, мавжуд маънавиятнинг шаклини ўзгартиради. Маънавиятда ворисийлик кучли бўлгани учун ҳам биз бундан юзлаб ва минглаб йиллар аввал яратилган санъат асарларининг мазмунидан баҳраманд бўламиз ва завқ оламиз.

Маънавият соҳасида эскирмайдиган абадий эҳтиёжлар ва қадриятлар мавжуд. Масалан, барча даврларда ҳам одамлар томошаларга, кишини ҳайратга соладиган ҳодиса ва бадий воқеаларга эҳтиёж сезишган. Мана шу эҳтиёж муайян турдаги санъат асарларининг яратилишига туртки берган. Масалан, театрнинг вужудга келиши ва ривожланиши ана шундай эҳтиёж туфайли юз берган. Шу билан бирга, турли халқлар томонидан, турли тилларда яратилган санъат асарлари учун хос бўлган умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Ана шундай

хусусиятлар жумласига севги драмаси, вафо ва садоқат, рашк, хасисликни киритиш мумкин.

Турли халқлар маданияти ва санъатида умумий хусусиятлар бўлгани учун ҳам бир халқ санъаткори томонидан яратилган асар бошқа халқ вакиллари томонидан севиб ўқилади ёки томоша қилинади. Масалан, Шекспир, Навоий, Пушкиннинг асарлари ўнлаб ва юзлаб тилларга таржима қилинган ва барча халқлар томонидан эъзозлаб келинмоқда.

Барча халқлар санъатида мадҳ этиладиган умумий ҳодисалар ҳам мавжуд. Шундай ҳодисалар жумласига мардлик ва жасоратни, севги ва муҳаббатни, Ватанни, онани улуғлашни киритиш мумкин.

Турли халқларнинг маънавиятида умумий хусусиятлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Бу хусусиятлар ҳар бир муайян халқ яшаётган ҳудуд, иқлим ва шу халқ тарихи билан боғлиқ. Ҳар бир халқнинг маданияти ва санъатида шу халқ учун хос бўлган хусусиятлар мадҳ этилади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос бўлган хусусияти унинг турмуш тарзи ва тарихи билан бевосита боғлиқ. Шунинг ҳам айтиш лозимки, дунёда фақат у ёки бу халқ учун хос бўлган алоҳида хусусиятлар йўқ. Масалан, мардлик, жасорат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқат сингари хусусиятлар деярли барча халқларда мавжуд. Лекин, бу хусусиятларнинг ҳар бир халқ ҳаётида, характерида намоён бўлиши турли хусусиятга эга бўлади. Масалан, меҳмондўстлик каби хусусият барча халқларда ҳам бор, лекин унинг намоён бўлиш даражаси ва шакли турли халқларда турлича бўлади. Меҳмондўстлик ўзбекларга хос бўлган асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Бунинг тарихий илдиэлари мавжуд. Ўзбеклар истиқомат қиладиган асосий ҳудуд — Мовароуннаҳр Буюк ипак йўлининг марказида жойлашгани сабабли, меҳмондўстлик ривожлана бошлаган. Чунки, Буюк ипак йўлидаги савдо алоқалари ривожланган қадимги давр ва ўрта асрларда

меҳмонхоналар йўқлиги сабабли савдогарлар карвонсаройлар ва одамларнинг ҳовли-жойларида тўхташган. Савдогарнинг хусусий ҳовлида тўхташи шу ҳовли эгаси учун ҳам, савдогар учун ҳам манфаатли эди. Асрлар давомида давом этган шу вазият туфайли меҳмондўстлик ривожланиб борди ва ўзбекларнинг муҳим белгиларидан бирига айланди.

Ҳар бир халқ маънавияти ва маданиятида шу халқнинг турмуш тарзи, касби, яшаш шароитлари акс этади. Масалан, ўрта асрлардаги араб шеърлятида гўзал қизларни туянинг боласи – бўталоққа ўхшатиш расм бўлган. Бу ҳодисанинг сабаби, араблар, асосан, туячилик билан шуғулланганида эди. Чорвачилик билан шуғулланган халқларда болаларни ва қизларни кўзичоққа қиёслашган.

Турли авлодлар маънавияти ўртасида умумийлик билан бирга тафовутлар ҳам учрайди. Одатда, катта авлод вакиллари кейинги авлод ўзгараётгани, ахлоқи бузилиб, қайсарлиги, катталарга қулоқ солмаслигидан шикоят қилишади. Илмий-техник тараққиёт авж олган XX асрнинг иккинчи ярми XXI асрнинг бошларида бу тафовут янада кучайди. Чунки нафақат техника ва технологиялар, балки ижтимоий ҳаётда шиддат билан юз бераётган ўзгаришлар ҳам авлодлар ўртасидаги ана шу тафовутларни чуқурлаштириб юбормоқда.

Бундан бир неча аср, ҳатто минглаб йиллар аввал ҳам катта авлод вақларининг ёшлардан шикоят қилиши ёзма манбаларда акс этган. Масалан, Мисрдан топилган эраميزдан олдинги учинчи минг йилликка оид папирусда «ҳозирги ёшлар айниб кетди» деган жумла ёзилган экан.

Турли авлодлар маънавияти ўртасида тафовутлардан кўра, умумийлик устунлик қилади. Акс қолда, маънавиятдаги ворисийлик узилиб қолган бўлар эди.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат,

қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантриши табиий.

Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, ислохотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳозирга қадар кенг кўламли сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларимизнинг барчасида халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор йўналиш сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида **Ватанга муҳаббат туйғуси** илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.

Албатта, жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим.

Мундарижа

Кириш.....	3
------------	---

I боб Маънавият тузилмаси ва маънавий тарбия

Бағрикенглик.....	11
Мардлик.....	16
Шахс маънавияти.....	22
Шахснинг маънавий олами.....	25
Шахс маънавий дунёсининг шаклланиши.....	26
Маънавият ва қадрият.....	33
Маънавият манбалари	39
Маънавият, тарбия, тараққиёт.....	42

II боб Маънавий тарбия йўналишлари

Ватанпарварлик тарбияси.....	63
Меҳнат тарбияси ва маънавият.....	70
Эстетик тарбия ва маънавият.....	74

III боб Маънавий камолот ва уни тапхислаш

Маънавий камолот даражалари	80
Ёшлар маънавий эҳтиёжи шаклланганлигини аниқлаш усуллари.....	83

IV боб Маънавий тарбия мурватлари

Маънавий камолот психологияси.....	91
Психология фани ва маънавий юксалиш муаммолари.....	94
Шахснинг маънавий маданияти.....	107
Маънавий муносабатлар.....	118
Маънавиятнинг тарихий тадрижи.....	120

**Абдуллажон Бегматов
Дилором Анварова**

Маънавий тарбия

**«Akademiya»
Тошкент - 2013**

**Муҳаррир Г. Абдуллаева
Дизайнер С. Рашидов
Техник муҳаррир С. Рашидов**

**Нашр. лицен. АЛ № 232 Босишга ружсат этилди 29.11.13
Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 8,0
Нашриёт ҳисоб табоғи 8.0. Адади 1500
Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45**

ISBN 978-9943-368-78-1



9 789943 368781